

ЖОН СТЕЙНБЕК

# ЖАВОХИР



Русчадан Амиркул Каримов таржимаси

ТОШКЕНТ "МАЊНАВИЯТ" 2000

Халқаро Нобель муроғоти лауреати Жон СТЕЙНБЕК (1902 –1968 й.) Американнинг машҳур ёзувчиларидан биридир. У “Бир тутам газаб”, “Оқибати ноён кураш”, “Адаштан автобус” сингари романдар, “Тортилья—Флет мавзеси”, “Ситконлар ва одамлар ҳақида”, “Жавоҳир” каби қиссалар муаллифи сифатида жаҳон китобхонларига таниш ҳамда севимли.

Адабнинг "Жавоҳир" қиссаси жамиятдаги ижтимоий адолатсизликларни акс эттирувчи ҳароратли ривоят-қиссадир. Бу асарнинг ёзишига Стейнбекнинг Мексика гарбий соҳилларига икки ойлик саёхтидан олган таассуротлари сабаб бўлди. Унда маънавият унтулиб, пул, бойлик мөхияти билан инсон мөхияти қоришиб кеттан жамиятда кечган фожиали воеалар ҳақида ҳикоя қилинади.

Жаҳон адабиётининг ажойиб дурдоналаридан бири саналган ушбу драматик қисса ўзбек китобхонларига манзур бўлади, деган умиддамиз.



“Шахарда йирик бир инжу ҳақида — уни қандай топиб олғанлари, ҳамда қай тахлит ундан жудо бўлганлари тўғрисида сўзлайдилар. Марварид изловчи Кино, хотини Хуана ва уларнинг фарзанди Койотито борасида ҳикоя қиласидилар. Бу воҳеа ҳакидаги гаплар оғиздан-оғизга ўтиб, жуда тез тарқалган ва одамлар онгига мустаҳкам ўрнашиб қолган. Кўп марта тақрорланган, кишилар дилидан жой олган барча воҳеалардаги каби бунда ҳам асло мўътадил тус йўқ. Фақат яхши ва ёмон, фақат нур ва зулмат, кора ва оқ рангларгина мавжуд.

Мабодо бу воќеа ривојт бўлса, ҳар ким уни ўзича тушуниб, балки ўзига тегишли хулоса чиқарар. Ҳар қалай, шаҳарда кўйидагилар ҳакида хикоя қиласидилар.

Тонг эндигина ёришиб келаётган маҳал Кино уйқудан уйғонди. Самода ҳали юлдузлар нур сочар, фактат осмоннинг шарқий қисмida уфқ этаги оқариб, субхидам яқинлашатганидан дарак берар эди. Ҳўроэлар бир-бирларига гал бермай ҳиччиришар, сахар-мардондан изғиши бошлаган чўчқалар ҳам илгари илғамай қолган егулик топилиб қолишидан умидвор бўлиб шоҳшабба ва пайраҳалар орасида тимирскиланардилар. Қамишдан тикланган кулба деворлари ортидаги майсазорда жажжи қушлар галаси чуғурашар, қанотларини потирлатишарди.

Кино кўзларини очганида даставвал ёруғ тўртбурчакни -  
кулбага кириш жойини, сўнгра шифтга осилган, Койотито ором  
оладиган беланчакни кўрди. Ниҳоят, у нигоҳини ёнида, бўйра  
устида бурун катакларини, кўкси ва елкаларини кўк шол рўмол  
билин ёниб ором олаётган хотини Хуанага қаратди. Хуананинг  
кўзлари ҳам очиқ эди. Кино уйғонган маҳалида Хуананинг  
нигоҳдарига дуч келди. Унинг тим-  
қора кўзлари митни юлдузчаликни оли чакнон эди. Кино  
уйғонган маҳали Хуанага ташланганни таъсизлаштириш  
турарди.

Стейнбек, Жон.

Жавохир: Кисса (Тарж. А. Каримов.—Т.: “Маънавият”, 2000.—80 б.)

И (Амер)

© “Мънавият”, 2000

C 4702620204 -11- 29 - 00  
M25(04) -00

Кино субҳидамда денгиз тўлқинларининг қирғоқда урилиб, енгил шовуллаганини эшилди. Бу 'товушни тинглаш мароқли эди. Ундаги мусиқа оғушига чўмиш учун у яна кўзларини юмди. Балки унинг ёлғиз ўзигина шундай қилас, балки элатдошларининг ҳар бири шу тахлит куй тинглашни хуш кўрар, ҳар қалай қадим қадимлардан унинг элатига мансуб кишилар буюк қўшиқ тўкувчилар бўлишган. Нима ҳақда ўйлашмасин, ҳаммасини қўшиқка согланлар. Бу узоқ мозийда бўлган. Аммо уларнинг қўшиклари ҳали-ҳануз яшаб келади: Кино бу қўшикларининг барчасини ёд билади. Бироқ, негадир янги қўшиклардан дарак йўқ. Бу ҳар бир одамнинг ўз қўшиғи йўқ, дегани эмас, албатта. Зоро, ҳатто ҳозир ҳам Кинонинг хаёлида ёрқин, сокин бир қўшиқ янграомоқда эдики, агарда у ҳақда сўзлаш лозим бўлиб қолса, Кино бу қўшиқнинг номини Оила қўшиғи деб атаган бўларди.

Зах ҳаво билан нафас олмаслик учун Кино бурнини адел чети билан ёпіб олғанди. У нигохини сокин шитирлаш әштирилган тарафта бурди. Хуана, охистагина ўрнидан турмоқда эди. У тупроқ сағын узра бақувват яланг оёклари билан юраркан, Койотито ухлаб ётган беланчак ёнига келиб, әнгашди, унга қандайдыр мулојим сүз айтди.

Хуана гулхан учун ясалган ўчоқ бошига келиб, кулни тита бошлади. Кул ичидан топилган күмир устига қуруқ шош-шаббаларни қаларкан, уни алангалатиш учун пуллашға киришди.

Кино ҳам ўрнидан турди. Адёлни бошига ёпиб, у билан елкаларини, бурнини ўради. Оёғига ковушини илиб, қўёшнинг чикишини томоша қилгани ташқарига чиқди.

Остона ҳатлагач, у чүккалаб ўтири-да, тиззаларини адел билан ёпди. Күрфаз узра самода парку булутлар қизғиши дөг сингари алвонланыёттанини күрди. Шу пайт унинг қаршиисида эчки пайдо бўлди. Бир-икки ҳидлагач, сарғиш совуқ кўзлари билан унга тикилиб қолди. Бу лаҳза Хуана кулбада гулхан ёқди. Найзадек ёруғ нур қамиш кулба деворлари тирқишидан отилиб чиққан, остановда эса япалоқ тўртбурчак шаклида ястаниб олганди. Кечиккан кўршапалак ногоҳ пириллаб ўзини ичкарига урди. Энди Оила Қўшиғи Кинонинг ортида янграмоқда эди. Оила қўшигининг оҳанглари Хуана нонуштага нон ёпиш учун жўхори туядиган ёргичоққа урилиб, ажаб жаранг таратарди.

Эндилиқда тонг атрофни оқдикка бурқаб, зудлик билан ўз хукмига кирмоқда эди. Кўрғаз ортидан бирданнига қуёш шўнгигиб чиқди. Кино эиё сочайтган офтобдан кўзларини олиб қочди. У ортида нонни шапатилаётган кафталар товушини энитди.

Димогига қиэдирилган тованинг ажиб бўйи урилди. Замин узра ярқироқ баданли, катта қора ва оч-кулранг тусли майда, аммо этчил чумолилар фивирларди. Кино оч-кулранг бир чумолининг чумолиҳўр қазиган чуқурчадан чиқишига жонҳолатда уринишини ажиб қизиқсиниши билан кузатди. Қўрқоқ ориқ ит Кинонинг пинжига сукулди. Унинг эркаловчи овозини эшитгач, ёнига чўэйларкан, эҳтиёткорлик билан думини панжалари устидан олиб ўтди-да, сўнгра бирдан тумшуғини оёқларига қўйди. Ит қора рангда бўлса-да, пешонасида сарғиш қашқаси бор эди. Тонг ҳар доимгидай ёришар, айни пайтда, ҳеч қайси субҳни бугунгисига киёслаб бўлмасди.

Кино аргамчининг фирчиллаганини эшитди: Ҳуана шифтга илинган беланчакдан Койотитони чиқариб олмокда эди. У боласини ювинтириди ва рўмоли орасига, шундоккина қўраги рўпарасига жойлади. Кино гарчи буни кўрмаётган бўлса-да, қалбан ҳис этиб турарди. Ҳуана жами уч нотадангина иборат, улар орасидаги оралиқ эса интиҳосиз давом этадиган қадимий қўшиқни оҳиста хиргойи қила бошлиди. Бу қўшиқ Оила қўшиғининг бир бўлаги эди. Гоҳида қўшиқ юракни ўртовчи шундай бир пардагача кўтариларди-ки, беихтиёр томомингга бир нарса тиқилиб келар, бу лаҳзада сен бир ҳақиқатни — оро-минг, жонинг, бутун борлиғинг мана шу қўшиқда мужассам эканлигини англардинг.

Қамиш иҳотанинг нариги томонида қамишдан ясалган ўзга кулбалар мавжуд бўлиб, у ердан ҳам тутун тараалар, тонгти оҳанглар қулоққа чалинарди. Бироқ, у ердаги қўшиқлар ҳам, чўчқалар ҳам ўзгача, хотинлар орасида эса Хуана йўқ эди.

Кино навқирон ва бақувват эди. Қоп-қора соchlари бронзадек ярқироқ пешонасига тушиб турарди. Үнинг күзларида илик ёлқин мавжуд бўлиб, нигоҳи ўткир, мўйлаби сийрак ва қаттиқ эди. У адёлни бурни устидан туширди. Чунки, қора зэккум ҳаво илиб, кулбага қўёшнинг заррин нурлари оқиб киради. Икки хўроз қанотларини ҳурпайтириб, бўйини шиширган кўйи қамиш ихота олдида ҳужумга чоғлангандек бўлиб бир-бирларини қўрқитиш билан банд эдилар. Бу лапашангларга чўқилашишга жон қайдадейсиз. Улар уришадиган хўролар эмас. Кино уларга бир дақиқа боқиб турди-да, сўнгра нигоҳини юқорига, осмонда кўрфаздан тепаликка томон учайдиган ёввойи кабутарлар сари бурди. Олам уйғонди. Кино ҳам ўрнидан туриб, қамиш кулбасига кирди.

У оstonада кўриниши билан Хуана ўчоқда алангаланаётган гулхандан нари кетди. У яна Койотитони шифтга илинган беланчак ичига солдида, соchlарини тарай бошлади. Соchlарини икки ўрим қилиб ўргач, учларини ингичка зангори лентача билан боғлаб қўйди. Кино гулхан олдида оёгини чалиштириб ўтириди. Иссик нонни карнай қилиб буқлаб, қайлага ботирида, ейишга киришди. Бироз пулька ҳам ичди. Унинг нонуштаси ана шулардангина иборат эди. Байрамларни ва яна пишириқ еявериб ўлаёзган бир кунни ҳисобламаганда, у бундан бошқача нонушта кўрмаганди.

Кинонинг қорни тўйди. Шу пайт Хуана ҳам гулханга яқин келиб, нонушта қилишга тутинди. Улар ўзаро икки-уч оғиз сўзлашишди, холос. Аммо бу зарурат юзасидан эмасди. Шунчаки, кўнишка туфайли сўзлашишнинг нима кераки бор ўзи. Кино ҳониқиши билан хўрсиниб қўйди, бу уларнинг ўзига хос сұҳбати эди.

Қўёш қамиш деворлар ёриғидан тарам-тарам нурлари билан мўралаб, кулбани қиздиради. Ана шундай нур тарамларининг бир тутами Койотито ётган беланчак ҳамда шифтга қўэилган аргамчи юзасига тушиб турарди.

Аранг илғаш мумкин бўлган ҳаракат Кино ва Хуананинг нигоҳини беланчакка тортди. Уларнинг ҳар иккиси турган жойларида қотиб қолишиди. Шифт тўсинига Койотито ухлаётган беланчак осилган аргамчи бўйлаб пастга томон чаён худди рақс тушаётгандек ўрмалаб келарди. Думини гажак қилиб олган бўлсада, ҳар дақиқада у ниш уриб олиши мумкин эди.

Кинонинг бурун катакларидан нафаси чийиллаб чиқарди. Бунга барҳам бериш учун у беихтиёр оғзини очди. Шунда унинг қўзларидаги қўркув ўз-ўзидан фойиб бўлди, вужудига қон югуреди. Унинг бошида энди янги қўшиқ - Евузлик қўшифи, оиласа қайғу келтирадиган кулфат мусиқаси янграй бошлади. Қўрқинчли, ёввойи, палағда оҳанг орасида Оила қўшифи мунгли нола бўлиб таралмоқда эди.

Чаён арқон бўйлаб беланчак сари енгил ўрмаларди. Хуана тишлари орасидан эштилар-эштилмас қадимиий оятни ва "Биби Марям" дуосини шивирлар эди. Аммо Кино энди тек қотиб туролмас эди. Унинг вужуди кулбада шарпасиз сирғалар — товушсиз бир маромда суриниб борарди. У кафтлари пастга қараган қўлларини олдга чўзган ҳолда қўзларини чаёндан узмай илгарилаб борарди. Беланчакда ётган Койотито эса қиқиrlab

кулар, чаёнга жажжи қўлчаларини чўзарди. Кино беланчакка этишига озгина қолганда чаён ўзига яқинлашаётган хавфни ҳис этди. Ҳаракатдан тўхтади. Унинг думи қисқа-қисқа силкиниб елкасига кўтарилиди. Думида эса ёй шаклидаги ниши ярқиради.

Кино нафас олмай турарди. У Хуана қадимиий афсунни шивирлаганини ва фанимона Ёвуэлик қўшиғини эшитиб турарди. Кино ҳаракатланишга ботина олмас, чаённинг биринчи бўлиб қўзғалишини кутарди. Чаён эса ўлим хавфи қаёқдан келаётганини билиш учун қўзғалмас, тараддулданиб турарди. Отанинг қўли олдинга оҳиста ва секин талпинарди. Дум ниш билан юқорига бир силкинди. Бу дақиқада кулаётган Койотито арқонни тебратиб юборди, чаён бирдан қулав тушди.

Отанинг қўллари чаённи ушлаб олишга талпинган бўлса-да, бироқ чаён четлаб учиб бориб, боланинг елкасига тушди. Унга тегар-тегмас дарҳол нишини санчди. Кино шунда чаённи тутиб олди. Бўғиқ ҳайқириқ билан уни бармоқларида эзиб, мақақлади. Сўнгра уни оёқлари остига улоқтирида-да, жонҳолатда мушт тушира кетди. Койотито эса оғриқ зўридан чинқиришга тушган эди. Аммо, Кино зааркунданни уришдан, эзғилашдан тўхтамасди. Бу ҳол ерда фақат нам изигина қолгунча давом этди. Кинонинг тишлари гичирлар, қўзлари ғазабдан ёнар, қулоқлари остида эса фаним қўшиғи жаарангларди.

Бироқ, бола энди Хуананинг қўлида эди. У чаён чаққанидан қизара бошлаган жойни топди. Жароҳатта лабларини босиб, сўришга киришди. Койотито эса чинқиргани чинқирган эди.

Кино унинг ёнида тик турарди: у нима қилишини билмас, фақат Хуанага халал берарди.

Боланинг чинқириғига қўшнилар югуриб келишиди. Улар ўз кулбаларидан ёғилиб келардилар. Кинонинг акаси Хуан Томас, семиз хотини Аполония ва уларнинг тўрт боласи эшик олдида тўдалашиб, кулбага кириш йўлини тўсиб қўйган эдилар. Улар ортидан бошқалар мўралашарди. Бир кичик болакай бўлса, ҳаммасини рисоладагидек кўриш ниятида катталарнинг оёқлари орасидан ёриб кирди. Олдинда турганлар орқадагиларга: "чаён, болани чаён чақиби" деб хабар берардилар.

Хуана чаён ниш урган жойдан лабларини олди. Жароҳат бироз катталашган, қони сўраб олинганидан атрофи оқишиг тус олганди. Бироқ қизғиши шиши дўмпайиб, вужудга тарқалмоқда эди. Бу одамлар чаён нималигини яхши билардилар. Унинг чақувидан катталар қаттиқ касал бўлишади, бола эса кўп ўтмай

ўлади. Улар дастлаб шиш ва ҳарорат белги беришини, томоқ бўғилиб, ошқозонда санчиқ туришини, сўнгра эса, агар заҳар вужудга тарқалиб ултурган бўлса, Койотито ўлишини ҳам билиб турардилар. Бироқ оғриқ секин-аста пасайиб борар, Койотито чинқириш ўрнига энди фахат иҳраб қўярди.

Кино чидамли, мўъжазгина хотининг темирдек бардошига бир неча бор қойил қолган. Мана шу итоаткор, одобли, қувноқ аёл бола тугаётганида бирор марта бўлсин қичқириқмай белини ёйдек бўккан эди. Чарчоқка ва очликка ҳам у қариб Кино сингари дош бера оларди. Эшкак эшишда эса у ҳар қандай эркак билан баҳслashiшга қодир эди. Мана ҳозир у Кино учун кутилмаган нарсага ботинди.

— Докторни, — деди у, — бориб докторни чақириб кел.

Бу сўз қамиш ихота ортидаги кичик ҳовлида тўпланиб турган қўшнилар қулогига чалинди.

Улар "Хуана докторни чақириб келишни буюряпти" деб тақрорлардилар. Тап тортмай докторни олиб келишни талаб қиласа! Кўз кўриб, қулоқ эштмаган иш-ку бу. Агар уни ростданам олиб келишса ҳақиқий мўъжиза бўларди. Чунки доктор қамиш кулбалардан иборат қишлоқка ҳеч қадам қўймасди. Рости, тош ва ғиштдан ясалган шаҳар уйларида яшовчи бойларни даволаб, ўшаларни аранг эплаётган докторга бу ерга келишдан нима фойда?

— Келмайди, — дейишарди ҳовлидагилар.

— Барибир келмайди, — тақрорлашарди эшик олдиаги-лар. Кинонинг ўзи ҳам шу фикрда эди.

— Доктор бизникига келмайди, — деди Кино Хуанага.

Хуана она шерники сингари совуқ нигоҳини унга қадади. Койотито унинг илк фарзанди — дунёга келиб топган дунёси эди. Кино Хуананинг қатъиятини ҳис этди ва унинг қулоқлари остида Оила мусиқаси кескин оҳангларда янграй бошлади.

— Ундай бўлса, ўзимиз унинг олдига борамиз, — деди Хуана бошидаги рўмолини тўғриларкан. Унинг бир учини қўли устига ташлади. Инграётган боласини қўлга олди. Шол рўмолининг бошқа учи билан нур тушмасин деб боланинг пешонасини ёпиб қўйди. Остонада турган кишилар ўз ортидаги одамларни сурниб, орқага тисарилиб, Хуанага йўл бўшатдилар. Кино унинг кетидан юрди. Улар кулбадан майдা йўлакчаларга бўлинган йўлга чиқишиди. Қўшнилар эса улар кетидан эргашишиди. Уларнинг кулфатига бутун қишлоқ шерик эди.

Одамлар яланг оёқлари билан шовқинсиз равиша шаҳар марказига йўналдилар. Одинда Хуана ва Кино, улар изидан Хуан Томас ва қорнининг катталигидан йўлда чайқалиб бораётган хотини Аполония, сўнгра эса қўшнилар келишаради. Ўнг ва сўлда бўлса, майдо одимлар билан болакайлар югуриб бораардилар. Заъфар қуёш уларнинг ортидан нур сочар, одамлар ўз сояларини босиб, олдга илгарилар эдилар.

Оломон қамиш кулбалар тугаб, ғишин ва тош уйли, ҳар қадамда турфа тўсиқлар учраб, ташқарисидан яланроқ қўринсада, аслида ичкарисидаги салжун боғларида сувлар шарқираётган, бугенвиллен гулларининг оқ, қизил ва ёрқин пушти рангларига бурканган ҳовлилар бисёр бўлган шаҳар бошланадиган жойга етиб келди.

Бу қўздан пана боғлардан қафасга солинган қушларнинг сайрори, қизиган тоштахталарда жилғаланиб оқаётган муздай сувнинг шовуллаши эштилиб турарди. Оломон қуёш қиздираётган яйдоқ майдонни кесиб ўтиб, черков ёнидан илгарилади. Одамлар сони дақиқа сайин ўсиб бораради. Шошилиб келиб қўшилган кимсага одамлар болани чаён чақиб олгани, ота-онаси уни докторга олиб кетаётганини шивирлаб айтардилар.

Жараённинг янги иштирокчилари, айниқса молиявий масалаларнинг буюк билағонлари бўлган черков остонасидаги гадолар Хуананинг эски кўк юбкасига ялт этиб қараб олар, шол рўмолидаги тешикларни кўриб, сочидаги зангори лентасини нархлаб баҳолардилар. Кинонинг адёли унга яна неча йил хизмат қила олишини, унинг кийимлари неча минг маротаба ювилганини аниқ айтиб беришарди. Уларнинг камбағал эканлигини англашгач эса, бу воқеанинг тугашига гувоҳ бўлиш учун қўпчилик кетидан эргашардилар. Черков остонасидаги тўрт гадо шаҳарда рўй бергаётган барча нарсалардан хабардор эди. Ибодатта келган жувонларнинг чехраси улар учун очиқ китобдек бир гап. Шундай аёллар черковдан чиқиши биланоқ гадолар дарҳол уларнинг гуноҳларини билиб олардилар. Шаҳардаги ҳар бир гийбатдан тортиб, қўплаб катта жиноятларгача уларга маълум эди. Улар черковга кираверишдаги айвонда ухлар, ўз жойларидан кетмас, ҳаммани, ҳатто сеэдирмайгина кириб, черковдан ўз дардларига малҳам излаётган кимсани ҳам кўриб турардилар. Улар докторни ҳам яхши билишарди. Унинг расвониги, шафқатсиэлиги, очкўзлиги, ебтўймаслиги, гуноҳлари ҳам — барча-барчаси уларга аён эди. У қилган барча муваффақиятсиз абортиларни гадолар бит-

табал санай олишар, садақага ҳам хасислик билан сариқ ҷаларнигина беришигача билардилар. Гадолар у нариги дунёга жўнатган кишиларни черковга қандай олиб киришгандаригача кўришганди. Эрталабки ибодат тугагани сабабли, ишлар мароми босилганди. Ўз яқинлари ҳақида аниқ хабар топишда ором билмас бу гадолар оломонга қўшилиб, камбағалларнинг чаён чаққан болаларига ёф босган, ялқов доктор қандай муносабатда бўлишини билишга қизиқардилар.

Оломон доктор хонадонини ўраб-турган иҳотадаги кенг дарича олдига етиб келди. Ичкаридан сувнинг шарқирави, қафасдаги қушларнинг сайроғи ва тоштахта уэра узун супургининг бир маромдаги ҳаракати овози эшитилиб турарди. Доктор хонадонидан қовурилган гўштнинг хуш ҳиди димоқча уриларди.

Кино дарича олдида каловланиб туриб қолди. Доктор у мансуб ҳалқ фарзанди эмас эди. Бу доктор қарийб тўрт асрдан бери Кинонинг қабиладошларини калтаклаш, очлиқда сақлаш, талаш билангина кифояланмай, яна улардан нафраланадиган, эшиги остонасига келганда худди ҳозиргидек довдираబ қолиш дарражасигача қўрқитган ирққа мансуб эди. Кино бу ирққа мансуб кишилар билан тўқнаш келганда ҳар гал бирдан ўзини ожиз ва кучсиз сезар, ногоҳ юрагида қўрқув билан бирга аллақандай газаб ҳам уйғонарди. Газаб ва қўрқув доимо ёнма-ён юради. Кино учун доктор билан гаплашишдан кўра уни ўлдириш осонроқ эди. Чунки, докторнинг ирқдошлари унинг миллатдошларига тил забонсиз ҳайвондек муносабатда бўлардилар. Кино ўнг қўлини даричанинг темир ҳалқасига чўзётганида юрагида газаб жўшарди. Қулоқларида ғаним мусиқаси жаранглаб, лаблари маҳкам жисплашган бўлсада, аммо чап қўли беихтиёр шляпасига узалмоқда эди. Темир ҳалқа даричага урилиб, тарақлади. Хуананинг қўлидаги Койотито секин инграниб қўйди. Хуана эса бунга жавобан унинг қулоқларига алланарса деб майин шивирлади. Оломон улар атрофида тўпланар, ҳеч нарсани назардан қочирмасликка, ҳаммасини қўришга интилар эди.

Бир неча дақиқадан сўнг кенг дарича бироз очилгандек бўлди. Кино бу тирқишидан салқин зангори боғни ва шарқирайтган кичикинагина фавворани қўрди. Даричанинг нариги тарафидан боққан киши ҳам унинг қабиладошларидан эди. Кино у билан ўзларининг қадимий тилида сўзлашди.

— Гўдагимизни... тўнгичимизни... чаён чақиб олди, — деди Кино. — Унга табиб керак.

— Сабр қил, — деди у. — Ҳоэир билиб келаман. Сўнгра даричани кия ёпиб, ичкаридан занжирлади.

Кўзни қамаштирадиган қуёш оппоқ тош деворларга кишиларнинг қора сояларини аниқ қилиб чизарди.

Доктор хонасида тўшакда ўтиради. Унинг эгнида қачонлардир Париждан келтирилган, эндиликда, барча тумалари ўтказилса, кўкраги бир оз қисадиган бўлиб қолган қизил муҳайяр халат бор эди. Докторнинг тиззасидаги кумуш баркашда кумуш шоколаддон ва юпқагина чиннидан ишланган идишча мавжуд эди. Доктор уни ўзининг япалоқ қўлига олиб, бош ва кўрсаткич бармоғи билан ушлаган кўйи лабига олиб боргандা, айниқса, идишча кулгини қистайдиган даражада кичкина қўриниб кетарди. Унинг кўзлари остида кўкимтири ҳалқачалар ҳосил бўлган, оғзиининг четлари вайсақиларнидек осилиб қолганди. Ииллар ўтиб, доктор бадқовоқлашиб, томоғини ёф босганидан хирилдоқ товушда гапирадиган бўлиб қолганди. Каравот ёнидаги столча устида сигаретларнинг учи чиқиб турган шиша идиш ва шарқона кичкина занг турган эди. Хонадаги мебеллар каттакон, қора рангда бўлиб, ноҳуш, кайфият уйғотарди: суратларнинг барі диний мазмунда, уйда ягона фотосурат мавжуд бўлиб, унда докторнинг марҳума хотини акс этган эди. Марҳума (агар васиятига биноан нархи тўлаб туриладиган ибодатлар эвазига шунга эришиш мумкин бўлса), эндиликда жаннат роҳат-фароғатидан баҳраманд эди. Бир вақтлар доктор қисқа муддатга бўлса-да маданий ҳаётга дахл қилган ва умрининг қолган қисми Францияга бўлган соғинч ва хотираларга тўла эди. — У пайтлар, — дерди у, — мен маданиятли инсон эдим. — Доктор бу билан ўзининг камтарона иш ҳақи жононлар билан юриш ва ресторонларда овқатланиш имкониятини беролганини назарда тутарди. У идишига яна шоколад қўйди, шакарли пишириқни бармоқлари билан ушатди. Хизматкор очиқ эшик олдига келиб, тўхтади ва ўзининг шу ерда турганини сезишларини кутиб турди.

— Ҳўш? — сўради доктор.

— Қандайдир ҳинду, боласи билан... Болани чаён чақанмиш...

Доктор газабга эрк беришидан олдин эҳтиёткорлик билан идишини баркашга қўйди.

— Бир камим “қандайдир ҳиндулар”ни зааркунадаларнинг чақувидан даволаш эди. Мен мол дўхтири эмас, врачман.

— Хўп, хўжайин, — деди хизматкор.

— Пули бор эканми? — сўради доктор. — Қаёқда! Уларда пул нима қилсин. Негадир дунёда яккаю ягона — мен текинга ишлашим ке-рак. Жонимга тегди. Бор, пули бор-йўқлигини билиб кел!

Хизматкор даричани бир оз қия очди-да, тирқищдан жавоб кутиб турган оломонга қаради. У бу гал ҳам қадимий тилда гапиди:

— Даволаш учун тўлайдиган пулинг борми?

Кино адёл остидаги яширин чўнтағига қўл суқди. У ердан тўрт буклоғлик қоғоз чиқариб, эҳтиётгаб оча бошлади. Ниҳоят қоғоз ичидаги саккизта майда яласқи дур кўринди. Улар қийшайган, майда яра сингари оч тусда бўлиб, қарийб ҳеч қанақсанги қийматга эга эмасди. Хизматкор уларни қоғози билан олгач, даричани беркитди. Бироқ, бу гал уни узоқ кутмадилар. У даричани қоғоз сиғадиган даражада очди-да:

— Доктор кетиб қолди. Уни оғир касалникига чақириб кетишиди, — дея дарҳол даричани бекитиб олди. Чунки у одамларнинг кўзларига бокишига уялар эди.

Бу уят оломонга ҳам юқди. Оломон тарқала бошлади. Гадолар черков остонасига қайтдилар. Лақиллаб юрган бекорчилар эса сандирақлашда давом этдилар. Қўшнилар ҳам, ҳамманинг кўзи ўнгидаги шарманда қилинган Кинонинг ўзлари олдида уялмаслиги учун тарқалишиди.

Кино докторнинг уйи олдида узоқ турди. Унинг ёнида Хуана ҳам бор эди. Кино ҳурмат маъносига ечган шляпасини оҳиста кийди. Тўсатдан қулочкашлаб, мушти билан даричага зарб тушириди. Сўнгра ёрилиб кетган бўғимига, бармоқлари орасидан сизиб оқаётган қонга ажабланиб қараб қолди.

## II

Шаҳар дарё этагидаги жойлашган бўлиб, ўзининг эски, сарғиш уйлари билан Кўрфазнинг қарийб қирғонигача келиб қолган эди. Қирғонда эса сувдан чиқариб қўйилган Найарит қайиқлари ётарди. Сув ўтмайдиган қорамой суртилгани учун улар бир неча авлодга хиэммат қилган, оқ ва кўк рангда эдилар. Марварид изловчилар бу хилдаги қайиқ ясаш сирини яхши билардилар. Қайиқлар ичи чукур, чиройли, тумшуғи ва қўйруғи айланатоб, кичкина учбурчак елканли мачта қотирилган кўндаланг тўсишли эди.

Сарик қум қарийб сув лабигача ястаниб борган, у ерда эса қум ўринини сув ўтлари ва тўлқинлар парчалаб ташлаган чиганоқ чаноқлари эгаллаганди. Қумлоқда денгиз қисқичбакалари мудрар, гивирлашарди. Синиб, майда-майда бўлиб кетган чаноқлар орасида гоҳо майин юнгли жажжи жонзотлар чиқиб, гоҳо ниҳон бўлардилар. Денгиз туви ўрмалаётган, сузаётган жонзотлару юқорига интилаётган ўсимликлар билан тўлиб тошганди. Сокин тўлқинлар қалин сув ўтларини майин аллалар, дентиз жонзотлари маҳкам ёпишиб олган ям-яшил сув ўтининг узун бағларини жимгина тебратар эди. Сирти олачипор заҳарли балиқлар эса сув ўтининг майин қатламига ёпишиб олган, уларнинг юқорисида ранго-ранг қисқичбакалар у ёқдан бу ёққа изғиб юришарди.

Шаҳарнинг оч итлари ва чўқкалари келаётган тўлқин ўлиқ балиқними ёки дентиз күшиними қирғонқа чиқариб ташлар, деган илинжда соҳилда тинмай тимирскиланишарди.

Тонг отганига ҳали унча вақт бўлмаса-да, йироқларда миљтираган сароб пайдо бўлишга ултурганди. Кўрфаз бўйлаб айрим нарсаларни бўрттириб, айримларини бутунлай кўриб бўлмайдиган қилиб юборадиган титроқ бир ҳаво ястаниб олганди. Бу титроқ туманда ҳамма нарса кўзни чалғитадиган рўёдек туюларди: унда ҳамма нарса — дентиз ҳам, замин ҳам ажаб аниқлик касб этар ва шунинг билан бирора тушдагидек гиравшира ҳам эди. Балки шунинг учун Кўрфаз бўйида яшовчи одамлар кўпроқ ички сезгиларига, тасаввурларига ишонарлар. Кўзларига ишонмайди, чунки кўзлар алдайдилар. Улар узоқни яқин қилиб қўрадилар, йўқ нарсани бордай аниқ намоён этадилар. Шаҳар чеккасидаги мангозорда дараҳтларнинг танаси бир тарафдан худди телескоп ойнасидаги каби аниқ кўринса, иккинчи томондан қора- зангор доғларга қоришиб намоён бўлади. Кўрфазнинг йироқ соҳили сувга ўхшаш қуюқ туманда гўё эриб кетгандек. Кўз қамраб олаётган ҳамма нарсада зигирча бўлсин ҳаққонийлик йўқ эди. Кўзининг ташиниб, ҳақиқатан ҳам бирор нарсани кўраяпсанми ёки рўпарапнга бўшлиқми, билиб бўлмасди. Кўрфаз бўйида яшовчилар ҳамма ерда ҳам шундай ўйлашар, бу уларни ажаблантиромасди ҳам. Сув устида ногоҳ мисранг ярқироқ тутун пайдо бўлар ва заррин қуёш ундан сингиб ўтиб, кўзни қамаштиргулик шуъла таратиб миљтирашга мажбур қиласди.

Марварид тутувчиларнинг қамиш кулбалари шаҳарнинг ўнг томонидаги саёзлик ичкарисида жойлашган, улардан узоқ бўлмаган жойдаги соҳилда қайиқлар чиқариб қўйилганди.

Кино ва Хуана секинлик билан қирғоққа тушиб, ўзларининг қайиқлари — Кино дунёда соҳиб бўлган ягона бойлик олдига яқинлашдилар. Қайиқ анча эски эди, Кинонинг бобоси уни Найаритдан олиб келган. Сўнгра қайиқ Кинонинг отасига, ундан эса Кинога ўтган. Бу қайиқ унинг ҳам мулки, ҳам боқувчиси эди. Чунки қайиғи бор эркаккина аёлга бирор-бир емак топишга ваъда бера олиши мумкин. Қайиқ — бу очликдан омон қолиш демакдир. Ҳар йили Кино уни отасидан ўрганганидек қайтадан сув ўтмас қорамой билан қопларди. Ҳозир ҳам қайиқка яқинлашиб, ҳар доимгидек тумшук қисмини қўллари билан майнин силаб қўйди. Сувга олиб тушладиган тош, сават ва арионни қум устига ташлади. Сўнгра адёлни икки буклаб, қайиқнинг тумшутига ёди.

Хуана Койотитони адёл устига ётқизди. Уни жазирама офтоб тифидан асраш учун шол рўмоли билан беркитди. Койотито йиғламай жим ётар, аммо энди елкасигина эмас, бўйни, қулоқларигача кўкара бошлаган, юзи шишинқираб, ёноқлари ёнмоқда эди. Хуана сувга тушди. Қалин сув ўтларини юлиб, кулчадек сипта шаклга келтириди-да, боланинг кўкариб кетган елкасига босди. Бу—доктор тавсия этадиган даволаш усулларидан қолишимасдигина эмас, балки афзалроқ ҳам эди. Бу усуга факат бир нарса — докторлик обрўси етишмасди, холос. Зеро, у оддийгина бўлиб, ҳеч қанақа заҳмат чекиши талаб этмасди. Койотитонинг ошқозонида санчиқ турмади. Афтидан Хуана ўз вақтида ярадан заҳарни сўриб олганди. Шундай бўлса-да, у боласининг тақдиридан ҳамон ташвишланарди. У ибодатларida худодан бевосита боланинг соғайишини сўрамасди. Илоҳдан Кинонинг дур топиб олишини ўтинар ва бу жавоҳирни Койотитони даволаши учун докторга беришини ўйларди. Зеро, Қўрғаз яқинида яшовчи одамларнинг фикрлаш тарзи ҳам милираган сароб каби ноаниқ эди.

Кино ва Хуана қайиқни Кўрғаздаги қумдан сувга томон судрадилар. Қайиқ сувда қалқый бошлагач, Хуана унга чиқиб олди. Кино эса сувда соҳилбўйи тўлқинлари зарбидан бир оз чайқалиб, равон суза бошламагунича қайиқнинг қўйруғидан ушлаб, ёнма-ён борди. Қайиқ эркин суза бошлаганда улар бирданига ҳар икки томондаги эшқакни сувга туширишди. Қайиқ эса дengizning силлиқ пешонасида ажинлар қолдириб, шувиллаб сузуб кетди. Бошқа марварид овловчилар аллақачон дengизга чиқишганди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, Кино уларни

марварид қути турган жой устида муаллақ осилиб турган туман орасидан гира-шира қўриб турарди.

Қўёш нури сув ичини худди ўша қутигача ёритиб турар, сувнинг синган қисқичбақа чаноқлари сочилаш тошлоқ тубида кунгирадор марвариддонлар ётарди. Бу — ўтган асрларда Испания қиролини Европада ilk ўринга олиб чиқсан, унга урушлар қилиш, жонини жаннатдан бўлсин деб дуо қиладиган неча-неча черковлар руҳонийларини қимматбаҳо либослар билан сийлаш имкониятини берган ўша қути эди. Четлари юбка бурмаларини эслатадиган оч рангли марвариддонларга қисқичбақа чаноқлари, жажжи краблар ёпишиб олган марвариддон эса сув ўтларига ўралиб ётарди. Тасодифлар дақиқа сайин марвариддонни таъқиб этарди. Қум зарраси ўзан бурмасига тушиб қолиб, жаҳдини қўзғаса, қумдан ҳимояланган жонзот уни садафсимон суюқлик билан бутунлай қоплаб олиши мумкин эди. Бу ишни бир бошладими, бегона вужудни садафсимон нарса билан қоплашни то тўлқин уни бурмадан чиқариб ташламагунча ёки марвариддоннинг ўзи ўлгунича давом эттираверади. Марвариддонларни йигиб, улар ичидан садафсимон нарса қоплаган қум зарраларини топиш учун одамлар асрлар давомида сувга шўнгийдилар. Марварид овловчилар қисқичбақа чаноқларини атайлаб ташлаб қўйган бу жойларда балиқлар тўпланиб, ярқироқ силлиқ тавақаси остидаги шиллиқни еб кетардилар. Бироқ, марвариднинг яратилиши улкан тасодиф, шундай камёб баҳтки, барча худолар биргаликдагина ўз бандасига мана шундай баҳтиёрикни ато этиши мумкин.

Кинонинг икки арқони бор эди: бири тошга, иккинчиси саватчага боғланган. У эгнидан қўйлаги ва шимини ечди, шляпасини қайиқ ичига қўйди. Сув ёф аралашгандек ялтиради. У бир қўлига тош, иккинчисига саватни олиб, оёқларини олдига чўзганча сакради. Қўлидаги тош уни сув қатърига тортиб кетди. Денгиз юзасини лаҳзалик пуфаклар қоплади, улар ёрилгач, сув қатлами бутунлай тиниқлашди. Кино чўкиб борар экан, юқорида — тиниқ сувда қалқиб турган қайиғининг тубини қўрди.

Кино сувни қуйқа ва қум билан лойқалатмаслик учун оҳиста ҳаракатланарди. У тош боғланган арқонга ўнг товонини ўтказиб олдида, қўллари зудлик билан гоҳ битталаб, гоҳ бир нечтадан марвариддонларни турган жойидан узиб ола бошлади. Кино уларни саватга жойларди. Чаноқнинг айрим ерларида шунчалар тифиз жойлашиб олгандиларки, уларни олишга улгурни бўлмасди.

Кинонинг ҳалқи рўй берган барча воқеалар ҳақида, дунёда мавжуд ҳамма нарсалар тўғрисида куйлар эди. У балиқларга, газабнок ва сокин денгиэга, нур ва зулмат, ой ва қуёшга бағишилаб қўшиқлар тўқиганди. Бу қўшиқларниң ҳар бири, ҳатто ёддан кўтариғларни ҳам Кино ва унинг ҳалқи онгидаги сақланиб келарди. Кино саватига қисқичбақа чаноқларини солаётган ҳозирги лаҳзада ҳам унинг шуурода қўшиқ янграрди. Бу қўшиқнинг куйи кўкракда гупиллаб ураётган қалби бўлса, гоҳ булатдек бир ерда гавжумлашиб, гоҳ бирдан кўздан ройиб бўладиган балиқлар тўпчалари, оч зангори тусдаги сув ҳамда ундаги мастона кезиб юрган жажжи жондорлар ўша қўшиқнинг бетакрор оҳангиди. Бироқ, бу қўшиқнинг бағрида, энг ўзагида, аранг англаш мумкин бўлган, аммо гоҳ асосий овоз ортига беркиниб олса-да, барибир сўнмас, яширин, нозик тинимсиз ўзга бир қўшиқ бор эди.

Бу ногаҳон топилиши мумкин бўлган ўша Марварид шарафига янграётган қўшиқ эди. Зеро, бу марваридни саватга ташлаётган қисқичбақа чаноқларининг ҳар бири совға қилиши мумкин эди. Омад ёки омадсизлик тасодифга боғлиқ. Омад тангри сен томонда деганидир. Кино хотини Хуана юқорида қайиқда мўъжизакор дуолар ўқиётганини, юзи сўзсиз қотиб қолган, пайлари таранг тортишиб, худолар қўлидан омадни куч билан тортиб олишга тайёр турганини биларди. Чунки омад Койотитонинг елкасидаги шиш бошқа ерларга ҳам тарқалмай, қайтиши учун жуда даркор эди. Омадга эҳтиёжнинг, иштиёқнинг улканлиги сабабли бу тонг — ўша бирдан топилиб қолиши мумкин бўлган марвариднинг нозик, сирли оҳангидан ўзгача ва кучлироқ жарангларди. Бу оҳанг тиниқлиги ва нозиклиги билан сувости дунёси қўшиғига айланниб кетганди.

Фурур, ёшлиқ ва қувват Кинога ҳеч қандай зўриқишиз икки дақиқадан ортиқ сув остида қолишига имкон берарди. Шунинг учун шошилмасдан ишлар, энг йирик чаноқларнигина терарди. Безовта қилинган молюскалар ўз тавақаларини маҳкам бекитиб ётардилар. Кинодан ўнгроқда садафдонлар билан қопланган каттакон харсанглар бор эди. Бироқ, улар ҳали ёш ва яроқсиз эдилар. Кино катта тошлар яқинига сузиб келди ва ўша ердаги кичикроқ, бўртиб турган жой остида бир ўзи ажралиб турган каттакон чаноқни кўрди. Бу қадимий марвариддоннинг тавақаси бирор очилиб туар, чунки у тошлар билан ҳимояланганди. Лабдек туртиб чиқкан бурма тан тахламалари орасида нимадир кўзни

қамаштирадиган даражада ялтираб кетди ва бирдан бу нур кўздан ройиб бўлди. Чунки, чаноқнинг тавақалари ёпилиб қолганди. Кинонинг юраги оғир зарб билан уриб, қулоқлари остида ногаҳон топилажак ўша нарсанинг кескин оҳанглари янгради. У охиста ҳаракат билан чаноқни жойидан узиб, кўксига маҳкам босди. Сўнгра тош боғланган арқондан оёғини ечиб олди. Унинг вужуди сув юзига қалқиб, қора соchlари қуёшда товланди. У борт устидан қўлинин чўзиб, чаноқни қайиқ тубига кўйди.

У қайиқка чиқаётганида мувозанатни сақлаш учун Хуана оғирлигини ўнг томонга босди. Кинонинг кўзлари ёнарди. Бироқ, одоб юзасидан у сувдан аввал тошни, сўнгра чаноқлар солинган саватни тортиб олди. Хуана эрининг ҳаяжонини ҳис қилиб, нигохини бошқа тарафга бурди. Ахир бирор нарсани жудаем хоҳлаверса бўлмайди-да. Шундоққина келиб турган омаддан мосуво қилиши мумкин. Хоҳлавергину, лекин жуда муккантдан кетма, худо ёки худоларга нисбатан муносабатда ҳам эҳтиёткор бўлиш керак. Хуана нафасини ичига ютди. Кино шошилмасдан ўтқир паккисини очди. Ҳаёл аралаш саватга қаради. Ўша чаноқни балки охирида очиши керакдир. У саватдан кичкина марвариддонни олиб, беркитадиган пайини кесди. Ўзак тахламини бармоги билан пайпаслаб кўрди-да, уни сувга улоқтириди. Шу чоқ каттакон чаноқка кўзи тушди. Чўкка тушиб, уни қўлига олди, барча тарафларини айлантириб кўрди. Чаноқнинг бурушиқ сирти нурда гоҳ қорамтириб, гоҳ маллатоб ярқирав, ичиди эса икки-учта қисқичбақа жойлашиб олганди. Кино уни очишга ботинолмади. Унинг кўргани тасодифан учраган садаф парчасининг шуъласи ёхуд тасаввур ўйини ҳам бўлиши мумкин. Бу Кўрфазда кўрган нарсангга ҳам ишониш қийин, аслида.

Аммо Хуананинг нигоҳи Кинодан узилмасди. Хуана ортиқ чидай олмасди. У Койотитонинг шол рўмол ёпилмаган бошига кафтларини теккизди.

— Очақол, — деди у эшитилар-эшитилмас.

Кино абжир ҳаракат билан чаноқ тавақалари орасига пичноқ сукди. Шиллиққортнинг пайи қандай зўриқканини ҳис қилди. Пичноқнинг дастасидан ушлаб, уни пастга йўналтириди: икки тавақани бояблаб туювчи пай узили ва устки тавақаси четта отилди. Кино тавақасини кўрди, бирдан тинч тортди. Кино терисимон кўрди. Кино кўтарибди. У ерда ўша — комиллик ойда кўтарибди. Кино кўтарибди. У ўз ружудига нур

йигар, гүё уларни шаффофлаштириб қайтадан кумушранг шульаларга айлантириб таратади. У каттакон, дengiz олчарлогининг тухумича келарди. У дунёдаги энг улкан марварид эди.

Хуананинг нафаси тикилиб, инграниб қўйди. Кинонинг кулоқларига эса, хуфёна мусиқа жаранги эшитиларди. Тасодифан топилиб қолиши мумкин бўлган ўша нарса тиник, жуда гўзал, илиқ ва ширин, тантанавор куй таратиб жарангларди. Бу улкан марварид ичидан унинг орзулари, тушлари ором оларди. Кино марваридни жон таслим қилаётган шилликқуртдан ажратиб олиб, кафтига қўйди. Юмалатиб кўриб, шаклан мукаммал эканига ишонч ҳосил қилди. Хуана Кинонинг қўлидаги марвариддан кўзларини узолмай, у томон интилди. Бу — докторнинг уйи даричасига урилиб кесилган ўша қўл эди. Бўғимларидаги кесилган тери дengизнинг шўр сувида оқариб қолганди.

Хуана беихтиёр отасининг адёлида ухлаётган Койотито томонга узанди. У сув ўланларидан иборат малҳамни олиб, унинг елкасига босди.

— Кино! — кескин қичқириб юборди Хуана. Кино ўз марваридидан кўзини узиб, ўғлининг елкасидаги шиш қайтганини, унинг вужуди заҳарни енгиг бўлганини кўрди. Шунда Кинонинг бармоқлари марваридни маҳкам ғижимлаб олди, у ўзини-ўзи бошқаролмай қолган эди. Бошини орқага ташлаб, чўзиб ингранди. Унинг кўзлари қовоқлари остига беркинди, томогидан ўкирик отилиб чиқди, вужуди титрай бошлади.

Бошқа қайиқлардаги кишилар қўрқув аралаш ўтирилдилар-у, шу лаҳзадаёқ эшкакларини улоқтириб, бир-биirlаридан узиб, Хуана ва Кинонинг қайифи томон чопа бошладилар.

### III

Ҳар бир шаҳар тирик жонзотга ўхшайди. Ҳар бир шаҳарнинг ўз асаб торлари, боши, елкаси, оёқлари бор. Шаҳарлар бир-биридан фарқланадилар, бири иккинчисига сира ўхшамайди. Унинг ҳиссий ҳаётини ҳам ўз маромида бўлади. Шаҳарда хабарлар қандай тарқалиши — ечими душвор бўлган муаммодир. Бу ерда хабарлар одатдагидан кўра тезроқ тарқалади.

Кино ва Хуана бошқа марварид овловчилар билан қамиш кулбалар ёнига етиб келишга улгуриб-улгурмасдан шаҳарнинг асаблари тарангларишиб, “Кино дунёдаги энг йирик Марваридни тутиб олибди”, деган гаройиб хабардан ларзага кела бошлаган эди. Болакайлар нафас ростлашга улгурмасдан бўс сўзларни айтиб

бўлмасидан, уларнинг оналари нима гаплигини билиб қўя қолишиди. Гаройиб хабар қамиш кулбалар, кўпикланиб ётган дengиз ёнидан ўтиб, тош ва фиштин уйли шаҳарга ёпирилди. Хабар ўз боғида саир қилиб юрган руҳонийгача етиб борди ва унинг кўэларига ўйчанлик баҳш этиб, черков таъмирга муҳтожлигини ёдига солди. Руҳоний бундай марварид қанча туриши мумкинлигини тахмин қиласин экан, Кинонинг боласини чўқинтирган-чўқин-тиромаганини, Кино ва унинг хотинига никоҳ ўқиганми — йўқлигини эслашга тиришди. Хабар дўкон соҳибларига ҳам етиб келди. Улар ҳам ўзларининг дўконлари тахмонларидаги узоқ туриб қолган эркаклар кийимларига назар ташладилар.

Бу хабар докторга унинг қабулида дард эмас, гарчи буни на доктор, на хонимтан олмаётган бўлса-да, кексалик азоб берадиган аёл ўтирган чоғда етиб келди. Кинонинг кимлиги ойдинлашгач, докторнинг юзидағи ифода кескинлашди.

— Унинг боласи — менинг беморим, — деди доктор.

— Чаён чаққан экан, мен уни даволаяпман.

У ёғ босган кўзларини юмиб, Парижни эслади. Парижда ижарага олган хонаси унга ҳашамдор, бирга яшаган, ёноқлари япалоқ жазмани, гарчи бу сўзларга арзимасада, ҳар ҳолда, латофатли, кўнгилчан қиз бўлиб туюлиб кетди. Доктор нигоҳини кекса мижозидан олиб, бўшлиқда тикди. Ўзини Париж ресторанида ҳис этди. Соқий унга бир шиша вино узатмоқда эди.

Хабар ҳаммадан илгари черков остонасидағи гадолар қулоғига етиб келганди. Улар мамнун хахолашиб қўйдилар. Зеро улар ногоҳ баҳт қучган камбағаддан кўра саҳирироқ садақа берувчи киши бўлмаслигини яхши билишади.

Кино дунёдаги энг улкан Марваридни тутиб олди. Шаҳардаги кичик идораларда марварид харид қиувчиларнинг ходимлари ўтиришади. Олибсотарлар эса ўз идораларида ўтириб, марваридни унга қачон келтиришларини кутиб ўтиришар, сотувчи бозорга киргани ҳамоно бақириб у билан савдолашишга, дўқ қилишга киришиб кетишади. Бу ҳол марварид изловчи бошқа арzonлаштириб бўлмайдиган баҳога кўнгунча давом этаверади. Ҳа, арzonлаштиришнинг ҳам харидорлар босиб ўтишга ботинолмайдиган ўз чегараси мавжуд эди. Чунки, арzon нарх қўйишанидан ғазабланган изловчи ўз марваридини черковга олиб бориб садақа қилган пайтлари ҳам бўлганди. Савдо тугагач, харидорлар идорада ёлғиз қолишар, жавоҳирлар ўзларига тегишли

эмаслигидан афсусланиб, бармоқлари билан марваридни асабий ўйнардилар. Аслини олганда марваридни харид қулувчи бир киши эди, холос. У рақобатта ўшаб кўринсин учун ўз ходимларини турли идораларга қўйиб қўйганди. Бу ажойиб хабар харид идораларига ҳам етиб келди. Олибсолттарларнинг кўзлари олайиб, бармоқларига енгил титроқ кирди. Ҳар қайси марварид харид қулувчи беихтиёр ўз хўжайини мангу яшамаслигини, вақт ўтиши билан унинг ўрнига кимдир ўтириши мумкинлигини хаёл қилди. Уларнинг ҳар бири андак жамғарма бўлса, ўзи мустақил иш юргиза бошлишини тасаввур этди.

Кўпларнинг Кинога бўлган қизиқиши бирдан ортиб кетди. У билан савдогарлар, садақа ва ёрдам илинжида юрган тиланчиларгача қизиқа бошладилар. Кино дунёдаги энг улкан марваридни тутиб олган эди. Марвариднинг моҳияти, инсон моҳияти, билан қоришиб кетиши фалати, лойқа бир тасаввур пайдо этарди. Ҳар бир одам ногоҳонда Кинонинг марваридига қандайдир кўринмас ришталар билан боғланиб қолгандек эди. Кинонинг марвариди ўзгаларнинг тушларига кирап, истаклари, мўлжаллари, режалари, мақсадлари, келажак ҳақидаги ўйлари, эҳтиёжлари, талпинишларига даҳл қилас эдики, уларни қондиришнинг ягона йўлида фақат биргина одам, у ҳам бўлса Кино турарди. Қизифи шунда эдики, негадир ҳамма Кинода ўз рақибини кўра бошлаганди. Бу гаройиб хабар шаҳар тубидан аллақандай мангу ёвуз ва қора қуйқаларни юзага ҳайдаганди: бу қора қуйқа чаёнга ўшар ёки оч одамни овқат ҳиди беҳудуд ғазабга солган пайтдаги очлик ҳиссига, жавобсиз севгига учраган ошиқнинг ёлғизлик туйғусига монанд эди. Шаҳарнинг оғули безлари заҳарли сўлак ажратиб чиқара бошлаган ва бунинг босимидан шаҳар шишиб, оғир бесўнақайлик касб этмоқда эди.

Бироқ, Кино ва Хуана бундан батамом беҳабар эдилар. Шу қадар ҳаяжонга тўлган, баҳтиёр бу икки кимсага барча кишилар уларнинг шодлигидан қувонаётгандек туюларди. Хуан Томас билан Аполония ҳам хурсанд. Зеро, улар ҳам ўша дунёнинг бир бўлаги эдилар-да. Оқшомда, қуёш ярим орол тоғлари ортига ўтиб, очиқ денгизга ботган пайтда Кино ўз кулбасида Хуананинг ёнига чўккалади, қўни-қўшилар ҳам қамиш кулбага ёпирилиб келгандилар. Кино қўлида йирик марваридини тутиб турар, Кинонинг кафтида у худди тириқдек илиққина бўлиб турарди. Марварид оҳанглари эса Оила қўшиғига жўр бўлиб, ҳамоҳанглик касб этар, янада дилбарроқ ва ширинроқ бўлиб янгарди.

Қўшилар Кинонинг кафтидаги марваридга боқиб, дунёда шу қадар баҳтиёрлар ҳам бўларкан-да, дея ҳайратланардилар.

Хуан Томас тўшакда Кинонинг ўнг тарафида ўтиради, зеро у Кинонинг акаси эди.

— Сен эди бойсан! Энди нима қилмоқчисан? — деб сўради у укасидан.

Кино нигоҳини марваридга қаратди. Хуана эса ҳаяжонланаётганини сезмасликлари учун кўзларини ерга тикиб, юзини шол рўмоли билан бекитди. Товланаётган марваридда Кино илгари орзу қилиб етолмай юрган нарсалар акс берарди. Кино марваридда Койотитони кўтариб олган Хуана ва ўзининг черковдаги баланд меҳроб олдида тиз чўкиб турганини, руҳоний уларни никоҳлаётганини кўрди. Чунки энди ўқитилажак никоҳининг ҳақини тўлай олардилар.

— Биз черковда никоҳ ўқитамиз, — деди у шивирлаб.

У жавоҳирда ўзларини қандай кийимда бўлишларини ҳам кўрарди: Хуананинг бошида ҳали тахи ёйилмаган янги шол рўмол, эгнида янги юбка бўлади. Кино Хуананинг узун юбкасини, унинг остида ярқираган яп-янги туфлини ҳам кўрди. Кўзгудек товланаётган жавоҳирда ҳаммаси намоён бўлмоқда эди! Унинг ўзи эса яп-янги костюмда, бошида похол эмас, юпқа қора кигиз шляпа, оёғи ҳам бут. Бироқ, энди у ковуш эмас, бофичли бошмоқ кийиб олганди. Койотито эса ҳаммадан хушрой! Унинг эгнида Америка магазинларидан олинган кўк матросча костюм, бошида жажжки капитан шапкачаси. Капитан шапкачасини Кино шаҳарга сайёҳлар мавжуд пороҳод кирган пайтида кўрганди. Кино жавоҳирнинг таралаётган шуълаларида буларнинг барчасини кўриб турарди.

— Биз янги лиbosлар сотиб оламиз, — деб қўшиб қўйди у.

Шу лаҳзадан бошлаб жавоҳир куйи қулоқлари остида янада баланд жаранглай бошлади.

Сўнгра эса жавоҳирнинг нафис — оқ юзасида Кино ўзи эга бўлишни жуда-жуда истаган бошқа буюмлар: у бундан бир йил муқаддам денгизга тушириб юборган гарпуни ўрнига — дастаси ҳалқачалик янги темир гарпун (унинг бу қадар катта фикрий сакраш қилиши осон эмасди) ва миљтиқ юз кўрсатди. Нима қипти? Ахир энди у бой-бадавлат-ку! Кейин Кино марваридда ўзини — қўлларида ов миљтиғи ушлаб турган Кинони кўрди. Орзулар, тиэгинсиз орзулар! Унинг лабларидан ишонч-сизгина ушбу сўз сирғалиб чиқди.

— Милтиқ, — деди у. — Балки мен, милтиқ сотиб оларман. Милтиқ барча тўсиқларни чилпарчин қилиб ташлади. Гўё у етти ухлаб тушига кирмаган нарса эди. Аммо, у милтиқ сотиб олиш ҳакида ўйлаши билан гўё унинг қаршисида кенг бир уфқ юз очди. Кино энди бошқа нарсаларни ҳам орэу қила бошлади. Ахир инсон ҳеч қачон мақсадига эришган жойда қололмайди. Унга истаган нарсасини берсангиз, сиздан яна бирор нарса сўрайди, дейишади. Ҳа, бу инсонни камситиш маъносида эмас, балки инсоннинг буюк қобилиятларидан, бор нарсасигагина қаноат қилиб яшовчи ҳайвондан ажратиб турувчи энг ажойиб фазилатларидан биридир.

Кулбада жамланиб турган қўшнилар бу тиэгинсиз орзуларга жавобан жўмгина бош қўмирлатдилар. Бироқ, орқадан кимдир: “Милтиқ. У милтиқ сотиб олмоқчи”, — деб шивирлади.

Кинонинг қулоқлари остида эса ҳамон тантанавор оҳангда марварид куйи янграрди. Ҳуана Кинонинг журъатидан, унинг орэу қилиш қудратидан ҳайратга тушиб, бирдан бошини кўтарди да катта-катта кўзлари билан эрига тикилди. Олдида уфқлар кенгайиб кетганидан Кино ўзини чегаралай олмай қолганди. Кинонинг қўзларига энди марваридда жажжи партада ўтирган Койотито кўринди. Болаларнинг ана шу тахлит партада ўтиришини у бир гал мактабнинг очиқ эшигидан томоша қилганди. Койотито камзулча кийиб олган, унинг устидан эса таглиги кенг шойи бўйинбокқа қўшилиб тикилган оқ ёқача чиқариб қўйилганди. Бундан ташқари Койотито каттагина варажжа ниманидир ёэмкоқда эди. Кино ўз қўшниларига кибр билан боқди.

— Менинг ўғлим мактабга боради, — деди у. Қўшнилар жимиб қолишли. Ҳуана чуқур нафас олди. Ҳуананинг Кинодан узилмаётган кўзлари бирдан чақнаб кетди. Сўнгра гўё шундай мўъжиза рўй бериши мумкин ё йўқалигини текшироғмоқчидай тезда нигоҳини ўз қўлларида ором олаётган Койотитога қаратди.

Кинонинг юзидан пайғамбарона нур ёғиларди.

— Менинг ўғлим китоб вараклаб, ўқииди. Ўғлим ёзишни ўрганиб, китобдаги нарсаларни тушунади. Ўғлим рақамларни ўрганади ва биз озод инсонлар бўламиз. Чунки, у ҳамма нарсани биладиган бўлади. Биз ҳам ундан ҳамма нарсани ўрганамиз.

Кино марваридда қамиш кулба ичидаги ёқилган жажжи гулхан олдидаги тўшакда хотини билан ўтирганини, Койотито ўзларига каттакон китоб ўқиб бераеттганини кўрди.

— Бу марварид бизга ана шу нарсаларни инъом этади, — деди Кино.

У умрида шунча сўёни бирданига сўзламаган эди. Ўзининг сўзамоллигидан қўрқиб кетди. Қўллари марварид устида бирлашиб, унинг шуъласини ўчирди. Кинонинг қалбида қўрқув уйғонди. Эртага нима бўлишини билмаёқ “мана шундай бўлади”, деб қўйган одамлардагина шу тахлит қўрқув бўлади.

Қўшнилар эса шундоқ кўз ўнгиларида буюк мўъжиза рўй берганини тушуниб туришарди. Улар Кино марварид топиб олган ўша кундан бошлаб ўзлари учун янги ҳаёт бошланажагини ва бу кун ҳакидаги ривоятлар узоқ йиллар давом этажагини англардилар. Кино айтган нарсалар амалга ошса борми, улар Кинонинг ўша чоғда қандай ҳолатда бўлгани, нималар дегани, бу пайт кўзлари қандай чақнаб кетгани ҳақида сўзлаб юришади. Сўзларининг охирига эса: “Кино бутунлай ўзгариб кетди. Унинг вужудига буюк бир куч кирдики, ҳаммаси мана шундан бошланди. Кўраяпсизми, у ҳозир қандай бўлиб кетган. Мана шу нарсаларнинг ҳаммаси менинг кўз ўнгимда рўй берди!” — деб қўшимча қиласдилар.

Агарда Кинонинг ниятлари пучга чиқса, айнан ўша қўшнилар бундай дейишади: “Ҳаммаси мана шундай бошланди. У савдои бўлиб қолди, сўзлари ҳам телба-тескари. Бундай савдодан худонинг ўзи асрасин! Уни худо қарғади. Негаки, Кино бизнинг ҳаётимиэга қарши исён қилганди. Кўраяпсизми, қандай аҳволга тушиб қолди! Ақддан озишига ўзим гувоҳ бўлиб турдим”.

Кино мушт бўлиб тутилган қўлига боқди. Нигоҳи доктор даричасига урилган пайтида қон қотиб, бужмайиб қолган бўғинларига тушди.

Атрофни қоронгулик қоплай бошлади. Ҳуана шол рўмолини салқироқ борлади-да, боласини унга жойлаштириди. Гулхан учун ўйилган чуқур ўчоқчани кавлаштириб, бир бўлак чўғ топди. Унинг устига қуруқ шохчаларни қалаб пуфлашга тушди. Қўшниларнинг юзларида алант шуълалари раҳс тушарди. Қўшнилар аллақачон кечки овқат ейиш маҳали бўлганини билишар, аммо кетгилари келмасди.

Қоронгулик қуюқлашган сайин гулхан шуълалари қамиш кулбалар деворларигача чўзилиб борди. Кулбага кираверишда айтилган сўз ёки шивир оғиздан оғизга ўтаверди.

— Авлиё ота ... руҳоний келаятилар.

Эркаклар бош кийимларини ечиб, эшикдан нари сурилдилар.

Аёллар эса рўмollари билан юзларини бекитиб, бошларини эгишди. Кино ва унинг акаси Хуан Томас ўринларидан туришди. Кулбага оппоқ соқолли, кексаларга хос сўлғин юэли, аммо нигоҳи ёшларнидай ўтқир руҳоний кирди. "Болаларим" — деб мурожаат қиласди руҳоний уларга ҳамда болалар билан сўзлашгандек муомала қиласди.

— Кино, — дея сўз бошлади у майн овоз билан, — сен черковнинг буюк отахони туфайли ўз исмингга мушарраф бўлгансан. — Бу сўзлар гўё ҳукмдек жаранглади. — Сенинг Соябонинг бутун саҳрони бўйсундирган ва қабиладошларинг дилига шафқат ҳиссини солган зотдир. Бундан боҳабармисан бўтам? Китобларда шундай битилган.

Кино Хуананинг пинжига кириб турган Койотитонинг бошчасига тезгина қараб олди. Вакти келиб болам китобларда нима ёзилган, ёзилмаганлигини албатта билиб олади, деб ўйлади у. Марвариддан тараляётган мусиқа тиниб, унинг ўрнига ўзга — эрталабки ғаним куйи эштилди. Аммо, ҳали бу куй ожизгина бўлиб, йирокдан оҳиста, нозик жилғадек оқиб келмоқда эди. Кино бу ғаним оҳангидан ўз хонадонига ким билан кирганини билмоқ учун қўшиларига бир-бир боқди.

Руҳоний яна гап бошлади:

— Менга айтишларича сен жавоҳир, яъни каттакон марварид топиб олганмишсан.

Кино кафтини очиб, уни ёруғлик томонга чўэди. Марвариднинг йириклиги ва латифлигидан ҳайратланган руҳоний эштилар-эштилмас "оҳ" тортиб юборди.

— Умид қиласманки, ўғлим, сен ўзингни бу қутлуғ бахтга мушарраф этган Эгамни унутмагайсан ва келгусида ҳам унинг раҳнамолигини тилассан.

Кино руҳонийнинг бу сўзларига жимгина бош иргади, унинг ўрнига Хуана жавоб берди:

— Унутмаймиз, отахон. Энди ўзимиз никоҳдан ўтмоқчимиз. Кино шундай деди. — Хуана ўз сўзларини тасдиқлатиб олмоқчидаи қўшиларига нигоҳ ташлади. Улар тантанавор бош иргадилар.

— Илк фикрларингиз мўминларга хослиги менга фоят манзур, — деди руҳоний. — Сизни худо ўз паноҳида асрасин, бўталарим. — Сўнгра у ўтирилиб, шошилмасдан эшик томон юрди. Оддин дагилар унга йўл беришди.

Кинонинг бармоқлари яна марваридни сиқимлаб олди. Кино

атрофга хавотирли нигоҳ ташлади, зеро нохуш қўшиқ унинг қулоқлари остида яна янграй бошлаган, янграганда ҳам марвариддан тараляётган хуш оҳангни бўғиб ташлайдиган даражада кескин жарангламоқда эди.

Қўшилар бирин-кетин ўз кулбаларига тарқалишди. Хуана гулхан қаршисига чўкиб, ловия солинган сопол кўзани мўъжазгина аланга устига қўйди. Кино эшик олдига келиб, ташқарига қаради. Ҳар доимгидек унинг димогига гулхан тутунларининг ачимсиқ ҳиди урилди. Юлдузлар ана шу тутун оғушида янада хирапқ кўринарди. Кино оқшомги нохушликни туйиб, адёл билан бурун катагини ёпди. Эти суюигига ёпишган озғин ит яна унинг олдига югуриб келиб, ялтоқланган кўйи юнгларини ҳилпирата бошлади. Бироқ, Кино унга нигоҳини қаратган бўлса-да, кўролмади. Ит уфқ ҳалқаси узра совуқ зулмат бўшлиғига кириб, гойиб бўлганди. Чирилдоқларнинг чириллаши, бақа ва қурбақаларнинг бўғиқ куриллашлари орасида ғаним таронаси эштилардики, бунда у ўзини ҳимоясиз ва ёлғиз сезди. Кино бирдан титраб кетди ва бурнини адёл билан яхшироқ беркитди. Марварид унинг қўлида сиқилган, маҳкам chanгалланган эдики, Кино кафти билан унинг сиљлиқ юзасини ва илиқлигини ҳис этиб турарди.

Кинонинг ортида Хуана сопол товага қўйишдан олдин ясаган ноннинг пуштига шапатиларди. Кино ортида ҳарорат ва назокат мавжудлигини ҳис қиласди, у ёқда гўё мушукчанинг нозик миёвлаши сингари латиф Оила қўшиғи янграли. Бироқ, у олдинда нималар кутаётганини овоза қилиш билан ўз келажагини яратиб қўйганди. Ният — бу боқий нарса. Нима нарсани ният қиласанг, ўша дақиқадан бошлаб у сенинг вужудингда яшай бошлайди. Туғилган ва энди ҳатто кўриш мумкин бўлган ният ўзга мавжуд нарсалар сингари воқелик касб этади. Ният яшар экан, уни вайрон этиб бўлмайди, факат унга осонгина тажковуз қиласи мумкин. Кинонинг келажаги ҳам ана шундай воқеликка айланди. У барқарор бўлган дақиқаданоқ, ўзга — вайрон этувчи кучлар бу ниятга тажковуз этишга шайландилар. Кино буни билар ва уларнинг тажковузини даф этишга ҳозирлик кўриши лозим эди. Кино яна шуни ҳам билардики, худолар одамларнинг фақат тасодиф туфайли туғиладиган орзу-ниятларини, уларга омад ёр бўлишини хуш кўрмайдилар. У ўз кучи, қудрати эвазига қозонган мувваффакияти учун худолар инсонлардан қасос олишларини ҳам биларди. Ана шуларни билгани учун ҳам Кино ўз ниятларидан қўрқар, аммо, аллақачон мавжудлиги туфайли уларни вайрон этолмасди.

Ўз орзу-ниятларини ҳар хил тажковузлардан ҳимоя қилиш мақсадида у якка ўзини бутун дунёга қарши муттасил чоғлаб борарди. Унинг кўзлари, ақли хавфни у пайдо бўлишидан анча илгари илғаб олганди.

Эшик олдида турган кўйи у қамиш панжара бўйлаб икки кишининг келаётганини кўрди. Улардан бирини фонус кўтариб олган, фонус заминни ва келувчиларнинг оёқларини ёритиб борарди. Улар қамиш ихота киришига бурилиб, тўғри Кинонинг кулбасига яқин келишди. Кино уларни таниди: уларнинг бирини доктор, иккинчиси эрталаб, унга даричани очган хизматкор эди. Кимлар келаётганини билгани ҳамон ўнг қўлининг кесилган бўғинлари гўё куйгандек жазиллаб кетди.

— Эрталаб келганингда уйда йўқ эдим, — деди доктор. — Аммо мана энди қўлим бўшаши билан дарҳол болангни кўргани келаяпман.

Кино остононада, елкалари билан кулбага кираверишни тўсиб туарди. Нафрат, аниқроғи нафрат ва қўрқув тўла эди унинг кўзларида. Зоро, унинг вужудида азалий итоаткорлик чуқур ўрнашиб олганди.

— Бола тузалиб қолди, — деди у тутилиб.

Доктор жилмайди, аммо, унинг шишган кўзлари кулмасди.

— Чаён чақиши гоҳо кутилмаган оқибатларга олиб келади, азизим, — деди у. — Бемор тузалгандек бўлдию, ҳеч ким кутмаёттанды бирдан...

Доктор лунжини шишириб, “пuff!” дея ўлимнинг қанчалик тез келишини ифодалаган бўлди. Сўнgra, асбоблар солинган қора сумкасини ўнг қўлидан чап елкасига, фонус нури тушадиган қилиб илди. Чунки, унга Кинонинг ҳалқи ҳар хил асбобларни севиши, уларнинг қудратига ишониши маълум эди.

— Гоҳида, — равон овоз билан давом этди доктор, — гоҳида бирдан bemornинг ёғи қурий бошлайди ёки кўзи кўрмай, буки бўлиб қолади. Эй! Чаённинг нималигини мен билмай ким билсин, азизим. Унинг чақувини мен даволай оламан!

Кино вужудидаги нафрат ва газаб чекиниб, унинг ўрнини қўрқув эгаллаётганини ҳис этди. Ахир у касалликлар тўғрисида ҳеч нарса билмайди. Балки доктор ростдан ҳам даволай олар. Таваккал қилиб бўлмайди — докторнинг ёрдамини рад этиш — кўр-кўрона жоҳиллик. Доктор балки ҳамма нарсани тушунар.

Кино ўз ҳалқига қўйилган қопқонларнинг бирига ҳайдаб киритилган, афтидан, токи китобларда нима ёзилгану, нима

ёзилмаганини билмагунича бу ердан чиқа олмасди. Ҳа! Таваккал қилиш мумкин эмас — Койотитонинг ҳаётини ҳам, кифтини ҳам хавф остига қўйиб бўлмайди. Кино остононадан чекиниб, доктор ва унинг хизматкорига қамиш кулбага киришига йўл очди.

Хуана олов ёнидан қўзғалиб, бурчакка қараб юрди. Боласининг юзини рўмоли билан тўсди. Доктор унга яқин келиб, қўлини чўзганида эса, Хуана титроқ ичидан Койотитони бағрига босиб, Кинога нигоҳ ташлади. Кинонинг юзида олов шуълалари югураётганини кўрди.

Кино унга жимгина бош иргади. Шундан сўнгтина Хуана докторга болани қўлига олишга изн берди.

— Ёритиб тур, — деди доктор ва хизматкор фонусни кўтаргач, Койотитонинг елкасидаги жароҳатни диққат билан кўздан кечирди. У бир даҳиқа ўйланиб турди-да, сўнгра боланинг юқори мижжасини қайриб, кўзларини текшириди. Оёқларини типиричилатишига қарамай, Койотитони қўйиб юбормасдан маъноли бош чайқади.

— Ўзимам шундай деб ўйлагандим, — деди у. — Захар танага ёйилиб кетиби. Гезда ўз ишини қиласди. Бу ёққа келиб қарагин. — Доктор яна боланинг юқори мижжаларини буқди. — Кўраяпсанми, кўкариб кетган. — Кино Койотитонинг кўз олмаси ростдан ҳам кўкимтири эканига ишонч ҳосил қиласди. Ким билади, балки у ҳар доим шундай кўкимтири бўлгандир? Бироқ, қопқон қўйиб бўлинган, Кино эса таваккал қила олмасди.

Докторнинг шишинқираган кўзлари ёшланди.

— Мен унга дори бераман, балки заҳарни енгиб чиқар, — деди у болани отасига узатади.

Сўнgra доктор ўз сумкасидан, оқ кукун солинган кичкина шишача ва желатинли филоф чиқарди. Кукунни филофга солиб ёпди-да, яна бошқасига ундан кўпроқ кукун солиб, уни ҳам беркитди. Қолгани ҳам чақон усталик билан бажарилди. Доктор Кинодан болани олиб, унинг пастки лабини икки бармоғи билан ушлади-да, оғзини очди. Доктор йўғон бармоқлари билан капсулани бола уни қайтиб тутурмаслиги учун тилининг тўригача сукди. Сўнgra доктор ердан мўъжаз кўзачани олиб, Койотитонинг ютинишига имкон яратди — вассалом. Доктор яна унинг кўз олмасини текшириб, лабини тишлаб, гўё ўйланиб қолган киши бўлди. Ахийри у болани Хуанага бериб, Кинога юзланади:

— Заҳарнинг таъсири бир соатлар ичидан ўзини кўрсатади. Агар дори кор қиласа, бола омон қолади. Мен бир соатдан сўнг келаман. Балки мен айни вақтида етиб келгандирман, болани

кутқарыб қоларман. — У чуқур нафас олиб, кулбадан чиқди. Фонус күттарган хизматкор унинг изидан өлгарилади.

Хуана болани шол рўмоли остида ушлаб турар ва ҳаяжон ҳамда қўрқув ичра ундан кўзини узмасди. Кино унга яқин келиб, рўмол учини ечди-да, у ҳам Койотитога боқди. Унинг кўз мижжасини букиб кўриш учун қўлини кўтарғанда, марварид ҳамон қўлида сиқилган ҳолда турганини кўрди. Кино девор ёнида турган қути олдига бориб, унинг ичидан кичик латта олди. Унга марваридни ўраб, қўллари билан кулбанинг бир бурчагида чуқурча қазди. Бу жажжи тугунни чуқур ичига қўйди. Ҳеч нарса билинмаслиги учун тупроқни текислади. Сўнгра Хуана Койотитодан кўз узмай ўтирган тулхан ёнига қайтди.

Уйига қайтгач, доктор оромкурсига чўкиб, соатига қаради. Хизматкорлар унга енгил кечки овқат — шакарли пишириқ, шоколад ва мева-чева келтириши. Бироқ, доктор буларнинг барчасига ногоҳини қадаб ўтиради.

Қўшни кулбаларда бундан буён кўп йиллар мобайнинда барча сұхбатлар, миш-мишлару фийбатларнинг мавзуси бўлажак нарса ҳақида илк бор сўз юритишимоқда эди. Қўшнилар бир-бирларига бош ва кўрсаткич бармоғи учини бирлаштириб, марвариднинг қанчалар катта эканини кўрсатишар, енгил, нозик қўл ҳаракатлари билан у нақадар ажойиб эканини ифодалашга тиришардилар. Шу кундан бошлаб қўшнилар бойлик уларнинг бошини айлантирумадимикин дея Кино ва Хуанани қаттиқ кузатишарди. Ахир бойлик ҳамманинг ақлини олади-ку! Қўшнилар доктор Койотитонинг олдига нега келганини билардилар. Докторнинг актёрликка уқуви йўқ бўлиб, ҳамма унинг нима мақсадда келганини фаҳмлаб турарди.

Кўрфазда жажжи балиқчалар гуруҳи тангачаларини сувда ярқиратиб, уларни ютиб юбориш учун орқаларидан қувлаб келаётган катта балиқлар тўдасидан жон сақлаш ниятида қочиб бораардилар. Қамиш кулбаларда ўтирганлар ҳам бу жанг қандай бораётганини, майдা балиқчалар тўлқинларни шувиллатиб иккига бўлиб юбораётганларини, йирткич балиқлар эса сув юзасига отилиб чиқиб, дум ва сузгичлари билан денгизни шалоплат-ётганларини эшлитиб турардилар. Кўрфаздан кўтарилен буталар, кактуслар ва пастак бўйли дараҳт шоҳларига шўр томчилар бўлиб илиниб қолмоқда эди. Сичқонлар ер устида тунашар, тунги қиргийчалар бўлса уларни шовқинсизгина овлашарди.

Коши устида мallaранг — олов тусли қашқали ориқ қора кучукча Кинонинг кулбаси эшигига келиб, ичкарига қаради. Кино эътибор қилгач, ит бирдан ортига жуфтакни ростлашга шайландио, у нигодини олгани ҳамон яна жойида тек туриб қолди. Кучукча кулбага кирмади. У остона олдидан Кинонинг кичкина сопол идишдан ловия еганини, нон билан уни тозалаб, сўнгра устидан пулька ичганини ажиб бир қизиқиши билан кузатиб турарди.

Тамадди қилиб бўлгач, Кино тамаки ўрай бошлаган ҳам эдики, бирданига Хуана қичқириб юборди:

— Кино!

У Хуанага бурилиб, ўрнидан турди ва тезда унинг қошига борди. Хуананинг қўзларида даҳшат ҳукмрон эди. Кино энгашсада, нимқоронгулиқда ҳеч нарсани кўролмади. У олов гуриллаб ёнсин учун оёғи билан шоҳчаларни чуқурчага суриб тушириди. Олов ёниб Койотитонинг жажжи бошини ёритди. Боланинг юзи қип-қизарип кетган, титроқ ичра ўқчиётганидан оғзининг чеккаларига қуюқ сўлак оқиб чиққанди. Койотитонинг меъдасида санчиқ туриб, аҳволи ниҳоятда оғирлашганди.

Кино хотиннинг ёнига чўккалади.

— Демак, доктор рост гапирган экан-да, — деди Кино. Бу гапни ҳам хотинига, ҳам ўэига қаратса айтганди. Чунки, ҳануз фикрида ёмон ўйлар, ишончсиэлик мавжуд бўлиб, доктор берган оқ куқунни унута олмаганди. Хуана гоҳ орқага, гоҳ олдинга тебраниб, мунгли Оила қўшигини бошлаб юборди. Қулфатни ана шу қўшиқ билан ҳайдаш мумкин эди. Бола эса ўқчинар, онасининг қўлида тиришиб, типирчиларди. Кино бу лаҳза шубҳалар ҳукмиди эди. Унинг қулоқлари остида Хуананинг қўшигини босиб кетган ёвузилик оҳанги гулдиради.

Доктор идишчадаги шоколадни ичиб, дастурхондан шакарли пишириқ бўлагини олиб, оғзига солди. Сўнгра бармоқларини қоғоз дастмол билан артиб, соатига қаради. Ўрнидан туриб, сумкасини қўлига олди.

Боланинг аҳволи ёмонлашгани ҳақидаги хабар қамиш кулбалар узра тез тарқалди. Чунки, камбағалларнинг очлиқдан кейинги энг даҳшатли фаними касалликдир. Қўшнилардан бири: “Мана кўрдингизми! Омад изидан ҳамиша фалокат келади”, дея секингина гап қотди. Улар ўринларидан туриб, бош чайқаганларича, Кинонинг кулбаси сари йўл олардилар. Намлиқдан бурунларини адёл чети билан беркитиб олган қўшнилар қорон-

булика ҳар тарафдан Кинонинг кулбасига кела бошладилар. Тезда кулбага яна одам сизмай кетди. Одамлар тик турганларича Койотитога боқишиш, вақти-вақти билан бу ҳол нақадар ачинарли экани, қувончи кунда содир бўлган кулфат ҳақида қисқа-қисқа сўзлашиб олиб, “Ҳаммаси Оллоҳнинг иродаси” деб қўшимча қилишарди.

Кампирлар Ҳуананинг ёнига чўкка тушиб, унга ёрдам бермоқчи бўлишар, қўлларидан ёрдам келмаса-да, ҳар ҳолда уни тинчлантиришга уринардилар.

Доктор хизматкорининг кузатувида тезлик билан кулбага кирди-да, кампирларни товуқ каби тирқиратиб ҳайдади. Сўнгра болани қўлига олиб, текшириди. Пешонасига кафтини босиб кўрди.

— Заҳар кучини қўрсатаяпти, — деди доктор. — Бироқ мен у билан олишиб кўраман. Қўлимдан келган ҳамма нарсани қиласман. — У сув сўраб, идиш ичига уч томчи нашатир спирти томизди-да, Койотитонинг оғзини очиб, аралашмани унинг оғзига қўйди. Койотито бўлса бўғриқиб, дорини тупуриб ташлашга уриниб қаттиқ қичқирап, Ҳуана ақдан озган каби тек қотиб, ўғлидан кўз узолмасди. Бола атрофида тимирскиланган доктор ниҳоят тилга кирди:

— Омадингиз бор экан. Яхшиям мен чаён чақувини даволай оламан, бўлмаса... — Доктор кифтларини қисиб, акс ҳолда нима рўй беришини ифодалаган бўлди.

Аммо, Кино ўз шубҳаларидан фориғ бўлолмас, докторнинг очиқ сумкасидан қўриниб турган оқ кукунли шишачага қараб-қараб қўяди. Аста-секин титроқ тиниб, Койотито докторнинг қўлида тинчиб қолди. Сўнгра кетма-кет қайт қиласвериб чарчаганидан чуқур хўрсинди-да уйқуга кетди.

Доктор Койотитони Ҳуанага узатди.

— Энди ахволи яхшилана боради, — деди у. — Мен жангда ғолиб чиқдим.

Ҳуана эса меҳо тўла қўзлари билан унга боқди.

Доктор сумкасини ёпаётib сўради:

— Мен билан ҳачон ҳисоб-китоб қилмоқчисан? — унинг бу сўзларида ҳатто эркалаш оҳангি бор эди.

— Марваридни соттач, албатта хизмат ҳакқингизни тўлайман, — жавоб берди Кино.

— Сенинг марваридинг борми? Яхши марваридми ўзи? — қизиқсинди доктор.

Шу пайт қўшнилар тилга киришди.

— У дунёдаги энг йирик марваридни топиб олди! — бирбирига гап бермай қичқиришиб улар бош ва қўрсатгич бармоқларини бирлаштириб, марвариднинг ҳанчалик катталагини қўрса-тишаркан.

— Кино энди бойиб кетади, — дейишиди бир-бирларининг сўзларини бўлиб қўшнилар. — Бунаканги марваридни ҳали ҳеч ким кўрган эмас.

Доктор ўзини ҳайратланганга солди.

— Биринчи марта эшитяман. Марвариднинг қаерда асраяпсан ўзи? Ишончли жойдами? Ҳоҳлайсанми, мен уни уйимдаги темир сандиқка яшириб қўяман?

Кино қўзларини оҳиста юмди, унинг ёноқларига қизиллик югуруди.

— Ишончли жой, — деди у. — Эртага марваридни сотаману, ҳақингизни тўлайман. Доктор “ихтиёринг”, дегандек елка қисди. Аммо, унинг ёшланган қўзлари Кинонинг қўзларига қадалганди. Марварид кулба ичига яширилганига унинг имони комил эди. Шунинг учун Кино у кўмилган жойга қарамасмикан, деб кузатиб турарди.

— Марваридни сотаман, дегунингча уни ўғирлаб кетишиса, чакки бўлади, — деди доктор ва Кино беихтиёр кулба бурчагидаги таянч устун тагига кўз ташлаганини сезиб қолди.

Доктор кетгач, қўшнилар истамайгина уй-уйларига тарқалишди. Кино ёлқини пасайган олов олдида чўккалади-да тунги товушларга — қироққа енгилгина урилган тўлқинлар шовурига, узоқ-узоқлардаги ит ҳуришига, ҳамиш кулба тепасида шабаданинг фир-фирига ва қишлоқнинг ўзга кулбаларидан элас-элас эшитилаётган қўшниларнинг бўғиқ товушларига қулоқ сола бошлади. Товушлар эса сира тинмасди. Чунки, уларнинг уйқулари узуқ-юлиқ эди: улар ярим тунда уйғониб қолишса, анча сўзлашишар ва яна уйқуга кетардилар. Аллангаланаётган гулхан ёнида бир неча дақиқа тургач, Кино ўрнидан қўзалиб, эшик оғзига келди.

У бурни билан чуқур нафас олди-да, бирор кимса ўғирлик қилиш учун судралиб келмаётганмикин, деб атрофга қулоқ тутди. Унинг қўзлари тун зулмати қаърига тикилган эди. Чунки, ёвузлик қўшиғи ҳамон тинмаган, бунинг устига Кинонинг қалбидаги алам ва қўрқув ҳам интиҳо топмаган эди. Тун бағрига нигоҳ солиб, қулоқ тутиб олгач, Кино кулбага қайтди. Бурчакдаги тўсин ёнига келди-да, марваридни кавлаб олиб, бўйра тагидан бошқа чуқур қазиди. Унга марваридни жойлаштириб, тупроқ тортди.

Гулхан ёнида ўтирган Хуана унга ажабланиб қараб турарди. Кино марваридни яшириб бўлгач, сўради:

— Кимдан қўрқасан?

Кино жавоб учун керакли сўзни излаб, тараддуудланди, сўнгра топди шекилли:

— Ҳаммадан, — деб жавоб берди. У ўз қалби вужудига темир совут кийгизаётганини ҳис қилиб турарди.

Улар кигиз устига чўзишлиди. Бу тун Хуана болани шифтга илинган беланчакка солмасдан, ўз ёнига олиб ётди-да, унинг юзини шол рўмоли билан ёпиб қўйди. Кўп ўтмай ўра-ўчақдаги чўғлар бирин-кетин сўна бошлади.

Кино уйқуда ҳам ором ололмади. Унинг тушига Койотито кирганди. Тушида Кинонинг ҳамда Кино мансуб халқнинг ўғли Койотито ўқишни ўрганган ва энди отасига бор ҳакиқатни айтармиш. Койотито улкан, уйдай катталикдаги китобни ўқир, ундаги ҳарфларнинг ҳар бири итдай келар, сўзлар эса саҳифалар ичидаги сакраб-сакраб ўйноқлардилар. Сўнгра китоб устига қалин соя тушди ва шу лаҳзаданоқ Ёвуэлик қўшиги янграй бошлади. Кино уйқу аралаш нималарди, деб хавотирил алаҳсирашга тушди. Кино салгина ҳаракатланиши биланоқ Хуананинг қўзлари очилиб кетди. Кино уйғонди, аммо ёвуз оҳанг унинг қулоқлари остида ҳамон янграр, қоронгулик қаърида у бутун вужуди билан алланимага шайланиб турарди.

Шу пайт кулбанинг нариги бурчагидан жуда ожиз шитирлаш, овозисиз одим ва қарийб ноаниқ — “ҳих” деб нафасини ушлаб туришга ўхшаш товуш эшитилгандек бўлди. Унга қулоқ солар экан, Кинонинг ўзи ҳам нафас олишдан тўхтади. Ҳонадонида пинҳон ётган қора куч ҳам нафас олмай, тек қотганини у билиб турарди. Қарийб икки кулбанинг тўридаги буржида ҳамма нарса сокин бўлиб қолганидан Кино адашган бўлсан керак, деб ўйлаши мумкин эди. Бироқ Хуананинг қўли огоҳлантиргандек унинг қўлига тегди. Шу лаҳза ўша товуш яна эшитилди: бу полда ташланган одим ва бармоқларнинг ерни тимдалаганига ўхшаш сас эди.

Кинонинг қалбига кучли қўрқув тўлқини урилди, қўрқув ортидан эса ҳар доимгидек фазаб қўйилди. Унинг қўли беихтиёр кўксига, бофичга осилган пичноқ турган жойга узалди-да, кигиз устидан сакраб туриб, бўғиқ пишқириб, қутурган қоплондек уйнинг буржида яширинган ўша қора нарса устига ўзини отди. У қўли билан майин матони ҳис қиласани ҳамон пичноқни санчди. Бироқ,

нишонга текизолмай, яна санчди. Пичноқ матони йиртиб кирганини ҳис қиласкан, миясида чақмоқ қақилгандек бўлди. У кучли оғриқнинг алангасида буткул куйиб қолгандек эди. Остонадаги тапир-тупир ҳам, тезгина йироқлашаётган қадам товуши ҳам — барни жимиб қолди.

Кино пешонасидан иссиқ қон оқаётганини сезар экан. Хуананинг:

— Кино! Кино! — деб чақирганини эшилди.

Унинг овозида даҳшат бор эди. Ҳудди шу лаҳза бундан бир неча дақиқа олдин унинг вужудига фазаб қандай келган бўлса, ҳудди ўша тезликда хотиржамлик ёйилди.

— Мен тирикман. Бу ерда бошқа ҳеч ким йўқ, — деди у хотиржамлик билан.

У бўйра олдигача пайпасланиб етиб борди. Хуана эса аллақачон гулхан ёнида эди. У кул ичидан ҳали сўнмаган чўғ топиб, унинг устига юлинган маккажӯхори баргларини ташлади-да, пуфлай бошлади. Кулбада аланга шуълалари ёйилди. Сўнгра Хуана яширилган жойидан шам қолдигини олиб ёқди. Уни гулхан ёнидаги тош устига қўйди. Хуана тез ҳаракатлар ва доимо паст товуш билан хиргойи қиласди. У шол рўмолининг учини намлаб, Кинонинг пешонасидаги қонни артиб олди.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Кино. Бироқ, унинг овози ва қўзлари ғамгин ва совуқ эди, вужудида нафрат ўсиб бораради.

Шу пайт Хуананинг дилида жўшиб ётган дардлари юзага отилиб чиқди. Унинг лаблари ингичка очилди:

— Бу марварид бизга яхшилик келтиримайди, — деда ҳичкирди Хуана, — унда гуноҳ мужассам! У бизни ҳалок этади! Хуананинг овозида кескин оҳанглар қатъийлаша бошлади: — Уни ташлаб юбор, Кино. Кел, уни ёғричоқда эзғилаб ташлаймиз. Ёки бирор жойга кўмиб, кўмган жойимизни унутамиш. Кел, уни денигизга — ўз ўрнига ташлай қолайлик. У кулфат келтиради, Кино! У бизни ҳалок этади! — Кулбада рақс тушаётган шуълалар ёруғида Хуананинг лаблари, киприклари қўркувдан титраётганини аниқ қўриши мумкин эди.

Аммо Кинонинг нигоҳида бир қатъият мавжуд бўлиб, унинг иродасини ҳам ҳеч нарса буқолмас эди.

— Яна қачон бундай омадга дуч келами? — деди у. — Ўзимиз мактабда ўқиши керак. У бизни банди этиб турган кишинларни парчалаб ташлаши лозим.

— Бу марварид бизга ўлим келтиради! — қичкирди Хуана, — ҳаммамизга, ҳатто ўғлимизга ҳам.

— Жим бўл, — деди Кино. — Бундай сўзларни бас қил. Эрталаб марваридни сотамиз. Шунда ундаги барча машъумлик кетиб, фақат яхшилиги қолади. Жим бўл, хотин. — Унинг тим қора кўзлари оловга фамгин тикилиб қолди. Шу пайт у илк бор ҳамон қўлида пичоқ ушлаб турганини сезиб, унинг пўлат дамига қарадиу, пичоқда ингичка қон изи қолганлигини кўрди. Бир дақиқагина каловлангач, шимига артиш ўрнига қонли пичоқни ерга санчиб тозалади.

Иироқларда хўроздар бир-бирларига гал бермай қичкира бошлиши. Ҳаво ҳам алланечук илиб қолди — тонг яхинлашиб келаётганди. Тонг сабоси дарё лабидаги текисликни ажиб жимири билан қоплаб, мантро дараҳтлари япроғини шитир-шитирга кўмган, жажжи тўлқинлар эса қирғоқ бўйидаги майда чаноқлар сочиған жойга борган сари кўпроқ талпинардилар. Кино бўйрани озигина кўтариб, марваридни кавлаб олди-да, рўпарасига қўйди.

Шам ёруғида кумушдек товланаётган марвариднинг гўзаллиги ўз латофати билан кишини аллаларди. У шу қадар нафис ва нозик әдики, унинг ўз қўшиғи бўлиб, бу қўшиқ қувончбахш, порлоқ келажак ва ором ваъда этарди. Унинг илиқ шуъласи гўё ловуллаб ачишаёттан ярага қўйилган бир шифобаҳш малум, хўрликлардан ҳимоя қулувчи қалқондек бўлиб, очлик ташриф буюрмоқчи бўлганда ҳам эшикни илгарироқ мангуга беркитиб кўя оларди. Кино унга бокқани сайин нигоди тобора майнлашиб, юзидағи зўриқиц музини қуёшдай эритиб юбормоқда эди. У марвариднинг кумушсимон юзасида шамнинг жажжи аксини кўриб турар, денгиз ости салтанатининг мўъжизавий қўшиғини ҳамда унда зангори нур бўлиб тарағлан мусиқани тингламоқда эди. Унга ўғринча нигоди ташлаган Хуана Кинонинг табассум килаёттанини кўрди ва беихтиёр ўзи ҳам жилмайди.

Ушбу кун субҳи уларни умид билан сийламоқда эди.

#### IV

Ҳар бир кичик шаҳар ўзлигини таъмин этувчи бўлакчалардаги кичик ўзгаришлардан боҳабар бўлишидан ҳайратта тушмай бўладими? Агар эркак, аёл ва ёки болакай абадий ўрнатилган қоидаларга амал қилиб, ўзга эркак, аёл, болалардан ажралиб турмай, янгилик қилишга журъат этмай, бирор ёмонлик билан бошқаларга хавф солмас, шаҳарнинг оромини, одатий ҳаёт

оқимини бузмас экан, унда бу бўлак номаълум бўлиб, кишилар нигоҳига тушмай яшайверади. Мабодо бирор кимса эскича фикрлашдан ёки бир замонлар асос солинган турмуш тарзидан бирор қадам четта чиқиб кўрсами, унда шаҳарликларнинг асаби дарҳол бунга жавоб ҳозирлайди. Шаҳарнинг асаб силсиласи ҳам дарҳол ишга тушади. Ўшанда ҳар бир алоҳида бўлаклар ўзаро хабарлашиб, унга қарши тил бириктирадилар.

Мана, ниҳоят бутун Ла-Пас шаҳри бўйлаб эрта тонгданоқ “кундузи Кино марваридини сотишга чиқади”, деган хабар тарқалди. Бу хабар қамиш кулбалардаги қўшнилару, марварид овловчиларга ҳам, хитойи баққоллик дўконидагиларга ҳам, хизматкорлар марварид ҳақидаги сўнгти хабарни етказиш учун бир-бирларига шивирлайверганларидан, ҳатто черковга ҳам маълум бўлди. Бу ҳақдаги мишишлар зоҳидларнинг қулоғига ҳам этиб келди: черков айвонидаги гадолар ҳам шуни муҳокама этишар, чунки Кинонинг чекига тушган омаднинг илк меваларидан улар ҳам баҳраманд бўлиши ҳеч газ эмасди. Болалар бу хабарни ҳаяжонли қийқириқ билан қарши олишди. Аммо, ундан ҳаммадан қўра марварид олибсотарлар ҳаяжонга тушишди. Кун ёришганди ҳар бир олибсотар ўз идорасида қора духоба ёпилган савдо курсичасини олдига қўйиб, ёғиз ўтирас, бармоқларининг уни билан духобада марваридини ишқалаб, содир бўлажак воқеадаги ўз ўрнини машқ қилмоқда эди.

Қадим-қадимдан марваридни ҳарид қулувчилар ўз ишини алоҳида-алоҳида олиб боришлиари, сотиш учун келтирилган марваридни бир-бирларидан қизғаниб, олдинроқ олишга интилишлари русм бўлган. Бир вақтлар ҳақиқатан ҳам шундай эди. Бу қоида ўзини оқламади, зеро олибсотарлар гоҳида қизишиб кетишиб, марварид изловчиларга ошиқча ҳақ бериб юборишган пайтлари ҳам кўп бўлди. Ниҳоят, улар бундан буён бундай серҳаржликка йўл қўйиб бўлмаслигини англаштишди.

Эндилиқда бозорда аслида ягона — қўли узун ҳаридор ўтиради. Дўконида Кинонинг келишини кутиб турган кишилар унинг ўз марваридига қанча нарҳ қўйишларини ҳам, қанча қўшиб, баҳосини пасайтириш учун қандай ҳийла-найранг қўллашларини ҳам олдиндан билиб турардилар. Бу олибсотарлар ишлаганлари учун маош олсалар-да, уларни ажиб талваса қамраб олган, овчиларга хос жазава ўз ҳукмига бўйсундирганди. Чунки, касби нархни туширишдан иборат бу кишилар қувнаб савдо қиладилар, имкон қадар баҳони пасайтириб, ўзларининг ишларидан завқ-шавқка

тұладилар. Ҳар соҳада биз ўзимиз ҳакимиәда нима деб ўйламай-лик, үз іктидориміз даражасыда тұлық ҳаракат қылиб, ўзимизга боғылған ҳамма ишни қыламыз. Марваридни харид қылувчи ўз меңнати учун мұкофот оладими-йұқми, уни юқориго мансабға күтариб, мақтовлар билан сийлайдиларми-йұқми, барибир марварид харид қылувчи бўлиб қолади. Уларнинг энг яхшиси, энг омадлиси — марваридни энг арzon баҳода сотиб олганидир. Заррин ва ҳароратли қүёш ўша тонгда дарё лабларида ва қўрфазида ажиг буғ ҳосил қылган, ҳавода кумушранг туман ёйилганди. Ҳаво эса титрар, олис-олислар унинг ажиг пардаси ортида хира тортиб қолганди. Шаҳарнинг шимол тарафидан Кўрфаз узра сароб, яъни бу ердан икки юз милдан ошиқроқ масофадаги тоғларнинг акси ястанарди. Тогнинг осилиб қолган қоялари қарагайлар ўралгандек кўринар, у эса ўрмон ҳошлиясидан самога яланғоч қояли чўққи бўлиб чиқиб туарди.

Бу кун тонгида қайиқдар қирғоқда ётар, ҳеч ким марварид овлашга чиқмаганди. Зеро, шаҳарда муҳим воқеа содир бўлиши кутилмоқда. Одамлар унинг гувоҳи бўлишлари, Кино қандай қылиб ўзининг улкан марваридини сотишга боришини кўзлари билан кўришлари лозим эди.

Бу кун тонгида қамиш кулбада истиқомат қылувчилар эрталабки нонуштада узоқроқ ўтириб қолиши. Уларнинг ҳар бири агарда марварид унга насиб эттудай бўлса, нималар қилиши ҳақида сўзларди. Бир киши уни Римдаги табаррук Отага совфа қылиб элтиб беражагини айтди. Бошқаси — уни минг йил аввалданоқ барча қариндош-уругларининг арвоҳини шод этиб, хотирлашлари учун тўлашга сарфлаган бўлишини билдириди. Учинчи киши марварид учун пулни олгач, уни Ла-Пасдаги камбағалларга бўлиб беришини афзал кўрса, тўртингчиси бундай катта пулга қанча яхшилик қилиш мумкинлигини, қанча кишини баҳтли қилиш, қашшоқликдан кутқариш имконияти бўлишини ҳисоб-китоб қиласиди. Қўшнилар Кинонинг пешонасига битган бойлик унинг бошини айлантираслигига, уни тепса тебранмас, қаттиқўл бойваччага айлантириб қўймаслигига, одамовилик, хасислик, жаҳддорлик ва раҳмисизлик каби хислатларни синг-диормаслигига умид қиласидар. Чунки, Кинони посёлкада ҳамма яхши кўрар, мабода марварид уни ҳалокатга дучор этса, албаттга ёмон эди. “Унинг хотини — Ҳуана қандай яхши аёл, ўғли — Койотито ҳам ёқимтой, — дейишарди қўшнилар. — Ахир, Койотито уларнинг сўнгти боласи эмас. Яна бошқа фарзандлар

ҳам кўришади. Наҳотки улкан марварид уларнинг барчасини ҳалок этса!”

Бу тонг Кино ва Ҳуананинг умрларидағи энг ажойиб кун эди. Улар бу кунни фақаттинга Койотито дунёга келган кунга қиёс қила олардилар. Бу ўзидан кейинги барча кунларга йўл очадиган кун эди. Улар энди: “Бу воқеа биз марваридни сотишимиздан икки йил илгари рўй берганди” ёки “Бу биз марваридни соттанимиздан бир ой кейин содир бўлганди”, — деб юришади. Ҳуана шундай кунда ҳар нарсага қўл силтаса бўлади, деган кайфиятда Койотитога чўқинтириладиган кунга атаб қўйган кўйлакчасини кийдирди. Ҳуананинг ўзи ҳам соchlарини тараб, ўрилган ўрамига қизил лента борлаб, четларини капалак нусха қилиб тутди-да, ўзининг тўй кунидаги кофта ва юбкасини кийиб, ясанниб олди. Ҳамма тайёргарлик кўриб бўлинганида қўёш уфқдан анча баландга кўтарилиганди. Кинонинг кўйлаги ва шими йиртиқ бўлса-да, аммо тоза эди. У бу кун сўнгти бор ўз эгнига эски-туски кийимлар киярди. Зеро эртага, балки ҳатто бутуноқ унинг барча нарсалари яп-янги бўлади.

Деворлардаги тирқишилардан Кинонинг кулбаси эшигига мўралаб турган қўшинилар ҳам кийиниб олишган. Иўлга чиқишига тайёр эдилар. Кино ва Ҳуана биргаликда марварид сотишга чоғланар эканлар, уларнинг бирортаси заррача бўлсин ўнғай-сизлик туйғусини ҳис этишмасди. Бундай эсда қоладиган кунда фақат шундай қилиш лозим, Кино ва Ҳуана билан бормаслик жинниликтан бошқа нарса эмас. Ўйда қолиш уларнинг гараз-гўйликлари белгиси ҳисобланishi мумкин эди.

Ҳуана бошига авайлабгина шол рўмолини ўради. Рўмолнинг ўнг томонини тушириб, ўнг қўлидан худди кичкинагина осма беланчакка ўхшатиб ошириб ташлади. Ана шу осма беланчакка Койотитони жойлаштириди. — Ҳамма кўрсин. Кўриш ҳам гапми, эслаб қолсин. Кино кенг соябонли похол шляпасини кийиб, ҳаммаси жойидамикин, дея тепасини қўли билан ушлаб кўрди. Чунки, шляпани бегам, сўққабош ёшлардек бошнинг орқасига ёки чеккасига кийганда ҳам, кексалардек тўппа-тўғри эмас, балки соҳибининг тиришқоқ ва ишбилармонлигини таъкидлаб туриши учун учини бир оз олдига қиялатиб кийиш керак. Одамнинг бошидаги шляпаси қандай турганига қараб кўп нарсани билиб олса бўлади. Кино оёгини ковушга суқиб борични борлади. Улкан марварид юмшоқ чарм парчасига ўралган бўлиб, кўқрак чўнтақдаги халтачага солинганди. Кино адёлга узунасига ўралиб, бир учини

чап елкасидан ошириб ташлади. Энди уларнинг учаласи ҳам тайёр эдилар.

Кулбадан дастлаб кўкси фууруга тўлган Кино, сўнгра Койотитони кўтариб олган Хуана чиқиб келди. Тўлқинлар ювган йўлда уларга бирин-кетин қўшинилар қўшила боришиди. Кулбалар худди вулқондек кўчага катталаарни ва болаларни сочишга тушганди. Бу юриш шу қадар жиддий эдики, Кино билан ёнмаён факат бир киши — у ҳам бўлса унинг акаси Хуан Томас ўтиб бораради.

Хуан Томас укасига маслаҳат бермоқда эди.

— Ҳушёр бўл, алдаб кетишмасин тарин. Эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиш керак, — деди у.

— Энди эҳтиёт бўлиш керак, — қўшилди унга Кино ҳам.

— Ўзга шаҳарларда марваридга қанча ҳақ тўлашларидан бехабармиз, — деди Хуан Томас. — Бошқа шаҳарда олибсолар сенинг марваридинг учун қанча пул беришини билмай туриб, қандай қилиб унинг ҳақиқий баҳосини аниқлаб бўлади?

— Тўри айтасан, — деди Кино. — Бироқ, уни қайданам аниқлай олардик? Биз шу ерда яшаймиз. Бошқа ерларда нима бўлаётганини қаёқдан билайлик?

Шаҳарга яқинлашганлари сайин уларни кузатиб келаётган оломоннинг сони беҳад ортиб бораради. Аммо, Хуан Томас сўзлашда давом этар, чунки хавотир унинг оромини ўғирлаганди.

— Сен дунёга келмасингдан олдин, Кино, — деди у, — қариялар марварид учун қандай қилиб кўпроқ пул олишини биргалашиб ўйлашган. Улар марваридни пойтактга элиб, ўша ерда сотадиган ва ўз меҳнати эвазига ҳақ оладиган кишини топишга қарор қилишган.

Кино бошини эгди.

— Биламан, — деди у. — Бу оқилона қарор бўлган.

— Ўшандай кишини топишган ҳам, — давом этди Хуан Томас. — Ҳамма унга ўз марваридини топшириб, йўлда кузатиб қолишган. Ушандан бўён худди сувга чўккандек бедарак кетди. Бошқа бир одамни топиб, уни ҳам катта шаҳарга жўнатишганида буниси ҳам фойиб бўлди. Шундан сўнг кексалар ўз фикрларидан қайтишгану, ҳаммаси илгаридек давом этаверган.

— Биламан, — деди Кино. — Отамнинг бу ҳақда сўзлаб бергани ёдимда. Кексалар жуда тўғри ўйлашган, бироқ дин бундай қилишга йўл бермайди. Бу ҳақда бизга руҳоний гапириб берганди. Барча марваридларнинг ўқолиши — ўз мавқенини

яхшиламоқчи бўлганлардан Оллоҳнинг ўч олиши эмиш. Руҳоний бизга ҳар бир эркак ва аёл Коинот кўшкини қўриқлаш учун парвардигори олам томонидан юборилган жангчи- қўриқчилигини тушунтирган. Бирорга юкорида, бирорга замин бағрида посбонлик қилиш насиб этади. Ўз ўрнини ташлаб кетиш ҳам, жойдан жойга кўчиш ҳам гуноҳ. Зоро, шунда дўзахий кучлар қўзғалиб, Коинот кўшкини вайрон этармиш.

— Мен бу ваъзни эшиттанман, — деди Хуан Томас. — У ҳар йили шу ваъзни тақорорлайди. — Ака-укалар кўзларини бироз қисишиди. Уларнинг халқи ҳам, ўзлари ҳам, бобокалонлари ҳам, бобокалонларининг бобокалонлари ҳам мана тўрт юз йилдирки, ҳамма нарсани билдирган, ҳар нарсага кучи етадиган, ҳар дақиқада ўзининг билғонлигини ва ҳукмронлигини пороҳ билан исботлашга тайёр мана шу келгиндилар мамлакатни босиб олган кундан бўён шу тахлит қўзларини қисиб яшайдилар. Мана шу тўрт юз йил ичida Кинонинг халқи улардан фақат қўзларини озгина қисиб, оғзининг чеккасини бироз буришириб ва бегоналик туйғуси билан ажралиб, ҳадланиб туришини ўрганди. Бу чегарани ҳеч кимса буза олмас, унинг ҳимоясида ўз-ўзича қолишига уларга ҳеч нарса халал бермасди.

Сони ортиб бораётган оломон тантанавор одимлар билан бу куннинг моҳиятини ҳис қилган ҳолда илгарилаб бораради. Мабодо болалардан бирортаси муштлаша бошлиса, қичқириб йиги кўтарса, тенгдошининг шапкасини олиб, жаҳлини чиқарса, катталар дарҳол бу шумтакаларни тинчлантиришар ва яраштириб қўядилар. Бу куни шу қадар муҳим воқеа содир бўлиши кутгилмоқда эдики, ҳатто бир мункиллаган чол ҳам набирасининг бақувват елкаларига ўтириб олган қўйи оломонга қўшилди. Маросим иштирокчилари қамиш кулбаларни ортда қолдириб, гиштин ва тош уйли, кўчалари торгина шаҳарга кириб борашиди. Шу орада уларга черков айвонидаги гадолар қўшилиши; дўкончилар уларни нигоҳлари билан кузатиб қолдилар; кичик қовоқхоналар бўшаб қолди. Уларнинг соҳиблари ҳам қовоқхонани беркитгандарича оломонга қўшилиб, олга юришиди. Қуёш эса заррин нурларини аёвсиз сочар, ҳатто жажжи тошчаларгача заминга соя ташлаган эдилар.

Оломоннинг яқинлашा�ётгани ҳақидаги хабар бозорга улардан эртароқ етиб келди. Марварид ҳаорид қилювчи олибсоларлар қадларини тиклаб, ўзларининг кичкина ва қоронги идораларида ҳозир нозир бўлиб турдилар. Улар Кино келиб

қолган тақдирда банд киши бўлиб кўриниш учун қандайдир қоғозларни титкилашар, ўзларининг марваридларини кўздан пана қилгандилар. Ахир стол устида энг ноёб марварид турганда майда-чуйдалари унинг ёнида бўлиши ярамайди. Кино олиб келаётган марвариднинг малоҳати ҳақидаги хабар уларга етиб ултурганди. Олибсотарлар идораларининг барчаси торгина бир кўчада ёнма-ён жойлашган бўлиб, уларнинг деразалари панжаланган, ичкарисидан ёроч дарча билан ёпилганди. Ҳудди ана шунинг учун ҳам нур ичкарига фақат икки тахта орасидаги тирқишдан киради, идорада доимо нимқоронгулик ҳукмрон эди.

Идораларнинг бирида бақалоқ, бесўнақай бир киши ўтирганди. Унинг юз ифодаси оталарча самимий, нигоҳи эркаловчи эди. Бундай одамлар хушфеъллик билан қўлларингизни сиқиб саломлашади, кўплаб латифалар билади, бир сўз билан айтганда очиқкўнгил кишилар бўлишади. Кўнгилчанликларини айтмайсизми! Ҳазил ва кулгу орасида бирдан ғамгин тортиб, сизнинг бандаликни бажо келтирган холангизни әслаб, ғамингизга шерик бўлиб, кўз ёши ҳам тўкиб олади. Ўша тонгда у столи устига ичига бир дона алвон гибикус гули солинган гулдонни қўйди. Гулдон марварид учун қўйилган қора дуҳобали курсича ёнида туарди. Бу одамнинг юзи кўкаргунча қиртишланган, қўллари тоза, тирноқларига сайқал берилган. Идорасининг эшиги қўёшга қаранди. Унинг ўзи бўлса ниманидир хиргойи қилиб, ўнг қўли билан тангани ушлаб, найранг қиласди.

Танга унинг бармоқлари бўғинларидан сирралиб, кафтигача келар, ёргуда ярқираб, юкорига сакрарди. Сўнг бирдан йўқолиб яна тасодифан пайдо бўларди. Эгаси эса бепарво. Бармоқлари ўз-ўзича автоматдек, аниқ ҳаракатланар, у киши бўлса секингина мингирлаб қўшиқ куйлаб, эшикка термулиб туарди. У бирдан якинлашиб келаётган оломоннинг қадам товушларини эшилди. Шунда унинг ўнг қўли бармоқлари тезроқ ҳаракатланди. Кино эшикда пайдо бўлган чорда танга яна бир ялтиради-да, сўнгра кўздан гойиб бўлди.

— Салом, азиз дўстим, — деди бу бақалоқ киши. — Қандай хизмат қўрсатиш имумкин, сенга!

Кинонинг кўзлари бу нимқоронгуликка анчагача кўнниколмай турди. Чунки унинг кўзлари ҳамон қўёш нурлари таъсирида эди. Олибсотарнинг кўзида эса шафқатсизлик мавж уради. Кинога киприк қоқмай, қирғийдек типпа-тиқ бокар, аммо лаблари

майин қулимсиради. Курси остида яширинган ўнг қўли эса ҳамон танга ўйнарди.

— Мен марварид олиб келдим, — деди Кино. Унинг ёнидаги Хуан Томас бўлса, бу жавобнинг камтароналигидан норози оҳангда секин тўнғиллаб қўйди. Қўшилар идорага останадан бокиб туришар, болалар дераза панжалараларига осилиб олишганди. Икки-уч болакай бўлса, тизза ва кафтларини ерга қўйган ҳолда Кинонинг оёқлари тагидан туриб содир бўлаётган воқеаларни кузатиб туардилар.

— Сен биттагина марварид келтирибсан, — деди олибсотар, — менга ундейлардан бир йўла ўн-ўн иккиталаб олиб келишади. Ҳўп, майли кўрсат марваридингни. Биз уни одилона баҳолаб, пулини берамиш. — Унинг бармоқлари тангани жазава билан айлантириб юборди.

Кино усталик қилиш кераклигини ҳис қилди. Ички бир туйғу унга ўз-ўзидан ана шундай қилиш кераклигини буюрган эди. У чарм халтачани оҳистагина стол устига қўйди. Унинг ичидан кирланган чарм парчасини шошилмай чиқариб, қора дуҳобали курсича устига марваридни юмалатиб юборди-ю, бирдан бошини кўтариб, олибсотарнинг юзига қаради. Унинг юзида заррача ўзгариш бўлмади. Бироқ стол остида яширинган қўлигина олибсотарнинг ҳолатини ошкор қилиб қўйди. Танга харидорнинг қўл бўгинига урилиб, унинг тиззасига юмалаб тушди. Стол остида яширинган қўлининг панжалари мушт бўлиб тутилди. Ўнг қўл ўзининг хуфёна жойидан шўнғиб чиқиб, кўрсаткич бармори улкан марваридга тегди. Курсичанинг қора дуҳобасига ишқалади. Сўнгра бош ва кўрсаткич бармоқлар марваридни кўтариб, кўзлари олдига олиб келишди ҳамда уни ҳавога ирғитди.

Кино нафасини ичига ютди. Қўшилар ҳам миқ этмай қараб туришарди. Кейин курси томондан эшик сари шивир-шивир тарқалди.

— У марваридни кўздан кечираяпти. Ҳали баҳосини айтгани йўқ. Ҳали нарх ҳақида гап-сўз бўлмади.

Олибсотарнинг қўли ўз-ўзича ҳаракат қиласди. Қўл марваридни қайта дуҳобали курсича устига ташлади. Кўрсаткич бармоқ эса уни туртиб, чертиб масхаралар, олибсотарнинг кўзида эса ғамгин ва нафратли заҳарханда ўйнарди.

— Ҳеч нарса қилолмайман, азизим, — деди у елкаларини бироз қисиб, Кинонинг бошига тушган омадсизликка ўзининг дахи йўқлигини билдириш учун.

— Бу марварид жуда катта пул туради, — деди Кино.  
Олибсоларнинг бармоқлари марваридни яна шундай черт-  
дик, у духоба курсичанинг сиртига юмшоқ урилиб, сирғалиб  
кетди.

— Ялтироқ маъдан нима эканлигини биласанми? — сўради  
олибсолар. — Одамлар олтин қудиришиб, ўрнига ўша ялтироқ  
маъданни топиб олишади. Сенинг марваридинг ҳам шунақага  
ўхшайди. У ҳаддан ташқари катта. Уни ким ҳам сотиб оларди?  
Бунақаларига талаб йўқ. Бу бор-йўғи илгари кўрилмаган ғалати  
нарса холос. Афсус, аммо илож қанча? Сен марваридим катта  
пул туради деб юрибсан, аслида бу фақат нотабийи нарса холос,  
алоҳида қимматта эга эмас.

Кинонинг вужудини саросима ва вадхима қамраб олди.  
— У дунёдаги энг катта марварид! — қичқириди Кино. —  
Бунақангич марваридни ҳали ҳеч ким кўрмаган!

— Адашайпсан, — деди олибсолар. — У ҳаддан ташқари  
катта, қўпол. У ҳажми катталиги жиҳатидан камёб нусха сифа-  
тидагина қимматли холос. Уни бирорта музей денгиз чиганоқ-  
ларидан иборат ўз колекциясини тўлдириш учунгина сотиб  
олиши мумкин. Мен бу марварид учун сенга, айтайлик, минг песо  
таклиф этишим мумкин.

Кинонинг юзлари қорайиб, кўзлари қаҳро билан боқди.

— У эллик мингта арзийди, — деди у. — Буни сиз яхши  
биласиз. Сиз мени лақиллатмоқчисиз.

Олибсолар таклиф қилинган нархни билган оломон ичра  
нароzi бир ғовур кўтарилигини эшитди-ю, қўрқанидан енгил  
титраб кетди.

— Мени айблама, — деди у дарҳол. — Мен бир баҳолайди-  
ган одамман, холос. Яна бошқалардан сўраб кўр. Яхшиси, уларнинг  
ўзлари бу ёкка келишин. Шунда биз олдиндан келишиб қўй-  
маганимизга икror бўласан. Эй! — деди у идоранинг ичкари-  
сидаги эшикдан қараган болага қичқириб — фалончи-писмадон-  
чиларнинг олдига боргин-да, бу ёкка келаркансиш де. Аммо  
негалигини айтмагин. Фақат мени чақираятилар десанг бўлди.

Шундан сўнг олибсоларнинг ўнг қўли яна стол тагига  
шўнгиди, чўнтағидан яна битта танга олиб чиқди-да, бармоқлари  
узра ўйната бошлиди.

Кинонинг қўшилари ўзаро шивирлашишарди. Бу яхшилик  
билин тугамаслигини улар билардилар. Марвариднинг улкан  
эканига шубҳа йўқ. Аммо унинг ранги ғайриоддий. Уларга бу

аввал бошиданоқ ғалати кўринганди. Шунақа бўладиган бўлса,  
минг песо ҳам қўчада ётмайди. Ҳеч вақоси йўқ одамга бу катта  
бойлик, Кино бу нархга кўнса нима қипти. Ахир у кечагина  
камбагал эди.

Аммо Кино гўё тошдек қотиб қолди. У ўзининг тақдирни  
ҳал бўлаёттанини, атрофини бўрилар ғаласи ўраб олаёттанини,  
тепасида қузгуналар қанот қоқаёттанини ҳис қилди. Кино  
ёмонлик теграсидан сездирмай пусиб келаёттанини сезиб турар,  
аммо қайдан ҳимоя излашни билмасди. У ёвузилик қўшиғини  
эшитди, бу қўшиқ унинг кулоқлари остида янгради. Улкан марварид  
яраклаб, қора духоба курсида ётар, стол ортидаги кимса эса  
ундан қўзини узолмасди.

Остонада турган оломон уч олибсоларга йўл бериб, жойидан  
жилди. Сўнгра бирорта сўзни эшитмай, озигина ҳаракат ва жиндек  
нигоҳни кўрмай қолищдан қўрқиб, барчаси нафасини ичига ютди.

Кино ҳам жим эди — саросималаниб сукут сақларди. Кейин  
бирдан орқасидан кўйлагини тортишаёттанини сезди. Бурилиб  
Хуананинг кўзларини кўрди. Ундан ўтириларкан қалбига янги  
куч келиб қўйилгандек бўлди.

Олибсоларлар ҳар ёкка қарашиб, аммо бир-бирларига ва  
марваридга сира кўз ташламасдилар. Стол ортида ўтирган кимса  
ниҳоят деди:

— Мен бу марваридни баҳоладим. Унинг соҳиби менинг  
баҳойимдан норози. Сиздан мана шу... мана шу нарсани қўздан  
кечириб, баҳосини белгилашингизни сўрайман. Единдан чиқар-  
ма, — деди у Кинога, — мен сенга таклиф қилган нархни  
айтаёттаним йўқ.

Озғинлигидан томирлари бўртиб чиқиб турган биринчи  
олибсолар марваридни худди эндиғина кўргандек қўлига олди-  
да, бош ва қўрсаткич бармоқлари орасига думалатиб, ижирған-  
гандек уни духоба курсича устига отди.

— Мени ҳисобга қўшиб ўтирганлар, — деди у қуруққина  
қилиб, мен ҳеч вақо бермайман. Менга бунақаси керак эмас.  
Жавоҳир эмас... Бу қандайдир тасқара нарса. — Унинг юпқа  
лаблари аранг билинадиган кувача бўлиб қисилди.

Сўнгра кичик жуссали, сокин, ишончсиз олибсолар жавоҳир-  
ни олиб, дикқат билан нигоҳдан ўтказди. У чўнтағидан катталаши-  
тирувчи ойнани олдида, яна марваридни қўздан кечирди. Охис-  
тагина кулиб қўйди.

— Сунъий қилинганлари ҳам бундан яхшироқ бўлади.

Бунақалари менинг қўлимга тушган. Бу марварид юмшоқ, сал тегинсанг титилиб кетадигандек омонат. Бир неча ҳафтадан сўнг қорайиб қолади. Мана, қарагин... — У Кинога лупани узатиб, ундан қандай фойдаланиш мумкинлигини кўрсатди. Катталаштирадиган шиша орқали марваридга боқуб кўрмаган Кино ўз марваридининг сирти ғалати эканлигини кўриб, қўрқиб кетди.

Учинчи олибсотар марваридни Кинонинг қўлидан олди.

— Мижозларимнинг бирй шунаقا нарсаларга қизиқиб юради, — деди у. — Беш юз песо бераман. Балки унга олти юзга сота оларман.

Кино дарҳол қўлларини чўзиб, унинг бармоқлари орасидан марваридни юлқиб олди. Уни чарм қийқими орасига ўраб, қўйнига солди.

— Мен аҳмоқ бўлиб ўтирган эканман-да, — деди стол ортидаги кимса. — Бироқ, ўзим айттан баҳодан қайтмаганим бўлсин. Аввал айтганимдек, минг песо бераман. Сенга нима бўлди? — ҳайрон бўлди у Кино марваридини қўйнига бер-китаёттанди.

— Сиз мени лакиллатмоқчисан! — газаб билан қичқирди Кино. — Мен марваридимни бу ерда сотмайман. Бошқа шаҳарга, ҳатто балки пойтахтга ҳам борарман.

Олибсотарлар тезда кўз уриштириб олишди. Улар ишни пачава қилиб қўйганларини англадилар: бунақангари марваридни қўлдан чиқарганликлари учун таъзирларини ейишларини билгандаридан стол ортидаги кимса дарҳол:

— Майли, бир ярим минг бераман, — деди ютиниб.

Кино изига бурилиб, қўшиналарини туртиб-суртиб эшик сари юради. Миясига қон тегпанидан ҳар хил овозларнинг ғовуршовури қулогига гира-шира эшитиларди. Эшикка етиб олгач, у идорадан йироқлаша бошлади. Унинг ортидан Хуана майдадамлар билан аранг улгуриб бораради.

Оқшом тушганда қўшиналар уй-йиларига тарқалишди. Улар жўхори нон ва ловия еб бугунги куннинг муҳим воқеалари ҳақида сұхбатлашдилар. Ким ҳақ эканини акратиш ҳийин эди. Марвариднинг чироили эканлигига таъриф йўқ, улар бунақасини илк бор кўришти. Шундай бўлса-да, олибсотарлар жавоҳир ҳақида ҳаммадан кўп билишади. “Эсингиздами, — дейишади улар, — олибсотарлар бир-биrlари билан маслаҳатлашишгани

йўқ. Аммо ҳар учаласи ҳам марварид ҳеч қандай қимматга эга эмаслигини айтишибди”.

— Балки улар олдиндан келишиб олишгандир.

— Агар шу гап рост бўлса, улар биэни бутун умр бўйи алдаб келишяпти экан-да!

— Бўлиши мумкин, бўлиши мумкин, — дейишди айримлар.

— Бироқ Кино бир ярим минг песодан воз кечмаслиги лозим эди. Бу катта пул. У бунча пулни ҳали қўлига ҳам ушлаб кўрмаган. Балки Кино мияси йўқ аҳмоқдир! Ростдан ҳам пойтахтга бориб, ўз марваридига ҳаридор тополмаса нима бўлади? Бунга чида бўладими? Мана энди, — дейишарди қўроққолари, — Кино олибсотарларга қарши борди, энди улар Кинонинг гапига қулоқ ҳам согилари келмайди. Кино ўз бошини ўзи кундага қўйиб, ҳалок этди, чоғи.

Айримлар эса: “Кино жасур киши, бунақа одамни қўрқинтолмайсан: у ҳақ”, дейишарди. Булар ўз қўшиниси Кино билан ифтихор қиласдилар.

Кино бўлса бошини қўйи соглан қўйи, уйидаги бўйрада ўтириб, ўйларди. Марварид гулхан тагидаги тош остига қўмилган. Кино узоқ вақт ола бўйрага тикилиб турганидан қўзлари жимиirlай бошлади. У ўз дунёсини йўқотиб, янгисини топишга ҳали улгурмаганди. У қаттиқ қўроққарди. Ҳаётида бирор маротаба бўлсин хонадонидан узоқка кетмаганди. Дуч келажак бегона кимсалар, ёт ерлар қўркувга соларди уни. У пойтахт деб аталмиш маҳобатни ўзича тасаввур қиласди. У денгиз ва төрглар ортида минглаб мил олисликда яшириниб ётибди. Ҳар бир бегона, қўрқингача мил даҳшатта соларди. Бироқ у ўзининг аввали дунёсини йўқотган, энди янгисига етишиб олиш керак эди. Зеро, унинг келажак ҳақидаги орзулари мавжуд бўлиб, уни ҳеч кимса маҳв этолмасди. У “албатта бораман” деб айтди ва унинг бу — “бораман” сўзи ҳам мавжудлик нишонасига айланди. Йўлга тушишга аҳд қилиш ва бу ҳақда рўйирост айтиш — манзилнинг ярмига етишдек гап.

Кино жавоҳирни кўмаёттанди Хуана Койотитони чўмилтириб, эмизиб кузатиб турарди. Энди эса у кечки нонушта учун жўхори нон ёпмоқда.

Кулбаларига Хуан Томас кириб, Кинонинг ёнига чўккалади.

Узоқ вақт сукутдан сўнг Кино:

— Бошқа нима ҳам қиласдим. Бу кишилар мени алдамоқчи бўлишибди, — деди.

Хуан Томас оҳиста бош ирғади. Унинг ёши улуғроқ бўлганидан Кино маслаҳат эшитмоқчи бўлди.

— Нима қилишни билмайман? — деди у, — бизни түғилган кунимиздан бошлаб, тобут учун уч баробар ҳақ сўрашиб, тики қабримизгача алдаб, талаб боришади. Биз шуларга чидаб яшаб келаяпмиз. Сен нафақат олибсотарларга, балки бизнинг ҳаётимизга, ҳамда у таяниб турган барча нарсаларга қарши бординг. Сени бирор нарса қилишмаса деб қўрқаман.

— Очликдан бошқа нима ҳам хавф соларди? — сўради Кино.

Хуан Томас оҳиста бош чайқади.

— Очлик ҳаммамизга таҳдид қиласди. Сен ҳақ бўлиб, ростдан ҳам жавоҳир катта пул турса нима бўлади?... Бу билан ҳамма-си тутайди, деб ўйлайсанми?

— Нима демокчилигингни тушунолмаяпман?

— Ўзим ҳам билмайман, — деди Хуан Томас, — аммо сени бирор нарса қилиб кетишмаса, деб қўрқаман. Сен ўзингга номаълум заминга қадам қўйдинг. Унинг йўллари сенга нотаниши.

— Мен барибири бораман, орқага суриб ўтирамайман, — деди Кино.

— Ҳа, бориш керак, — қўшилди унга Хуан Томас. — Аммо, қайдан билайлик. Балки ўша пойтахтда ҳам аҳвол шунақадир. Бу ерда сенинг дўстларинг, қолаверса, мен — аканг бормиз. У ёқда эса сен ёғлизсан.

— Нима қиласай бўлмаса? — хитоб қиласди Кино. — Бу ерда қонунни топтаётган бўлишса. Менинг ўғлим бахтли бўлиши керак. Улар ўғлимнинг бахтини поймол этишмоқчи. Дўстларим менга албатта ёрдам беришади.

— Ҳа, тики ўзларига оғири тушмагунча, тики бу ёрдами ўзларига хавф солмагунча улар кўмакни аяшмайди, — деди Хуан Томас. Сўнгра: “Сени худо ўз паноҳида асрасин”, дея ўрнидан қўзғалди.

Кино ҳам унга жавобан:

— Сени ҳам худо ўз паноҳида асрасин, — деди-да акасининг ортидан мунгли қараб қолди. Чунки бу сўзлар қалбида ажиб совуқлик уйғотди.

Хуан Томас кетгач, Кино бўйрада ўйга толиб узоқ ўтириди. У бошқалардан ажralиб қолди. Умидсизлик уни ерга михлаб қўйганди. Олдидаги барча йўллар беркилди. Даҳшатли қўшиқ эса тинмаганди. Фикрлар унга ором бермай қийнار, аммо

туйгулари борлиқ билан ҳамон чамбарчас бирликда эди. Дунё билан бу ягоналигини у ўз ҳалқидан оларди. У туннинг қандай бостириб келаётганини, жажжи тўлқинларнинг гоҳ қумга сапчиб, яна орқага, кўроғазга қайтаётганини эшитиб турар, ором олишга тараффудланаётган қушларнинг уйқу аралаш зорланишларини ҳам, мов бўлган мушукларнинг миёвлаши, фазонинг бир ма-ромдаги чийиллашини ҳам тинглаб турарди. Унинг диморига тўлқинлар қирғоққа чиқариб ташлаган сув ўтларининг ачимсиқ бўйи ўрнашиб қолди. Оловнинг жажжи тилчалари бўйрада каштанамо соялар солар, Кино эса нигоҳини узмай тикиларди.

Хуана унга жони ачишиб боқарди. Аммо унинг феълини тушунганидан ҳамда бу лаҳзада фақат жим туриб, унинг ёнида бўлишдан ортиқ ёрдам йўқлигини билганидан тек ўтирарди. Ёвузлик қўшиғи Хуанага ҳам эшитилгандек эди. Чунки у бу қўшиқда қарши курашаётгандек секингина оила ҳақидаги, ором ҳақидаги, ҳарорат ва оиланинг бузилмаслиги ҳақидаги қўшиғини бошлаб юборди. У қўлларига Койотитони тутиб, унга қўшиқ айтар, фамларни, ташвишларни қуварди. Унинг тиниқ овози ёруғлик оҳангига қатидаги хавфга қарши дадил исён кўтармоқда эди.

Кино бўйрада ҳаракатсиз ўтирас, ҳатто кечки овқатни келтиришни ҳам сўрамасди. Хуана у фақат очиққандагина овқат сўрашини билиб, таом келтирмади. Кино нигоҳи бир нуқтада қотган қўйи ёвузлик пойлаб турганини, қамиш кулба деворлари атрофида сассиз дайдиб юрганини ҳис қилиб турарди. Ёвузлик зулмат ичди яшириниб, пайт пойларди. У тун қаърида қўрқинчли сояси билан қоришиб ётар, вахимали жангта чорларди. Кинонинг ўнг қўли қўйнига узалди-да, пичоққа тегди. Кўзлари каттакатта очилди. Сўнгра у ўрнидан туриб, эшик олдига келди.

Хуана уни тўхтатмоқни истарди: шу мақсадда қўлларини кўтариб, даҳшат ичра нафас ютди. Кино қоронгулик қаърига узоқ тикилиб турди, сўнгра эшиқдан чиқди. Хуана шу лаҳзадаёқ қарийб товушсиз сакраш, бўғиқ инграш ва зарб овозини эшитди. У саросима ичра турган жойида қотиб қолди. Бироқ даҳиҳа ўтмай, лаблари очилиб, мушукнидек тишлари кўринди. У Койотитони ерга қўйди. Гулхан ёнида турган тошни қўлига олиб, кулбадан югуриб чиқди. Аммо, қамиш ихота атрофида ҳамма ёқ тинчиб қолганди. Кино ўрнидан туришга, ердан кўтарилишга уринар, унинг атрофида судралаётган соялардан, гоҳ қирғоққа урилиб, гоҳ қайтаётган тўлқинларнинг ялтирашидан, фазодаги чийилдоқ товушидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Бироқ, ёвузлик бу жойдан йироқ кетмагани, ҳамма ердан — қамиши ишота ортида, кулба атрофида, ҳатто ҳавода ёйлиб ёттани матьлум эди.

— Хуана қўлидаги тошни ташлаб, Кинони қўлтиқлаганича унга ўрнидан туришга қўмаклашиб, етаклаб уйга олиб кирди. Кинонинг кулоқлари, ияклари, ёноқлари чуқур жароҳатланган бўлиб, қон унинг соchlаридан сизиб оқарди. Кино қарийб ҳушсиз ҳолда қадамини аранг босарди, бошини чайқаб-чайқаб қўярди. Устидаги кўйлаги бурда-бурда бўлиб йиртилган, ҳилвираб осилиб колган эди. Хуана унга чўкка тушиб ўтирища ёрдамлашди. Юбкасининг олд қисми астари билан юзидағи қонни арти-да, кичкина кўзачадан пулька ичирди. Бироқ Кино қўзларининг олдини қоплаб олган зулматни қувмоқчи бўлиб бошини ҳамон чайқашда давом этарди.

— Ким? — сўради Хуана.

— Билмадим, — деди Кино, — кўролмадим.

Шундан сўнг Хуана сопол идища сув келтириб, унинг яраларини юди. Кино бўлса бир нуктага маъносиз боқиб турарди.

— Кино, жонгинам! — дея қичқириди Хуана, аммо Кинонинг қўзлари бошқа томонга қараганича қолаверди. — Кино, гапимни эшитаяпсанми?

— Эшитаяпман, — оҳиста жавоб берди у.

— Кино, бу марварид баҳтсизлик келтиради. Бизларни ҳалок этмасдан олдин уни тезроқ йўқотайлик. Кел, уни майдалаб ташлаймиз, унинг жойи ўша ерда. Кино, у бизга кулфат, баҳтсизлик келтиради.

Хуана сўзлар экан, Кинонинг қўзларига нур тўла борди. Нихоят қўзлари чақнаб, юзларига қон югурди.

— Иўқ, — деди Кино, — мен таслим бўлмайман. Енгиб чиқаман. Биз ўз баҳтимизни қўлдан чиқариб юбормаслигимиз керак, — у қулоқкашлаб бўйрага мушт тушириди. — Омадимизни ҳеч ким қўлимииздан юлқиб ололмайди. Унинг шигодлари юмшаб, Хуананинг елкасини қўли билан майни салаб қўйди.

— Менга ишон, — деди у. — Мен эр кишиман, — унинг қўзларида айёона учқун юз кўрсатди. — Эрталаб қайиқ билан дengiz орқали йўлга чиқамиз. Сўнгра тоғдан ўтиб, пойттахтга етиб борамиз. Иккаламиз ҳам кетамиз. Энди бизни ҳеч ким алдаётмайди. Мен эр кишиман.

— Жонгинам! — Хуана бўғиқ овоз билан тилга кирди. — Мен қўрқиб кетаяпман. Улар эркакларни ҳам ўлдиришдан

тойишмайди. Кел, марваридни ўз жойига, дengизга ташлаб юборақсолайлик.

— Жим бўл! — деди Кино ғазаб билан. — Мен эр кишиман, жим бўл. — Хуана жимиб қолди. — Кел, энди ухлаймиз, — деди Кино. Эртага тонг отиши билан йўлга чиқамиз. Мен билан кетишга қўрқмайсанми?

— Иўқ, Кино.

Шунда Кино Хуанага майнин боқиб, ҳароратли қўллари унинг ёноқларини силади.

— Кел, энди ухлаймиз, — тақрорлади Кино.

## V

Хўроэларнинг илк қичқириқлари янграй бошлаганида кечиккан ой самога чиқди. Кино қоронғида ёнгинасидаги енгил ҳаракатдан уйғониб кетди. Унинг ўзи қимирламас, фақат кўзларигина зулматни кезиб юарди. Ойнинг қамиш кулба тиркишларидан кираётган оқиши нурларида Хуананинг бўйрадан шарпасиз туратганини сезди. У Хуананинг гулхан чуқурчаси олдида куймалана бошлаганини қўриб турарди. Хуананинг қўллари қанчалик эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилмасин, барибир чуқурчадаги тошни сураётганида, оҳиста тақирлашни Кино эшитиб қолди. Сўнгра Хуана эшикка йўналди. У Койотито ухлаб ётган кути-беланчак олдида бир лаҳзагина ушланиб қолдида, кейин эшикдан кираётган ёруғликни бир зум гавдаси билан тўсиб, ройиб бўлди.

Кинонинг вужудини ғазаб қамраб олди. У бўйрадан сакраб туриб, Хуанадек шарпасиз кулбадан чиқди-да, хотинининг қирғоз томон йироқлашиб бораётган қадам товушларини эшитди. Кино шовқинсиз одимласа-да, миясида қадор кўпириб бормоқда эди. Ўсиб ётган буталар ортда қолди. Хуана тошга қўжиганича дengизга йўналарди. Бирдан у Кинонинг етиб келаётганини сезиб қолди-да, югурга бошлади. Хуана марваридни улоқтириш учун қўлларини ёйди. Бироқ Кино олдинга ташланиб, Хуананинг улоқтиришга шайланиб боши узра кўтарилган қўлинни маҳкам ушлаб олди. Панжалари орасидан марваридни юлқиб олди-да, Хуананинг бащарасига мушт тушириди, кейин унинг биқинига бир тепди. Ой ёруғида у майда тўлқинлар Хуанани қучиб, ортга қайта-ётганини, унинг юбкаси гоҳ сув юзида қалқиб, гоҳида оёқларига ёпишиб қолаётганини қўрди.

Кино тишларини гичирлатиб, илондек вишиллади. Хуана эса қассобга қараган қўй каби қўрқувсиз кўзларини унга тикканича ҳаракатсиз турарди. У Кино ўзини ўлдириши мумкинлигини ҳам, унинг ҳақлигини ҳам биларди, шу сабабли ҳимояланмасдан, раҳм-шафқат тиламасдан ўлимни итоаткорона қабул қиласади. Бироқ Кинонинг жаҳли босилди. Вужудидаги газаб ўрнини муэдек совуқлик эгаллади. У Хуанадан юзини буриб, қирғоқ бўйлаб буталар ўсиб ётган жойга қараб юрди. Энди дилида газабдан асар ҳам қолмаган эди.

Чакалакзор тарафдан кимларнингдир ўзига ташланишга чорланганини сезгани ҳамон тезда қўйнидан пичоғни олди-да, кўринган қора гавдаларнинг бирига санчди. Мўжжалга текканини ҳис қилас-қилмас зарбдан ўзи ҳам аввалига тиззалаб, сўнгра эса бирварақайига олдга қулади. Аллакимнинг қўллари очқўзлик билан унинг ёқаю енгидан тортиб, бутун вужудини тинтири, титкилаб чиқмоқда эди. Марварид бўлса, Кинонинг маҳкам сиқилган қўллари ҳолсизликдан очилиб кетганда йўлдаги кичик харсангтош остигача думалаб борди-да, ой ёргуғида у ердан кумушдек товлана бошлади.

Хуана соҳилдаги тошлар устидан амал-тақал қилиб қўзғалди. Унинг юзлари ачишар, бикини саншиб оғирди. Ахийори чалишиб ўрнидан турди. Ҳўл юбкаси сонларига ёпишиб қолганди. Хуананинг қалбида эрига зоррacha гина йўқ эди. Кинонинг “мен эркишиман”, дейиши Хуанага кўп маънени англатарди. Бу сўзлар Хуанага унинг эри ярим телба, ярим худо эканлигини билдиради. Бу сўзлар яна Кино куч-кувватда тоғ билан беллашиб, ҳатто денгизга қарши курашга тайёр эканлигидан ҳам дарак берарди. Хуана бундай курашда тоғ қолиб, инсон ҳалок бўлишини, денгиз мавжи тинмай, одам чўкиб кетишини дилдан ҳис қилиб турар, мана шу тап тортмаслик эркакка ярим телба — ярим худолик сифатини беришини билдиради. Хуана эса ёлғиз яшай олмас, ўз ёнида доимо эри борлигини ҳис қилиб умр кечиришга кўнинканди. Эркак ва аёл ўртасидаги бу фарқ гоҳида унинг дилига ғашлик солса-да, барибир шундай бўлиши керак, деган ақидага келар, чунки ёлғиз яшай олмасди. У албатта Кино билан боради, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас! Ахир илгари унинг аёлларга хос оқиалиги, аёлона эҳтиёткорлиги ва ўз-ўзини авайлаш туйгуси Кинонинг эркакларча қайсаrlигини енгтан ва шу туфайли ҳар иккиси омон қолган пайтлари ҳам бўлган эди-ку! Хуана оғриқдан афтларини бужмайтириб, ўрнидан турди. Ҳовучлаб сув ичди-да

ачишаётган юзларини яхшилаб ювди. Сўнгра атрофга ўғринча аланглаб, қирғоқ бўйлаб юқорига, Кино кетган тарафга юриб кетди.

Самода жануб тарафдан ўзун ва парсимон булутлар сузиб келарди. Тўлин ой гоҳ ана шу булутлар ичига шўнғиб, гоҳ қалқиб чиқар, Хуана эса шу туфайли гоҳ ойдинда, гоҳ қоронгулиқда одимларди. У оғриқнинг зўридан букилиб қолган, боши ерга қуий эгилганди. Чакалакзорга яқинлашганда само юзини яна булат қоплади. Бироқ, булутлар қуроқлари орасидан ой юз кўрсатгани ҳамон йўлдаги харсанг ёнида ётган марварид кумушдек ярақлаб кетди. Хуана тиззалаб, уни ердан олганида ой яна булатлар орасига яшириниб олди. Хуана тиззалаб туаркан, нима қилмоғи кераклигини ўйларди. Балки денгиз соҳилига бориб, бошланган ишини охирига етказиши керакдир? Шу пайт атроф яна ёришди. Хуана ёруғда йўлда икки кишининг вужуди ётганини кўрди. У ўша томонга интилиб, ётганларидан бири Кино эканлигини таниди. Унинг ёнида эса номаълум одам ётарди. Бу одамнинг бўйнидан аллақандай қора, ярқироқ нарса оқарди.

Кино секингина қимиirlади, унинг қўл-оёқлари янчилган кумурсқаникидек титрарди, бўғэидан хириллаган ноаниқ сўзлар юлқиниб чиқарди. Хуана айни шу лаҳзада илгариги ҳаётлари асло қайтиб келмаслигини ҳис қилди. Йўлакдаги мурда ҳам, Кинонинг дами қонга белангани пичоғи ҳам уни ана шунга ишонтирадиган далил эди. Шу дамгача Хуана илгари туйган ором парчасини, марварид топиб олгунча кечган тотув ҳаётининг зигирчасинигина бўлса-да, сақлаб қолишига интилиб келарди. Энди эса бўлгани бўлиб, бўёғи кўчган. Буни англаб етгани ҳамон у ҳеч иккиланмасдан ўтмишдан кечди. Энди фақатгина қандай қочиб кутилиш ҳақида йўлаш лозим эди.

Унинг вужудини оғриқ тарқ этган, ҳаракатидаги сусткашликдан асар ҳам қолмаганди. У зудлик билан мурданни судраганча сўқмоқдаги чакалакзор ичига элтди. Сўнгра Кинонинг ёнига келиб, ҳўл юбкаси билан унинг юзини артди. У секин-аста ўзига кела бошлади. Сокин ингради.

— Марваридимни тортиб олишди. Мен уни йўқотиб қўйдим. Энди ҳаммаси тугади, — дерди Кино. — Энди марварид йўқ.

Хуана бўлса уни худди бетоб боласи каби тинчлантириди:

— Жим бўл, — деди у, — мана марваридинг. Мен уни сўқмоқдан топиб олдим, эшитаяпсанми? Сен одам ўлдирдинг.

Энди қочишимиз керак. Бизни тутиб олишади, ҳали тонг ёришмасдан тезроқ қочиб қолиш керак.

— Менга ҳужум қилищи, — деди Кино қатъиятсизгина.

— Мен ҳимояланиб, ўз жонимни асралдим.

— Кече нима бўлгани ёдингдан чиқдими? — деди Хуана.

— Шаҳарда сенга ҳужум қилишган ё қилишмаганларини суринтириб ўтиришади, деб ўйлайсанми? Олибсолтарларни унутдингми? Наҳотки сенга ишонишса?

Кино қўксини тўлдириб нафас олди-да, ҳушёр тортгандек бўлди.

— Ҳа, гапинг рост, — деди у. Ана шу сўзларни айтаркан, иродаси қатъийлашиб, яна эр кишига айланган эди. — Уйга югуриб боргин-да, Койотитони олиб чиқ. Биратўла бисотимиздаги бор жўхорини ҳам оливол. Мен қайнұни сувга тушириб тураман. Кетамиз.

Кино ерда ётган пичоғини олди-да, қоронғилкка сингиб кетди. У қоқила-қоқила соҳил сари юриб, ўз қайигини изларди. Ой булатлар орасидан яна сузиб чиққанида у қайигининг тубида каттакон тешик ўйилганини кўриб қолди. Диляда сарҳадсиз ўз исказасига олиб сиқа бошлади. Ганим қўшиғи тун ҳаловатини бузиб, чангальзорлар узра ёйилган, денгиз соҳилига урилган тўлқинларга қўшилиб шовиллар эди. — Бобосидан қолган, минг марталаб қорамой сурилган кеманинг туби тилимлангандек узунчоқ тешилган, бу турбатга ақд бовар қўлолмасди. Инсонни ҳалок этиш, қайнұни ҳалок этишдан камроқ ваҳшийликдир. Ахир қайнұнинг болалари йўқ, у ҳимоясиз. Унинг танасидаги яра ҳам тузалмайди. Кинонинг қалбida жўш урган разабга алам қўшилди-да, унинг иродасини шу даражада тобладики, энди уни ҳеч нарса бука олмасди. Энди у яшириниб, панадан ташланиб қоладиган, фақат ўзини ва ўз оиласини қутқариш учунгина яшайдиган ҳайвонга айланган эди. Сошидаги азоббахш оғриқ ҳамон тўхтамаганди. Аммо Кино уни энди ҳис қилмай қўйган эди. У бир неча сакраш билан саёзликдан узоқлашиб, қалин бутазорлар оралаб, ўз қулбасига юруди. Ҳаёлига, бир лаҳзага бўлсин, ўзининг қайиги ўрнида биронникидан фойдаланиш мумкин, деган фикр келмади.

Хўроzlар бирин-кетин қичқира бошлашди — тонг яқин эди. Ёқилган илк гулханларнинг тутуни қамиш қулбалар тирқишиларидан сизилиб чиқар, ҳавода эса жўхори нон ҳиди

тарқалганди. Тонгда уйғонган қушлар буталар ичра қўймаланиши бошлаган эди. Ой янада хира тортган, булатлар қуюқлашиб, самонинг жануб тарафини қалин қилиб қоплангандilar. Шамол йўналишини ўзғартириб, дарёнинг қуйилиши томонга эса бошлади. Бу вахимали, шиддаткор шамол қатида бўрон ҳиди мавжуд эди. Тонголди сукунати алдамчи эканлиги, унинг яқинда адогига етиши сезилиб турарди.

Кулбаси томон югуаркан, аллақандай тушуниб бўлмас завқли титроқ Кинонинг вужудини қамраб олган эди. Энди унинг фикри тиниқлашган, зеро ўзга йўли қолмаганди. Кинонинг қўллари кўкрак чўнтагидаги марваридни ва бўйнидаги боғич билан қўйнида осилиб турган пичоқни пайпаслаб, ушлаб қўйди.

У олдинда гира-шира шуълани қўрди. Зулумот ичидан бирданига ловуллаб алнга қўтарилиб, унинг нурлари сўқмоқ йўлни ёритиб юборди. Кино оёғи остида замин борлигини сезмай югуради. Енаётган нарса ўз қулбаси экани унга аён эди. У қамиш қулбалар бир неча дақиқа ичидан бутунлай қуйиб кул бўлишини ҳам биларди. Аллангага етишига оғина қолганида рўпарасидан кимнингдир шарпаси елиб келаётганини қўрди. Бу Хуана билан Койотито эди. Хуана титраётган қўлида Кинонинг адёлини ғижимлаб олганди. Бола қўрқувдан йиғлар, Хуананинг катта-катта очилган қўзларида даҳшат қотиб қолганди. Кино қулбасини қутқаришнинг иложи ўйқигини билганидан Хуанани саволга тутиб ўтирмади. У ҳамма нарсани англаб бўлганига қарамай, Хуана барибир деди:

— Уйнинг тагини, ҳатто беланчакни ҳам кавлаб чиқишибди. Мен қулба ичидан эканимда ташқаридан ўт қўйиб юборишиди.

Шафқатсиз аланганинг ёлқинлари Кинонинг юзини, ундаги ҳар бир чизиқни ёритиб юборди.

— Ким? — сўради у.

— Билмадим, — жавоб берди Хуана, — аллақандай қора танлилар.

Қўшнилар қулбаларидан отилиб чиқишибган, учайтган учқунларни кузатиб, уларнинг бошқа жойга туташиб кетмаслиги учун оёқлари билан ўчиришаради. Бирдан Кинони қўрқув қамраб олди. Ерқин ёлқинлар унинг дилига ваҳм соларди. У сўқмоқда ўлиб ётган кимсанни эслади-да, Хуананинг қўлидан ушлаб, қоронғулкка тортди. Энди ёруғлик улар учун хавфли эди. Катъий қарорга келмоқ учун бир лаҳзагина кифоя қилди.

Кишлоқнинг пастқам жойларидан Хуанани эргаштириб акаси Хуан Томаснинг кулбаси сари йўналган Кино ўз қарорини ижро этмоқда эди. Ташқаридан катталараппинг қичқириқлари, болаларнинг йифилари эши билар, чунки Кинонинг дўстлари уни ёнаётган кулбадан чиқишга улгуролмаган деб ўйлашарди.

Хуан Томаснинг турар жойи укасиникига айнан ўхшарди. Қамиш кулбаларнинг қарийб барчаси бир хилда бўлиб, ёруғлик ва ҳаво кириб турарди. Кино ва Хуана Хуан Томаснинг кулбаси бурчагидан туриб тирқищдан аланганинг рақкоса тилларини кўриб турешарди. Улар бу алангга ёлқинларининг юқорига гуриллаб сапчиганини, шифтнинг қандай ерга қулаганини, шундан сўнг бу аланганинг худди бир неча қуруқ шоҳ-шаббадан ёқилган гулхандек бирдан ўчиб қолганини ҳам кўриб турардилар. Улар яна дўстларининг қичқириқларини, яқин қариндошлари сифатида уларни ўлган деб дод-вой солаётган Хуан Томаснинг хотини Аполониянинг аччиқ товушини эшитиди.

Рўмоли эскироқлиги эсига тушиб қолган Аполония байрам ва маросимларда ўрайдиган янги шол рўмолини олиш учун уйига югуриб кирди. У девор ёнидаги сандиқни титкилай бошлаганида, қулоғига Кинонинг оҳиста товуши эшитилди:

- Куйинма, Аполония, биз тирикмиз.
- Бу ерга қандай қилиб кириб олдиларингиз, — сўради у.
- Э, сўрама, — деди Кино. — Бор Хуан Томасни бошлаб кел, аммо бошқа ҳеч кимга ҳеч нарса айтиб юрма. Эсингдан чиқмасин, биз учун бу жуда муҳим.

У қўлларини саросима ичра кўксига қўйганча бир неча фурсат туриб қолди. Сўнгра оҳиста жавоб қилди:

— Хўп, бўлади, ака.

Кўп ўтмай, Хуан Томас уйига қайтди. Шамни ёқиб, улар бикиниб ўтирган бурчакка келди-да, деди:

— Аполония, эшикни ёп, ҳеч кимни киритма. — Хуан Томас энг ёши улуғ киши сифатида ҳокимликни ўз қўлига олди.

— Ҳўш, энди нима қилдик, укаажон? — сўради у.

— Коронгуликда менга ҳужум қилишди, — деди Кино. — Олишув пайтида мен одам ўлдиридим.

— Ким у? — сўради дарҳол Хуан Томас.

— Билмадим. Коронгу эди. Ҳеч нарса кўринмасди, англашим қийин бўлди.

— Ҳаммаси марвариднинг дастидан, — деди Хуан Томас. Сенинг марваридингда Иблис бор. Марваридни сотганингда

Иблис у билан бирга кетарди. Балки ҳали ҳам кеч эмасдир. Сотиб, ўрнига ўз оромингни харид қил.

Бироқ, Кино алам билан деди:

— Мени ҳақорат қилишди, ака! Буни унугаш учун бир умр камлик қилади. Қайфимнинг туви тешилган, уйимни ёқиб юбориши. Чанталзорда мурда ётган бўлса, қочиб қаёққа ҳам борарадим. Бизни ўз хонадонингда яширанг-чи, ака!

Кино Хуан Томастга тик боқаркан, унинг кўзларида хавотир, ваҳима мавжудлителини ҳис қилди-ю, унинг рози бўлмаслиги олдин олиб, тезда давом этди:

— Узоқ вақтта эмас. Кун ўтиб, кеч кирсан, тунда биз кетамиз.

— Майли, яшириб турман, — деди Хуан Томас.

— Мен сенинг бошингга кулфат солмоқчи эмасман, — деди Кино. — Ахир мен моховга ўхшаб қолдим. Биз бугун тунда кетамиз. Сен хавфдан холи бўласан.

— Мен сени ёрдамсиз қолдирмайман, — деди Хуан Томас ва қўшиб қўйди: — Аполония, эшикни ёп. Кинонинг қайда эканлиги ҳақида бирорга оғиз оча кўрма.

Эртасига кун бўйин Кино ва Хуана Хуан Томаснинг нимкоронғу кулбасида жим ўтиришиб, ўзлари ҳақида қўшнилари нима дейишаётганига қулоқ тушиди. Тирқищдан қўшниларнинг чўр титиб, улар орасидан куйган суюкларни излаётганини кўриниб турарди. Улар Хуан Томаснинг кулбасида яширинганларича ҳамманинг қайиқнинг тешилгани ҳақида қанчалар ваҳима билан сўзлашаётганини эшитиб турардилар. Хуан Томас туғилажак шубҳаларни тарқатиб юбориш учун бориб одамлар билан суҳбатлашар, Кино, Хуана ва болага нима бўлгани борасидаги ўз мулоҳазаси ва тўқиган ёлғонларини уларга айтар эди. Улардан бирига, ҳатто “Кино билан Хуана устиларида юқ бўлиб ётган тавқи лаънатдан қутулиш учун балки қирғоқ бўйлаб жанубга кетишгандир”, деди.

Бошқасига эса “Кино ҳеч қачон денгиэдан ажралмайди. Балки бошқа бир қайиқ топгандир”, деди-да “Аполония қайғудан тўшакка ётиб қолди”, дея қўшимча қилди.

Кундузи шамол турди. У кўрғаздаги сувни шалоплатар, соҳилдаги сув ўтларини тўзғитиб, кулбаларда гувилларди. Бундай шамолда денгизга чиқсан қайиқ, албатта ҳалокатга учраши муқарар эди. Шунданми, Хуан Томас қўшниларига: “Кино ҳеч қаерда йўқ. Балки у денгизга чиқиб, чўкиб кетгандир” деган фикрни ҳам шипшитиб қўйди. Ҳар қайси чиқишдан сўнг у

Қўлида бирор нарса олиб киради. Похолдан тўқилган сумкада ловия ва қовоқдан ясалган идишда тўлдирib гуруч келтириди. Аллакимдан пиёлада қуритилган қалампир ва бир қути туз қарз олиб, яна узуниги ўн саккиз дюмча келадиган, кичкина болтадек оғир пичноқ топиб келди. Бу пичноқ ҳам қурол, ҳам асбоб бўлиб хизмат қилиши мумкин эди. Уни кўргач, Кинонинг чехраси ёришиб, кафтлари билан пичноқни оҳиста силади, унинг дамини бош бармоғи билан текшириб кўрди.

Кўрфаз узра ҳамон шамол увилларди. Унинг эсишидан сувлар шовуллаб, кўпикланар, мангро дараҳтлари дилгир пода мисоми гоҳ у, гоҳ бу томонга эгиларди. Майда қум зарралари эса соҳил бўйидан чанг бўлиб кўтарилиб, денгиз устида қуюқ буулутга айланганди. Шамол буулутларни тарқатиб, самони тозалар, қумларни худди лайлак ҳор ёғаётганда унинг капалакларини ўйнагандек олдига солиб қувларди.

Оқшом қоронгусида Хуан Томас укаси билан узоқ сухбатлашди:

— Энди қаёққа борасан?

— Шимолга, — жавоб қилди Кино. — Эшитишмча, Шимолда улкан шаҳарлар бор эмиш.

— Соҳилдан узоқроқ бўл, — деди Хуан Томас. — Шаҳарда бутун қирғокни излаб чиқиш учун одам тўплашяпти. Сенинг орtingдан қувлашади. Марварид ҳали ёнингдами?

— Ёнимда, — жавоб берди Кино. — Мен ундан ажралмайман. Мен уни ҳада этишим мумкин эди. Аммо энди у менинг қайфум, менинг ҳаётим, энди мен ундан ажралолмайман. — Ушбу сўзларни айтаётганида унинг қўзларида ғазаб, шафқатсизлик ва алам намоён эди.

Койотито тўсатдан йиғлашга тушди. Хуана унинг жим бўлиши учун афсун айтиб, шивирлай бошлади.

— Кучли шамол бўляпти, — деди Хуан Томас. — Ҳеч қанака из қолмайди.

Улар ой чиқишидан анча илгари, тун қоронгулигига йўлга тушишди. Удумга кўра йўл олдидан Хуан Томаснинг қулбасида сукут сақлаб туришди. Хуана Койотитони шол рўмоли билан ўраб, қўлига кўтариб олганди. У ёноқларини онасининг елкасига босган кўйи ухлаб ётар эди. Шол рўмол болани беркитар, унинг бир учини эса Хуана тунги нам ҳаводан сақланиш учун бурни устидан ўтказиб олганди. Хуан Томас укасини икки бор қучиб, ёноқларидан ўпди.

— Худо сени ўз паноҳида сақласин, — деди у гўё муқаррар үлимга кетаётган одамга айтиладиган ачиниш билан. — Марваридингдан ажралмайсанми?

— Бу марварид менинг жонимга айланди, — деди Кино. — Ундан ажралиш, жондан воз кечищдек гап. Сени ҳам худо ўз паноҳида асрасин.

## VI

Шамол шиддат билан эсади. У Хуана билан Кинонинг юз-қўзларига қуруқ шохчалар қум ва майда тош зарраларини келтириб уради. Улар кийимларига яхшилаб ўраниб, юзларини беркитишиди. Фақат қўзларинигина очиқ қолдиришиб, ташқарига чиқишиди. Шамол буулутларни тарқатиб юборганидан қоронғу самода юлдузлар совуқ чараклаб турарди. Хуана ва Кино биринчи учраган қоровул кўриб қолиш мумкин бўлган марказий кўчалардан йироқроқ жойдан хавфсираф юриб борарадилар. Чунки тунда шаҳардаги барча эшик ва дарвозалар қулфуэулфлар билан маҳкам беркитилар, тунда дайдиб юрганлар эса эътиборга тез чалинмай қолмас эди. Кино пастқам жойлардан юлдузларга қараб, шимол сари суриниб бораради. Ниҳоят, қалин бутазордан ўтилгач, мўъжизакор қиз Мария манзилгоҳи — Лоретога элтадиган тилим-тилим кесилгандек қумлоқ йўлга чиқиб олдилар.

Кино оёқларига қум келиб урилаётганини сезиб, шамол изларини кўмиб бораётганидан қувонар эди. Юлдузлар бутазорлар ичра илгарилаб кетган торгина йўлни хира ёритиб туришарди. Кино ўз ортидан Хуананинг енгил қадам товушларини эшитиб келарди. Қанча тез ва шарпасиз юрмасин, Хуана унга пилдираб етишиб олмоқда эди.

Кинонинг дилида аллақандай нарса ғимирлагандек бўлди. Коронгулик ва тунда кезиб юрувчи иблислар баҳш этгувчи доимий қўрқув ичра ўтиб бораракан, унинг дилига аллақандай тантанавор туйғу тўлқини қуюлиб қелмоқда эди. Вужудига ҳайвонларга хос нарсалар: ҳайвоний сезгирилик, ҳайвоний эҳтиёткорлик, қаҳро туғилар, унинг ҳалқи яшаган асрлар қаъридан алланечук қадимий бир туйғу вужудини забт этишга киришганди. Шамол қадимий ортидан эсар, юлдузлар йўл кўрсатарди. Шамол бутазорларда увиллаб, тентирав, улар эса соатлаб йўл юрганлари юрган эди. Улар йўлда ҳеч кимни учратмадилар. Ниҳоят, йўлнинг ўнг тарафида, осмонда кемтик ой кўринди. У баландга кўтарилиган сари шамол тиниб, замин узра сукунат чўқди.

Тилим-тилим бўлиб кетган тор йўлаклар энди аниқ-тиниқ қўринарди. Шамол эсмаётгани учун ерда оёқ излари қоларди. Бироқ, улар энди шаҳардан анча узоқлашишган, балки изларини бирор топиб ололмас ҳам. Кино торгина сўҳмоқдан одимлар, Хуана эса фақат унинг изларидан юриб келарди. Агар эрталаб йўлдан оғир арава шаҳар тарафга қараб ўтса борми, ҳеч кимса уларнинг бу ердан юрганига шубҳаламаслиги учун шунинг ўзи кифоя қиласади. Улар қадамларини секинлатмасдан тун бўйи юришди. Ярим кечада Койотито уйғониб кетди. Шунда Хуана уни бағрига босиб, аллалаган эди, яна уйқуга кетди. Бироқ зулмат қаърида таъқиб этаётган ёвуз куч ҳамон уларга эргашиб келарди. Уларнинг боши узра қанотларини потирлатиб, бойўғли пастлаб учар, бутазорларда шоғоллар гоҳ ийғлаётган, гоҳ кулаётгандек товуш чиқарардилар. Бир гал ҳатто қандайдир улкан ҳайвон оғир ҳаракат билан буталарни ёриб чиқди-да, шу лаҳзадаёқ кўздан фойиб бўлди. Кино пичоқ сопини қаттиқ сиқаркан, унда ўз ҳимоячисини топгандек ҳис қилди.

Марвариднинг оҳангি Кинонинг қулоқлари остида тантанавор жарангларди. Унинг бағридан сокин Оила қўшиғи сизиб чиқар, ҳар икки оҳанг ковушнинг қумдаги енгил шитирлашига қўшилиб кетган эди. Кино ва Хуана тун бўйи юришдан тўхташмади. Субҳидамда Кино яшириниш учун жой излашга киришди. Ана шундай жой йўлақдан унча узоқ бўлмаган ердан топилди. Балки илгари буғуларга ётоқ бўлган буталар орасидаги бу кичик сайҳонлик, дараҳтларнинг қуриган шоҳлари билан иҳоталанганди. Хуана Койотитони эмизиш учун ерга жойлашиб ўтириб олгач, Кино яна йўлга қайтди. У шоҳ-шабба синдириб олиб, бутазорга бурилиб жойдаги изларни кўма бошлади. Тонг қоронғусида у фидирақларнинг гичирлашини ёшлиб, буталар орасига яширинди. Ёнидан оғир шоти қўшилган арава ўтиб кетгунча жойидан жилмади. Арава кўздан фойиб бўлгач, у буталар орасидан чиқиб, йўлакка қаради. Ўзларининг излари кўмилиб кетганини кўрди. Сўнгра янги изларини кўмиб Хуананинг ёнига қайтди.

Хуана унга йўлга чиқиши олдидан Аполония берган юмшоқ жўхори нонини тутқазди-да, ухлашга ётди. Бироқ Кино ухламасди; Хуананинг ёнида бошини пастга әгиб ўтиради. У ерда тизилиб кетаётган чумолиларни томоша қилиб турди-да, сўнгра оёқларини олга узатди. Чумолилар бу тўсиқдан ошиб ўтиб, ўз йўлларини давом эттиридилар. Кино бўлса, ўриндан қўзғалмай, оёғидан уларнинг ошиб ўтишига тикилиб турарди.

Куёш эндиликда атрофни қиздира бошлаганди. Улар кўрғаздан йироқлаб кетишган, бу ерларда ҳаво шундай қуруқ ва ҳароратли эдик, офтобда қизиган бута гоҳ-гоҳида чайқалиб, қорамойникига ўхшаш ҳид таратарди. Куёш самога баланд кўтарилиб, Хуана уйқудан уйғонганида, Кино унга азалдан маълум нарсани уқтиришга киришиди.

— Ҳу, аnavидан узоқроқ бўл, — деди у пастаккина дараҳтни кўрсатиб. — Унга қўл теккиза кўрма. — Агар тегиниб, кўзларингни артсанг, кўр бўлиб қоласан. Танасидан қонсимон суюқлик оқаётган дараҳтларга ҳам яқинлаша кўрма. Кўрайапсанми? Ана, ўшанақалардан биттаси. Агар унинг танасидан бир новда синдирсанг, синган жойидан қон оқади. Бу баҳтсизлик келтиради. — Хуана уни ёшлиб, жимгина бош иргаб, сезиларли табассум қилди. Чунки унинг ўзи бу нарсаларни яхши билар эди.

— Ортимиздан қувишармикан, нима дейсан? — сўради Хуана. — Извашармикан?

— Извашади, — жавоб қилди Кино. — Бизни топган одам марваридга эга бўлади. Албатта қидиришади.

— Балки олибсотарлар рост гапиришгандир, — деди Хуана. — Бу марварид ҳеч нарсага арзимас? Биз бекорга ўзимизни ўзимиз алдаб юргандирмиз?

Кино қўлинни қўйнига тиқиб, марваридни чиқарди. Ундаги қўёш акси шу қадар ярқираб кетдики, беихтиёр кўзларини юмиб олди.

— Йўқ, — деди у. — Ҳеч нарсага арзимайдиган марварид бўлса, уни ўғирлашга, тортиб олишга бунчалар киришмаган бўлар эдилар.

— Сен ўзинг ким ҳужум қилганини биласанми? Нахот улар олибсотарлар бўлишса?

— Йўқ, билмадим, — жавоб берди у. — Қоронғуда кимлигини таниёлмадим.

У илгариги, орзу этган нарсаларини кўриш учун марваридга тикилиб қолди.

— Буни сотсак, карабин сотиб оламиз, — деди у ярқирайётган марварид сиртида миљтиқ аксини қидирапкан. Аммо миљтиқ ўрнига унга ҳалигина йўлакда тиришиб ётган жасад ва унинг кесилган бўғзидан тирқираб оқаётган қон кўринди. У яна шошилиб қуйидаги сўзларни такрорлади: — биз улкан черковда никоҳдан ўтамиз. — Бироқ, марваридда юзлари тилинган

Хуананинг тунда кулба томон кетаётган лаҳзаси намоён бўлди.  
— Бизнинг ўғлимиш ўқишини ўрганади, дея алам билан қичқирди у. Марваридда бўлса, Койотитонинг шишган юзи, худди доктор берган доридан сўнг бўлганидек титроқда, кўзлари жонхолатда чақнаётгани кўринди.

Кино марваридини яна қўйнига яширганида марварид қўшиғи ёвузлик қўшиғи билан қоришиб, қулоқлари остида машъум чинқириққа айланди.

Кўёш шу қадар қиздирар эдикки, Кино ва Хуана ялангликдан кулранг қушлар паноҳ излаб учиб-қўниб юрган жойдаги буталар соясига кўчиб ўтишди. Қундузи офтоб ҳарорати қиёмага етганда Кино чўзилиб, шляпаси билан кўзларини пана қилиб, юзини пашшалардан бекитиб ёпиб олди-да, уйқуга кетди.

Аммо Хуана ухламас эди. У ягона ифода қотиб қолган нигоҳи билан худди тош ҳайкалдек ҳаракатсиз ўтиради. Кинонинг мушти зарбидан ёрилиб кетган лаблари ҳамон шишинқираб тураг, тилинган ияги атрофида чивин гўнгиллаб айланишарди. Бироқ Хуана ҳамон қимирламай ўтиради. Койотито уйкудан уйғонгач, уни ерга қўйди. Гўдак қўлчаларини силкитар, оёқларини ти-пирчилатиб, тушунарсиз товушларда ғулдира, кула бошлади. Ниҳоят Хуана ҳам унга қараб кулди. Ердан кичкина новдacha олиб, Койотитонинг товонларини қутиқлашга киришди. Сўнгра қовоқ идишни очиб, ўғлига сув берди.

Кино тушида алаҳлаб, бўғиқ товуш билан бақириб юборди. Унинг қўли худди муштлашаётгандек ҳавога силтанди. Сўнгра оғир ингранди-да, бирдан бошини қўтариб, тез-тез нафас олганича кўзларини катта-катта очиб, тўғри олд томонга тикилиб қолди. Вужуди қулоққа айланди. Чангальзордан буталарнинг шатирштури, фазонинг бир маромдаги чийиллашигина эшитиларди.

— Сенга нима бўлди? — сўради Хуана.

— Жим, — деди у.

— Тушингга киргандир.

— Балки шундайдир, — Кино Хуанага шундай жавоб қиласда, бироқ ўзининг қўнгли жойига тушмаганди. Хотини ғамлаб қўйилган нарсалари орасидан жўхори нонни узатганида ҳам гоҳ-гоҳида уни чайнашдан тўхтаб, атрофга қулоқ тутарди. Ҳавотир уни тарқ этмаганди. У елкаси оша атрофга аланглаб, ердан узун пичоғини олди-да, дамига бармоқларини теккизиб кўрди. Койотито яна чулдирай бошлаганида Хуанага:

— Тинчтсанг-чи! — деди.

— Нима бўлди? — сўради Хуана.

— Билмадим.

Кўзлари чақнаб, яна атрофга қулоқ солди. У ўриндаң шарпасиз турди-да, эгилиб, буталар орасидан йўл томонга юрди. Йўл лабига етгач, тўхтаб, тиканли бута тагида ётиб олди. Хуана билан биргалиқда келган тарафга боқди.

Ниҳоят уларни кўрди. Бутун вужуди ҳаракатдан тўхтаб, бошини пастга осилган новдалар панасига эгди. Иироқдан учкиши — икки пиёда ва бир отлиқ кўринган эди. Кино бу кишиларнинг кимлигини билар ва қўрқувдан бутун вужуди музга айланганди. Ҳатто мана шу узоқ жойдан ҳам икки пиёданинг ерга эгилиб, секин одимлаётганини кўриш мумкин эди. Уларнинг бири алланарсага нигоҳи тушиб тўхтар, иккинчиси ҳам унинг ёнига бориб ўша ерга тикиларди. Улар изқуварлар, ҳатто харсангли қояларда тоғ эчиларини ҳам изидан топа оладиган айғочилар эдилар. Улар итдек сезгиrlар. Балки Хуанами, ёки унинг ўзими қаердадир йўлақдан четга оёқ босгандир. Мана шу изқувар кишилар қумдаги ўт-ўланларнинг билинар-билинмас синигидан уларнинг изларини топиб олишар. Улар ортидан отда бир қора танли келарди. У бурун катаclarinи адёл чети билан беркитиб олган, эгарга кўндаланг ҳолда ушлаган милтигининг оғзи қуёшда ярқираб кетарди.

Кино шу қадар тинч ётарди, уни бутоқлардан сира ажратиб бўлмасди. У нафасини ичига ютиб, ҳалигина изларини қўмиб келган томонга нигоҳини қаратди. Ҳатто теп-текис, бир хилда ётқизилган қум ҳам изқуварларга кўп нарсадан дарак бериши мумкин. Бу тоғлик овчиларни, жосусларни у яхши биларди. Ов кам ерларда улар ўз моҳирликларини бошқа нарсаларга ишлатишаради. Мана энди улар Кино ва Хуанани овлашга чиқишибди. Икки пиёда йўл бўйлаб ҳайвондек тимирскilanar, бирор бир белги топилганида, ерга эгилишарди. Бундай пайтда отлиқ ҳам тўхтар эди.

Овчилар янги из топилганида итдек изғиб қолардилар. Кино қўлмарини узун пичоғи сари оҳистагина узатиб, уни ёнига олиб қўйди. У нима қилиши лозимлигини биларди. Мабодо бу жосуслар қўмилган изларни пайқаб қолишиса, бундай ҳолда у отлиққа ташланиб, уни ўлдиради-да, милтиқни қўлга киритади. Бу — қутулишнинг ягона чорасидир. Улар яқинлашиб келаркан, Кино ковушининг пошнаси билан қумда чуқурча ўйди. Бу — отлиққа сакраётганида оёғига таянч бўлиши учун қилинарди.

Пастга ниҳоятда осилиб қолган новда йўлни беркитиб, уни кўришга халал берарди.

Буталар орасида ўтирган Хуана от туёқларининг енгил дупурини эшигтан заҳоти Койотито яна чулдирай бошлади. У дарҳол болани қўлига олиб, шол рўмоли билан пана қўлди-да, сийнасини унинг оғзига солди. Бола тезда тинчиди.

Изтопарлар янада яқинроқ келишганида Кино энди осилиб турган новда остидан уларнинг ва отнинг оёқларинигина қўриб турарди. Унга қора ғадир-бутир товонлар, шимларининг оқ лахтаклари кўриниб, ҷарм эгарнинг гичирлаши, отлиқнинг пошинасига тақиған темир тепкининг тақиљлаши эшигиларди. Қўмилган излар олдига етиб келишганда пиёдалар тўхтаб, бу жойни диққат билан қўздан кечира бошлашди. Суворий ҳам улар олдига етиб келгач, тўхтади. От юганини бўшатишларини сўраб, бошини кескин силкитди. Бу лаҳза унинг оғзидағи сувлиқ тишларига тегиб, жаранглаб кетди. От беихтиёр пишқириб юборди. Изтопарлар бирдан қад ростлаб, отга, айниқса унинг қулоқларига назар солдилар.

Кино нафас олишдан тўхтади. Бироқ, унинг бели бир оз букилиб, қўл ва оёқларининг пайлари таранг тортилди, юқориги лабиннинг устига тер сизиб чиқди. Изтопарлар узоқ вақт тикилиб ниҳоят яна оҳиста йўлда давом этдилар. Аммо, улар ҳамон қумдан қўз узишмас, суворий эса улар ортидан ҳара-катланарди. Изтопарлар тезроқ юришга тушишди. Аввалига беш-олти одим ташлаб, тўхтаб атрофга аланглашишарди-да, худди югураёттандек яна бир неча қадам ташлашарди. Кино уларнинг қайтиб келишини биларди. Улар энди мана шу жойда айланышаверишади, одимларини секинлатиб, йўлга эгилишади, қўздан кечиришади — ҳамма жойни тинтиб, эртами-кечми яна излар қўмилган жойга қайтишади.

У ҳатто оёқ изларини йўқ қилишга ҳам уринмасдан, буталар орасига сирғалиб кирди. Зеро бунинг фойдаси ҳам йўқ эди. Чунки синдирилган новдалар, титилган қумлар, ўридан қўзғатилган тошлардан иборат ҳаддан зиёда белгилар қолдириб бўлинган эди. Энди унинг хаёлида ягона — қочини фикри ҳукмрон эди. Бу жосуслар уларнинг изларини топишини у биларди. Фақат бир йўл қолганди — қочиш. Буталар орасидан шовқинсиз одимлаб бораркан, у Хуана ўтирган жойдан чиқди. Унга савол назари билан боқаркан:

— Жосуслар, — деди у. — Кетдик.

Бирдан уни ожизлик, умидсизлик туйғулари қамраб олдики, бундан юзлари баттар қорайиб Хуанага термулди.

— Балки уларга таслим бўлганимиз яхшироқдир?

Хуана ўрнидан сақраб туриб, қўлини унинг қўли устига қўйди.

— Марваридчи? — бўғиқ қичқирид у. — Наҳотки уларни ўғирлиқда айблашингга имкон яратиш учун сени тирик олиб кетишиша?

Кинонинг қўли ҳолсизгина марварид яшириб қўйилган қўйнига йўналди.

— Барибир тортиб олишади, — деди у аранг эшигиладиган даражада.

— Кетдик, кетдик! — деди Хуана ва жавобни кутмай давом этди: — Наҳотки сен мени тирик қўйиб юборишларига ишонсанг? Наҳотки боламизни омон қолдиришларига амин бўлсанг?

Ушбу сўзлар маъносини Кино идрок этди. Унинг тишлари ғижирлаб, қўзлари ваҳшат билан чақнади.

— Кетдик, — деди у. — Биз тоққа чиқиб кетамиз. Тогда улар бизни балки топиб олишолмас.

Кино талваса ичра ерда ётган қовоқ идишни ва ғамланган нарсалар жойлаштирилган халтачани шошилинч йифиштиришга киришди. У чап қўли билан халтачанинг оғзини тугар, ўнг қўлида эса пичноқ бор эди. Кино буталарни эгиб, Хуананинг олдинга ўтиб олишига имкон яратди. Сўнгра улар баланд яланғоч тоғлар кўкка бўй чўзган фарб тарафга йўл солдилар. Қарийб югураёттандек тезлик билан бутазордан ўтишди. Бу — жон сақлаш учун ортга қарамай қочиш эди. Кино ҳатто эҳтиёткорлик чораларини қўришга ҳам уринмасди. У сойлиқдан чиқишига интиларкан, оёқлари остидаги тошларни улоқтиради, новдалардаги япроқларни юлиб борарди. Тошу буталар эса хоинона алғозда Кинонинг юрган йўлидан белги олиб қолардилар. Тиккага келган қуёш чақнаб, катқалоқ заминга шу қадар нур ёғдиради эдик, ўт-ўланлар бунга дош беролмай чирсиллаб синарди. Бироқ олдинда яланғоч гранит тоғлар қад кўтариб турарди. Улар синган қоялар узра юқорилаб, тўппа-тўғри самога бўй чўзгандилар. Кино ўзга ҳайвонлар таъқибдан беркиниш учун қилгани каби мана шу чўққиларга интиларди.

Бу жойлар сув етмас, қақроқ ерлар эди. Бунда фақат сувни узоқ сақлаб тура оладиган кактуслар, нам излаган узун илдиэлари

тупроққа синтиб кетган, оз сувга ҳам қаноат қиладиган буталаргина ўсардилар. Бу жойларда тупроқ кўринмас, фақат тошлар, уларнинг сув силиқламаган катта-катта бўлаклари, кичик парчалари кўзга ташланарди. Тошлар орасида сўлғин, қуруқ ўтлар кўрганди. Бу ўтларга япроқ ёзиш, уруг чаноқчасини яратиб, ерга уруг тўкиб, сўнгра униш учун биргина ёмғир кифоя қиласди. Бадқовоқ қурбақалар аждарникисимон бошини аланглатиб, Кинонинг оиласини кузатардилар. Вақти вақти билан соялаб ётган каттагина қўёnlар қадам товушидан чўчиб, отилиб чиқар, бир оз четроққа ўтиб, яқинларидаги тош ортига бекиниб қўя қолардилар.

Саҳрова жазирама иссиқ ҳукм сурар, гранит тоғлар эса узоқдан жуда салқин, оромбахшдек туюларди.

Кино қочишга, жонини хавфдан паноҳ этишга киришганди. У изма-из қувиб келаётганлар қай тарзда ишлашини яхши биларди. Жосуслар йўл бўйлаб яна бир оз юардилар-да, из йўқолганига иқор бўлишгач, ортга қайтишади. Яна ҳар бир бутани кўздан кечириб, тинтиб, тезда у билан Хуана дам олиш учун тўхтаган жойни топиб олишади. Сўнгра, иш жуда осон кўчади — қаёққа йўл солгандарини майдо тошчалар, юлинган япроқлар, синдирилган новдалару, оёқ босилганидан чуқурча бўлиб қолган қум юзасидан билиб олса бўлади. Кино уларни кўз ўнгиде кўриб тургандек эди: улар изма-из шошилиб, ҳовлиқ-қанларидан бир оз тентираб келадилар. Улар ортидаги қора танли, милтиқ кўтарган суворий бўлса бу воқеаларга эътиборсиз эди. Вақти келиб у ҳам ўз ишини адо этади. Чунки шаҳарга энди уларнинг ҳеч қайсиси қайтолмайди. Эҳ, Кинонинг қулоқларига энди ёвузлик қўшиғи, ҳароратнинг шангиллашию, шакилдоқ илоннинг қуруқ тарақлашига омухта бўлиб аниқ янграмоқда. Мусиқанинг кенглиги ва қуввати энди сезилмасди. Бу оҳанг энди заҳардек сезидирмасдан ҳалокатбахш бўлиб борар, Кинонинг юрақ уриши ҳам мана шу мусиқага жўровоз ва ҳамоҳанг эди. Йўл тобора тиклашар, тошлар эса борган сари катталашиб борарди. Бироқ энди изтопарлар билан Кино оиласи орасидаги масофа узаймоқда эди. Тиккага кўтарилиш ўртасида Кино дам олиш учун тўхтади. У улкан тош парчасига чиқиб олиб, орқасига, — ҳароратдан титраётган ҳаво қўйилаётган томонга қаради. Аммо, хоҳ пиёда бўлсин, хоҳ отлиқ, — душманларни кўрмади. Хуана улкан тош парчаси соясида оёқларини чалиш-тириб, ўтириб олди. У Койотитонинг лабларига

сув солинган идишни тутди: унинг сувсизликдан қуруқшаб қолган лаблари идишнинг оғзиға ёпишди. Кино пастга сакраганда Хуана ниго-ҳини унга қаратди: Кино унинг тилинган, тошлар ва буталар кесиб кетган оёқларига қараётганини сезгач, тезда оёқларини юбкаси билан беркитиб олди. Сўнгра унга идишни узатган эди, Кино бош чайқади. Хуананинг кўзлари, чарчоқдан оқариб кетган юзлари узра ёрқин чараклаб турарди. Кино қуруқшаган лабларини тили билан ялади.

— Хуана, — деди у. — Мен нарироққа бораман. Сен шу ерда бекиниб, кутиб тур. Мен уларни тоғларда адаштириб келаман. Улар сенинг ёнингдан ўтиб бўлишгач, Лоретога ёки Санта — Росалияга жўна. Кейин, агарда мен улардан қочиб қутулолсам, сени топиб оламан. Бу — бизнинг қутилишимиз учун ягона йўл.

Хуана унинг кўзларига узоқ тикилди.

— Йўқ, — деди у, — биз бирга бўламиз.

— Бир ўзим бўлсанам тезроқ юраман, — деди Кино кескин.

— Агар бирга борсан, бола учун бу янада хавфлироқ бўлади.

— Йўқ, — деди Хуана.

— Тортишма, шундай қилиш керак, менинг ҳоҳишим шундай.

— Йўқ, — такрорлади яна Хуана.

Кино унинг юзидан ожизликнинг, қўрқувнинг, иккиланишнинг заррача бўлсин нишонасини қидирди, бироқ топмади. Хуананинг кўзлари ёрқин чақнаб турарди. Шунда у иложсиз елкасини қисди. Аммо, Хуананинг журъати Кинога қувват берди. Илгарилаб юришда давом этаётганларида энди уларнинг ҳаракатини ўнгў сўлга қарамай қочиш деб атаб бўлмасди.

Тоғларга яқинлашган сари атрофдаги нарсалар ҳам ўзгара бошлади. Кичик тошлар ўрнини оралиғи чуқур жарликлардан иборат узун гранит қатламлари эгаллай борди. Кино эса бир қатлам устидан иккинчисига сакраётганида мумкин қадар уларнинг из қолмайдиган силлиқ юзасига келиб тушишга интиларди. У жосуслар изни йўқотган жойларда узоқ вақт айланаверишини, бу уларнинг талай вақтини олишини яхши биларди. Энди у токқа ҳам тик йўл солмас, айланаб ўтар, баъзан жанубуга бурилиб, бирор-бир из қолдирав, сўнгра эса ялангоч гранит қатламлар олдига қайтарди. Кўтарилиш борган сари тиклашарди. Кинонинг нафаси билин-билинмас қисила бошлади.

У энди ҳеч қаёққа қайрилмасдан тоғ тиэмаларининг олдида

Қорайиб кўринаётган чуқур ёриқлар сари тўғри юра бошлаганида қўёш гранит тоғларнинг ялангоч тишларига тегай-тегай деб қолган эди. Агар бу ерларда сув мавжуд бўлса, уни фақат бирор нарса кўкариб турган жойдангина излаш керак. У ҳозир узоқдан бўлса-да, яшил бир нарсани кўриб қолганди. Мабодо силлиқ гранит тизмалари ичра бу ёққа ўтадиган жой бор бўлса, уни ҳам ёриқ қоялар олдидан излаш керак. Тўғри, бу хавфли эди. Чунки ана шундай фикр изтопарларнинг ҳам хаёлига келиши мумкин. Бироқ бўшаб қолган идиш уларга бошқа чора излашга имкон бермасди. Шу сабабли қўёш тоғлар ортига ўтиши биланоқ Кино ва Хуана оёқларини ҳорғин судраганларича олдинда кўринган дара сари сермашаққат чиқишини бошладилар.

Тоғлар баландлигига, туртиб чиқиб турган кулранг гранит остидаги торгина ёриқдан жажжигина жилга шилдираб оқарди. У осилиб турган улкан қоятошлар соясида бутун ёз бўйи эриб тугамаган қор бағридан сизиб чиқмоқда эди. Жилғача вақти вақти билан қуриб, сув ўтлари тўшалган тош ўзани яланғочланар, бироқ кейин яна совук, тоза, мусафро сув йигилгач, оқишида давом этарди. Қисқа жала қўйган кунлари у, ҳатто кучли оқимга айланиб, жарлик бўйлаб қўпикланиб пастга интиларди. Аммо, узоқ вақт бундай оқишига қуввати етмас, йилнинг асосий қисмида нозик тизимча бўлиб оқиб ётарди. Баъзан сув кичик ҳовузчаларга тўпланиб, юз футлик баландлиқдан бошқа бир шунга ўхшаш ҳовузга қўйилар, ундан тошиб, яна ҳовуздан ҳовузга қўйилиб, ниҳоят тоғ этагидаги тошлоқ заминга изсиз сингиб кетарди. Аслини олганда иш, ҳатто сингишгача ҳам бориб етмасди. Зеро, сув тик қояларга урилиб оқаркан, жазира маҳалла сувларни қондирап, сачраган томчиларни эса сувсиликдан ҳолсизланиб ётган ўсимликлар симирадилар. Ҳайвонлар ҳам бу кичик ҳовузчаларга келишини канда қилмасдилар. Тоғ эчкилари, охулар, ёввойи мушуклар, ёнут ва сичқонлар йироқ-йироқлардан бу сувлоққа келишарди. Кундузи буталар орасида жон сақдаган қушлар ҳам оқшомда тик тоғ қояларидаги зинага ўҳшаб ўйилган бу ҳовузчалар лабига учиб келардилар. Жилғачанинг ўзанида гоҳо қум ва тупроқ қуйқалари йигилиб қоларди. Қаердаки илдиз отиш мумкин бўлса, ўша ерда бирор нарса — ёввойи токми, калтагина палмаларми, қирққулоқлар, гибискус ёки узун поясида юмшоқ попути мавжуд ўтларми, ўсиб чиқарди. Ҳовузчаларда эса қурбақалар, сув қўнғизлари яшашар, унинг тубида эса чувал-чанглар судралардилар. Сувни хуш кўрадиган барча нарсалар

мана шу кичик қўлмакчаларга интиларди. Ёввойи мушуклар бу ерга келиб ов қилишар, қон юқи тишларини чайиб, сувни ялашарди. Улар келиб кетишганидан сўнг ҳар гал атрофга қуш патлари сочилиб қоларди. Бу кичик ҳовузчалар ёнидан асло ҳаёт изи ўчмас, зеро бу ерда сув мавжуд эди. Ҳудди ана шу сабабга кўра бу ерда ҳар куни бир-бирини ўлдиришлар содир бўларди.

Юз фут баландлиқдан тушиб келаётган шаршара тошлоп чўлга ёйилиб, сингиб кетишидан олдин қўйиладиган энг пастдаги ҳовузча олдида гранит майдонча бор эди. Гранит майдонча сирти қум қатлами билан қопланган бўлиб, бу тарафга жилғача бир қатимгина бўлиб оқиб келарди. Ҳовузчанинг қуриб қолмаслиги ҳамда тик қоялар остидаги калта ўтлар, қирққулоқлар ва гранитта чирмашиб, қоялар сари тик ўсаётган ёввойи токлар учун ана шу сувнинг ўзи ҳам кифоя қиласди. Баҳорги оқимлар бу ерда қумлоқ саёзлик ҳосил қилган бўлиб, ҳовузча лабидаги нам қум юзини яшил бақатўнлар қоплаганди.

Бу саёзлик сувлиқка ов қилгани келган ҳайвонларнинг оёқлари билан кавланган, пайдон қилинган ва увадаси чиқариб ташланган эди. Кино ва Хуана ғадир-будир ва тик кўтарилишини ортда қолдириб, ниҳоят сув лабига етиб келганларида қўёш гранит қоялар ортига тўла беркиниб бўлганди. Ушбу майдончадан бутун саҳро, ҳатто йироқда кўм-кўк ялтираб турган кўрфазгача кафтдагидек кўриниб турарди. Ҳовузча қошига улар сўнгги кучлари билан етиб келандилар. Хуана тиззалаб, тап этиб ўтиракан, аввало Койотитони ювинтириди. Сўнгра эса идишини сувга тўлдириб, унга ичирди. Бола ҳам ҳолдан тойганидан қайсарлик қиласди. Хуана сийнасини тутмагунча йигидан тинмади. Сўнгра эса сийнага ёпишиб, тамшана-тамшана тилчаси билан сўришга тушди. Кино ҳовузчанинг ўзидан ютоқиб сув симириди. Кейин Хуананинг болани әмизишига қараб ётди, пайларига ором берди. Бироқ, дақиқа ўтмай ўрнидан турди-да, жилғача бўртиб турган гранит четидан қўйилаётган жойга яқин келиб, пастликдан ястаниб ётган саҳрони дикқат билан кўздан кечирди. Ниҳоҳи алланарсага қадалиб, қотиб қолди. Йироқдаги пастликда икки изтопар кўринди: улар ҳудди нуқтадеккина бўлиб, чумолидай ўрмалаб келар, орқада эса учинчи — каттароқ чумоли ҳам намоён бўлганди.

Хуана қайрилиб, унинг кифтлари таранглашганини кўрди.  
— Узоқдами? — хотиржам сўради Хуана.

— Кечга томон шу ерда бўлишади, — деб жавоб қилди Кино. У юқорига — қоялардаги сув оқиб келаётган узун ёриқ-қа нигоҳ ташлади. — Гарб томонга юриш керак, — деди у, ёриқдан бироз ўнгроқда жойлашган кулранг гранит бағридаги камарга диккат билан тикилиб. Ўтиз футча баландликда, қоя бағрида форга ўхшаш бир неча кичик ўйиқлар борлигини илгади. У ковушларини ечиб, оёғининг бармоқлари билан гранитнинг нотекис ўйиқларига таянганича юқорига тирмашиб, форлар олдигача чиқиб борди. Уларни кўздан кечирди. Ўйиқлар пастга энган тизмаларнинг қўшилиш жойида нураш туфайли пайдо бўлган чуқурликлар эди. Кино энг катта фор ичига кириб, ётиб кўрди. Ташқаридан ҳеч ким кўрмаслигига ишонч ҳосил қилгач, тезда Хуананинг ёнига қайтди.

— Ўша ёқса чиқ. Балки бизни тополмаслар, — деди у.

Хуана ҳеч бир сўз демай қовоқ идишини лиммо-лим қилиб сувга тўлдирди. Кино унинг форга чиқиб олишига кўмаклашди. Сўнгра ғамлаб келган ҳўракларини ҳам йигиштириб, ўша ёқса олиб чиқди. Хуана фор оғзидан кузатиб турарди. У Кинонинг қумдаги изларини кўммасдан, узум новдалари ва қирқулоқларни юлганича ҳовузчанинг чапроғидаги қаққайган тош устига чиқиб олганини кўрди. Навбатдаги гранит тош туртиб чиқкан жойга етиб келгач, у худди ўша йўл билан пастга тушди. Ўйиқлари бўлса-да, аслида юзаси силлиқ гранит устини из қолмадимикин, деган ховотирда кўздан кечиргач, ниҳоят унга тирмашиб, Хуананинг ёнидан ўрмалаб фор ичига кирди.

— Улар етиб келишгач, биз бу ёқдан сездирмай адирга тушиб кетамиэ, — деди Кино. — Бола йигламай турса бўлгани эди. Караб тур, миқ этган товуш чиқара кўрмасин.

— Йигламайди, — деди Хуана ва иккала қўли билан Койотитонинг бошчасини кўтарар экан, унинг кўзларига тикилди. Бола ҳам унга улуғвор нигоҳ ташлади. — У йиглаш мумкин эмаслигини яхши билади.

Кино чалиштирилган қўлларига иягини босган кўйи фор оғзида чўзилиб ётар, тоғ қояларининг кўкимтири сояси пастдаги чангальзордан Кўрғазгача чўзилиб, узун нишаблик ҳосил қилиб, замин узра ёйилиб бораёттанини кузатиб турарди.

Жосуслар анча вақтгача кўринишмади. Афтидан, Кинонинг изларини топиш уларга осон бўлмаётган кўринарди. Улар туртиб чиқкан гранит тош устидаги кичик ҳовузча лабига етиб келишганида атрофга қоронгулик чўка бошлаган эди. Энди

изтопарларнинг ҳар учаласи ҳам пиёда келишарди. Чунки от сўнгги тик қоядан ўтломаслиги мумкин эди. Юқоридан улар миттигина бўлиб кўринардилар. Иккитаси ҳатто сув ичаричмас кичик қум саёзлигини кўздан кечира бошлашди. Улар Кино ҳовузчанинг чапроғидаги туртиб чиқкан тош устида қолдирган изни кўриб қолдилар. Милтиқ ушлаган учинчи киши дам оларди. Сув ичиб бўлишгач, қолган иккитаси ҳам оёқларини чалиштириб, унинг ёнига ўтиришди. Энди улар чўккан жойда уч сигаретнинг чўги гоҳо яшнаб, гоҳида тун қоронгулигига сингиб йўқоларди. Сўнгра Кино уларнинг овқат ейишга киришганларини кўрди. Унинг қулоғига овқатланаёттганларнинг оралиқ масофа узоқлигидан майнлашган саси эшитилиб турарди.

Тез орада тоғ чўққиларига қуюқ қора тутун ўрлади. Ҳовузчага келишни канда қилмайдиган ҳайвонлар бугун ҳам ташриф буоришиди. Бироқ, у ерда одамлар борлигини сезиб, қоронгулик қаърига сингиб кетишиди.

Кино ортда кимнингдир шивирини эшитди.

— Койотито! — шивирлади Хуана. У боласини тинчлантириш билан овора эди. Кино ҳиқиллашни эшитиб, товушдан Хуана болани рўмоли билан беркитганлигини сезди.

Пастдаги саёзликда гуттурт чақилди. Унинг оний шуъласида Кино изтопарларнинг иккитаси итдек ғужанак бўлиб ухлашаёттанини, учинчиси эса қоровуллик қиласёттанини кўришга улгурди. Гуттурт шуъласида унинг қўлидаги милтиқ ярақлаб кетди. Гуттурт чўпи ёниб бўлган, аммо Кинонинг қўзлари ҳамма нарсани эслаб қолганди. У ҳали ҳам бу кимсаларнинг ҳар бирини алоҳида қўриб турарди: иккитаси ғужанак бўлиб ухлар, учинчиси эса оёқларини чалиштириб, милтигини тиззалири орасига олиб ўтиради.

Кино товуш чиқармай, форнинг ичкари тарафига суринди. Хуананинг қўзларида самонинг энг пастида турган юлдуз акс этар, ҳар иккала қўз икки учкун сингари чақнарди. Кино унинг олдига эмаклаб борди. Лаблари Хуананинг ёноқларига тегай-тегай деб қолди.

— Мен нима қилиш лозимлигини биламан.

— Сени ўлдириб қўйишиади.

— Анави милтиқ ушлаб турганининг ёнига сездирмай бориб олсайдим... — шивирлади Кино. — Аввал ўшани бир ёқлик қилиш керак... шунда ўлдиришолмайди. Қолган иккитаси ухлаб ётибида.

Хуананинг бармоқлари рўмоли остидан чиқиб, унинг қўлларини силади.

— Оқ кийимдасан, юлдуз шуъласида улар сени кўриб қолишиади.

— Йўқ, — деди у. — Бу ишни ой чиққунга қадар амалга ошириш керак.

Кино Хуанага айтиш учун мулойимроқ сўё қидирди, аммо тополмади.

— Агар мени ўлдиришса, сен шу ерда қўзғалмай ўтири, — деди у.

— Улар кетиб бўлишгач, Лоретога бор.

Кинонинг қўлларини қисаётган бармоқларга бир оз титроқ кирди.

— Илож қанча? Бошқа йўл йўқ, деди у. — Улар барибир бизни топиб олишиади.

Унинг товушлари ҳам титраб кетди.

— Худо ўз паноҳида асрасин, — деди Хуана.

Кино унга нигоҳ ташлаб, катта-катта кўзларни кўрди. Унинг қўли узалиб, болани пайпаслаб топди. Кафти Койотитонинг бошчаси устида бир дақиқагина тўхтаб турди. Сўнгра Кино қўлинни баландлатиб, Хуананинг ёноқларига текиэди, олган нафаси кўксини кўйдириб юборди.

Хуана юлдузи осмон саҳнида Кино эгнидаги оқ либосини ечаётганини аниқ кўриб турарди. Кир ва йиртилган бўлишига қарамай, у барибир тун қоронғусида Кинони рақибга билдириб қўйиши мумкин эди. Сарғиш бадани унга зўр ҳимоя бўлади. Сўнгра Хуана унинг мугуздан қилинган пичоғи сопи атрофидаги осқичга бофич бойлаётганинг кўрди. Энди пичноқ Кинонинг бўйнида осилиб, икки қўли эса бўш қолади.

Кино Хуананинг олдига қайтмади. Унинг андак әгилган комати фор оғзида бир кўриниб, гойиб бўлди.

Хуана ҳам фор оғзигача сурилиб келиб пастга қаради. У ғранит тош камаридаги индан бойўғлидек боқар, боласи эса унинг елкасига ёнбошлаб ухларди. У ўғлининг иссиқ нафасини бўйнида ҳис қилиб турар, гоҳ дуо, гоҳ афсун, гоҳида Биби Марям ибодатларини ёд ўқиб, инс-жинсларни, қора кучларни ҳайдарди.

Хуана фордан қараган чоғида тун ёришгандек бўлди. Осмоннинг ой чиқиши тарафи шуълалана бошлади. Хуана пастга

боқиб, қоровуллик қилаётган кимсанинг сигарета чекаётганини кўрди.

Кино сиљлиқ ўйиқдан калтакесақдек оҳиста ўрмалаб борарди. У тошга урилиб жарангламаслиги учун бўйнига осилган пичноқ боғичини тортиб, орқага ташлаб қўйди. Унинг панижалари тоғ нишаблигининг ғадир-будур юзасига тирмашган, кўкси тош сиртида суринарди. Тоғдан тушиб кетишдан қўрқиб, яланг оёқлари билан оҳиста таянч излаб борарди. Зоро майда тошчанинг чиқиллаши, ногаҳон тортилган “уф”, ғранитта эҳтиётсизлик билан босилган гавдадан чиққан товуш ёки шарпа ҳам пастдагиларни оёқка тургизиши мумкин эди.

Тунга номувоғиқ бирор овоз ҳам уларни ҳушёр торттириши ҳеч гап эмасди. Аммо, қоронғу тун сукут сақлашни истамасди. Сув бўйида яшаётган жажжи қурбақалар қущдай сайрашар, жарликда чирилдоқларнинг ўткир чириллаши акс садо берарди. Кинонинг бошида эса ҳамон худди тушдагидай хира бўғиқлик билан Ёвуэлик оҳангি жарангларди. Бироқ, Оила қўшиғи ҳам энди ғазабланган ёввойи мушук сингари жангриланар, оҳанглари кескин баландлаб борарди.

Гўёки бор қувватини йигиб, ғанимига қарши курашга сафарбар этарди. Унинг оҳангি чирилдоқларнинг чириллашига уланиб кетар, қуриллаётган қурбақалар ҳам бу оҳангга жўр бўлардилар.

Кино тошдаги ўйиқдан соядек шовқинсиз пастга тушмоқда эди. У бармоқлари бирор жойга тиralгунича яланг оёғи билан бир оз сирғалар, сўнгра иккинчи оёғини ҳаракатлантиради. Қўлларини ҳам шунга мос равища жойдан жойга кўчирдики, охир-оқибатда у тиқ этган товуш чиқармай, пастга тушиб олди. Кино товуш чиқармаслик учун оғзини очганича нафас олиб — нафас чиқарарди. Бусиз ҳатто қоронғуларда ҳам кишини пайқаб қолишлири ҳеч гап эмасди. Мабодо қоровуллик қилиб турган одам бирор шарпани сезиб, камарда писиб ётган қора доғни — яъни унинг гавдасини кўриб қолгудек бўлса, ҳамма нарсани дарҳол тушуниб этиши муқаррар эди. Ана шунинг учун қоровул, ҳатто бу тарафга нигоҳ солишига эҳтиёж қолдирмайдиган дараҷада оҳиста, овоэсиз ҳаракатланиши лозим. Кино нишабликдан ўтиб, ғранит майдонча четидаги калтагина пальма ёнига ўрмалаб боргунича анча вақт ўтди. Унинг юраги гурсиллаб урас, кафтлари ва юзи тердан ҳўл бўлиб қолганди. Пальма остида у нафасини ростлаб олгунча гужанак бўлиб ётди.

Энди унинг билан душман оралиғида бор-йўғи йигирма

Футча\* жой қолганди. Шу сабабли Кино бу гранит майдонча саҳнининг бутун тасвирини хаёлида тиклашга интилар эди. Чунки у қоровулга ташланиши учун юрганида бирор тошга ногаҳон қоқилиб кетишдан чўчирди. У томирлари тортишиб қолмаслиги учун болдиirlарини тозалаб, уқалади. Узоқ вақт давом этган зўриқишидан сўнг пайлари титраётганини туди.

Сўнгра у шарқ тарафга хавотирланиб нигоҳ ташлади. Ой чиқишига саноқли дақиқалар қолган, шошилиш зарур эди. Қоровуллик қиласёттан кимсанинг қомати қорайиб турса-да, қолган иккаласини пальма остидан кўриб бўлмасди. Аслида уни ана шу қоровул қизиқтирас, ҳеч иккиламасдан аввало, уни бир ёқлик қилиш даркор эди. У қўлинин гарданига узатиб, бўйнидаги боғични тортида-да, мугуз дастали пичофини ечиб олди.

Кечикиди! У эндинига қаддини кўтарган ҳам эдики, самонинг шарқ тарафдаги уфқидан кумуш ой парчаси кўринди. Кино яна пальма ортига бекинишга мажбур бўлди.

Ой эскирган, кемтик бўлишига қарамай, жарликни равшан ёритар, тошларнинг соялари ҳам аниқ-тиниқ ажралиб кўринарди. Энди Кино ҳам ҳовузча лабида миљтиқ ушлаб ўтирган одамни аниқ кўриб турарди. Қоровул ойга бир боқиб, сигарета чекишга тутинди. Чақилган гугурт унинг қорачадан келган юзини бир дақиқагина ёритди. Ортиқ кутиб бўлмасди. Қоровул ойдан нигоҳини олиши билан унга ташланиши лозим. Унинг оёқ пайлари сакрашга шайланиб, тараңг тортилди.

Шунда ногаҳон юқоридан бўғиқ йифи товуши эшитилди. Қоровул бошини кўтариб, унга қулоқ тутди-да ўрнидан турди. Ухлаб ётганларнинг бири ҳам қумлоқда ғимирлаб, уйқу аралаш сўради:

— Бу нима бўлди?

— Билмадим, — жавоб қилди қоровул. — Йиғига ўхшайди. Одамнинг овозидай... Бола йиғисига ўхшайди.

— Ким билади дейсан, — деди уйғонгани, — балки шорол боласидир? Мен шорол боласи худди одамдек улишини кўп эшигнаман.

Кинонинг пешонасидан қуюлиб келаётган йирик тер доналари унинг қўзларига кириб, ачиштиради. Ингичка йифи

\*Фут — 30,479 сантиметрга баробар келадиган рус ва инглиз ўлчови.

товуши яна эшитилгач, қоровул гор мавжуд бўлган гранит ўйиқ тарафга қараб қолди.

— Шоғолга ўхшайди, — деди у.

Кино унинг қўлидаги миљтиқ шарақлаб, отишга тайёрланганини эшилди.

— Агар шорол бўлса, ҳозир овозини ўчирамиз, — деди у миљтирининг қўндоғини елкасига тирав экан.

Ўқ овози янграганида Кино қоровулга ташланиш учун сакраб бўлган, миљтиқ оғзидан сачраган алантга эса самода муаллақ қолган Кинонинг қўзларини қамаштириб юборганди. Узун пичоқ баланд кўтарилиб, кишини энтиқтирадиган зарб билан урилди. Унинг дами бўйиндан то кўкраккacha чуқур кирган эди. Кино кишини даҳшатга соладиган қувватга эга механизм сингари ҳаракатланарди. У миљтиқни ушлаш билан бирга шу ондаёқ пичофини рақиб танасидан суғуриб олди. Унинг кучи, интилиши, ҳаракатларининг аниқлиги — барчаси бехато ишлайдиган механизмни эслатарди. У бутун вужуди билан кескин бурилдида, қумлоқда ўтирган кимсанинг бошини қовундек мажақлаб ташлади. Учинчи кимса эса қисқичбақадек ўрмалаб, жуфтакни ростларкан, ҳовузчага тушиб кетди. Ўрнидан туриб, жон-жаҳди билан сув оқиб келаётган камарга тирмашиб чиқа бошлади. У ёввойи ток новдаларига чирмашар экан инграп, ўзича тушунарсиз алланарсани ғулдиради. Аммо Кино шафқат нималигини билмас, ниҳоятда совуқкон эди. У шошилмасдан миљтиқни тўғрилаб, нишонга олди-да, тепкини босди. Рақиби қоядан тўппа-тўғри сув ичига шалоплаб йиқилди. Кино оҳиста ҳовуз бўйига келди. Ой ёргутида унинг қаршисида қўрқув ичра даҳшатга тўлган қўзлар чақнаб турарди. Кино нишонни кўзлар оралиғига тўғрилаб, отди.

Кейин Кино чор атрофга қатъиятсизлик билан нигоҳ сола бошлади. Нималар рўй берди? Унинг миясига қандай товуш урилмоқда? Қурбақалар ва чирилдоқлар тинчиб қолишганди. Миясига қўйилган қон ортга қайтганидан сўнггина Кино бу товушни англаб етди. Тобора баландроқ эшитилаётган, узун, андуҳли ва жазавали фарёд гранит ўйиқ бағридаги кичик гордан келар, бу фигон ўлим хабарчиси эди.

Кинолар оиласининг қайтишини Ла-Пасда ҳамма яхши эслайди. Балки уларнинг қайтиб келганини ўз кўзи билан кўрганлар ҳали ҳам тириқдир. Аммо, бу воқеани ота-боболаридан

эшитган кишилар ҳам унинг қай тарзда кечганини тасаввур қилади. Ўша пайт унда қарийб ҳамма иштирок этган. Болакайлар илк бор шаҳарга телбаларча югуриб киришиб, унинг кӯчалари бўйлаб Кино ва Хуананинг қайтиб келишгани ҳақидаги хабарни ёишига киришишганида қўёшли кун охирлаб қолган эди. Уларни кўрган барча кўчага отилиб чиқди. Қуёш гарбдаги тоғ қоялари ортига бота бошлаганидан уларнинг соялари заминга узун лента каби чўзилганди. Балки худди ана шу соялар сабаб Кино ва Хуананинг қайтиши одамлар хотирасида ўчмас из қолдиргандир.

Улар шаҳарга торгина йўлакчаларга бўлиниб кетган қумлоқ йўлдан қайтиши. Бироқ Кино ва Хуана илгаригидек олдинмакетин эмас, ёнма-ён одимлашарди. Қуёш уларнинг ортида эмасми, узун соялар улардан илгарироқ йўртиб борар, гўё иккиси ҳам елкасида оғир тоғни ортмоқлаб келаётгандек таассурот қолдиради. Кинонинг букилган қўлида миљтиқ бор эди. Хуана эса шол рўмолни елкасидан ўтказиб, калта боғлаб олган, бироқ бу тугилган рўмол ичида аллақандай оғир нарса борга ўхшарди. Хуананинг рўмоли қоннинг намидан бужмайиб, бир-бирига ёпишиб қолганди. Хуана ҳар қадам ташлаганида елкадан ўтказиб тугилган рўмол одимга мос равишда чайқалиб-чайқалиб кетарди. Хуананинг юзида чарчоқ, курашавериб толиққанлик ифодаси қотиб қолган эди. Унинг нигоҳи йироқ-йироқларга маъносиз тикилиб қолган, худди осмон каби барчадан йироқ ва ҳаммага бегона бўлиб одимларди. Кинонинг лаблари маҳкам жипсланган, ёноқ суяклари бўртиб чиқканди. Одамларнинг айтишича, унда яқинлашиб келаётган бўрон каби мудҳиш ва қўрқинчли алланарса мужассам эди. Одамлар Хуана ва Кино инсоний фаму қайгулардан жуда йироқлашиб кетгандек туулганини ҳам сўзлашади. Гўё улар қайғу ва изтироб чекавериб шундай жойдан чиқиб қолишганки, бу ерда уларни фаму ташвишлардан аллақандай кўринмас, сехрли девор ажратиб туради. Уларни қўриш учун югуриб келганлар дарҳол йўл бўшатиб, ортга чекинишар, бирор сўз қотишга ботинолмасдилар.

Кино ва Хуана шаҳардан унинг борлигини унутган кўйи ўтиб борардилар. Улар на ўнгга, на сўлга, на юқорига, на-да пастга боқмай, фақат олдинга қараб кетишаарди. Уларнинг одимларида ёғоч қўғирчоқларникидек қатъиятсизлик, титроқ бор эди. Ҳамон соялари улкан қора қоядек ўзларидан олдинга чўзилиб

борарди. Улар шаҳарнинг гиштин ва тош уйлари ёнидан ўтиб боришаркан, марварид олиб сотувчилар панжараларидан, хизматкорлар эса дарчалар тирқишиларидан қараб қолишарди. Оналар эса ўзларининг ёш болаларини беихтиёр бағирларига босар эдилар. Кино ва Хуана шаҳарнинг гиштин ва тош уйлари оралаб, қамиш кулбалар олдидан ёнма-ён ўтиб боришар, қўшнилар уларга йўл бўшатиб, ортга тисарилардилар. Хуан Томас салом маъносида қўл кўтарди. Аммо жавоб олмагач, қўли бир лаҳза ҳавода муаллақ қолиб, ўнғайсизланди.

Оила қўшиғи Кинонинг қулоқларида кескин жарангларди. Энди у ҳамма нарсадан озод. Ана шу озодлиги билан қўрқинчли бўлиб қолганди. Оила қўшиғи эса унинг ягона жанговар шиорига айланди. Улар куйиб, қора тўртбурчак бўлиб қолган ўз кулбалари ёнидан ўтиши. Аммо унга ҳатто қайрилиб ҳам қарамадилар. Улар қирғоқдаги саёзликни ўраб турган чакалакэзор оралаб сув лабига тушиши. На Кино ва на Хуана ўзларининг тешилган қайигига бирор марта ҳам боқмадилар.


Сув лабига келишгач, тўхтаб, Қўрфаэзга нигоҳ ташлашди. Сўнгра Кино милтиқни ерга қўйиб, қўлинини қўйнига тикиди-да, у ердан улкан марваридни олди. Марварид унинг кафтида турарди. У эндиликда ранги очинқираган марвариднинг ғадир-будурлашган сиртига қаради. Унда фазабдан таниб бўлмайдиган даражага келган ўз қиёфасини ҳамда ёнғин шуъласини қўрди. Марвариднинг сиртида ҳовузга қулақ тушган кимсанинг даҳшатга тўла қўзлари намоён бўлди. Марвариднинг юзасида яна кичик горча ичида ётган Койотито акс берди. Унинг жажжи бошчасини ўқ мажақлаб кетганди. Марварид энди мудҳиш ва қўрқинчли эди: у ҳалокатли шиши сингари оқишигбон рангга кирганди. Кино Марвариднинг номутаносиб, ёввойи қўшиғини эшитди. Кинонинг бармоқлари бир оз титраб кетди. Сўнгра у оҳиста Хуана тарафга қайрилиб марваридни унга узатди. У ҳаракатсиз тугунини орқалаган кўйи ҳамон Кинонинг ёнида турарди. Бир дақиқагина марваридга тикилиб тургач, сўнгра Кинонинг қўзларига боқди-да, секингина шивирлади.

— Йўқ, ўзинг...

Кино қулочкашлаб, бор кучи билан марваридни денгизга улоқтириди. Кино ва Хуана ботаётган қуёш нурларида унинг липиллаб учайтганини кузатиб туриши. Улар ёнма-ён туриб, узоқдан марварид шалоплаб сувга тушганини кўриши, узоқ вақт ана шу жойдан кўз узолмай тикилиб қолишиди.

Марварид эса тип-тиниқ мовий сувга урилиб, унинг қаърига чўқди. Унда зумрадранг шуълалар аксланаарди. Нихоят марварид денгизнинг қумлоқ тубига чўқди. Денгиз сиртидаги сув худди мовий ойнага ўхшарди. Марварид эса қирққулоқка ўхшаган парсимон баргли ўсимликлар тубида ётарди. Унинг ёнида сирғалиб бораётган қисқичбақа ўз ортидан енгил қум лойқасини қўзғагани ҳамон марварид фойиб бўлди.

Марварид Қўшиғи эса аввалига англаб бўлмас шивирга айланди, сўнгра бутунлай уни ўчди.



## СТЕЙНБЕК НАСРИНИНГ ОҲАНРАБОСИ

Талабалик йилларимда дўкондан Жон Стейнбекнинг китобини харид қилмагунимча унинг ижоди ҳақида бирор нарса билмаганимдан ҳанузгача афсусланаман. Машҳур Америка ёзувчисининг “Тортилья Флет мавзеси”, “Одамлар ва сичқонлар ҳақида”, “Жавоҳир”, “Адашган автобус” каби танланган асарлари кирган бу китоби Америка адабиёти ҳақидагина эмас, Америка қитъасида яшаётган инсонлар маънавий дунёси, орзу интилишлари ҳақидаги тасаввурларимни бойитгани учун ҳам менга ғоят қадролидир. Кейинчалик унинг “Бир тутам газаб” романини ўқидим. Шу асари учун 1962 йилда унга халқаро Нобель мукофоти берилган эди.

Ушбу асарлар мutoаласидан сўнг Американинг машҳур бошқа бир ёзувчи, халқаро Нобель мукофоти совриндори Уильям Фолькнер “асримизнинг энг зўр носирлари кимлар” деган саволга Томас Вульф, Эрнест Хеменгуэй, Жон Дос-Пасс номлари қаторида биринчилардан бўлиб Жон Стейнбек исмини бекорга қайд этмаганини англадим.

Рости, ўша кезлар, аниқроғи тугаб бораётган асримизнинг саксонинчи йилларидаёқ миллатдошларимиз бу маҳоратли ёзувчи асарларидан баҳраманд бўлиши керак, деган фикр миямда ўрнашиб қолди. Гарчи журналистика ва шеърият мен учун қадрлироқ бўлса-да, беихтиёр унинг асарларини таржима қилиш иштиёқи туғилди. Дастлаб менда катта ҳиссий таассуротлар уйғотган “Жавоҳир” қиссасини таржима қилишга киришдим. Бир ой давомида Стейнбекнинг ушбу жозибадор қиссаси қаҳрамонлари билан бирга бўлиш, уларнинг ўй-ниятларига ошинолик қанчалик завқ баҳш этганини тил билан ифода қилиб беролмайман. Мен ижодий ўрганишнинг энг мақбул йўли таржима, деган фикр нақадар тўғрилигига ҳам дастлаб Стейнбек асарларини таржима қилаётib амин бўлдим.

“Жавоҳир” қиссасида Жон Стейнбек инсон озодликдан

маҳрум, мустамлакада ва мустабид тузумда яшаганда тасодифан ҳаётига кириб келган қулфат ва бойлик уни қай қўйларга солгани ҳақида ҳикоя қилинади. Асаддаги самимий ҳарорат, ҳиссий ёлқин илк сатрларданоқ сизни ўз оғушига олади. Бош қаҳрамон Кино қалб қулоғи билан илғаган кўйни асар охиригача сиз ҳам эшишиб, у билан барча оғир ва сархуш дамларни бирга кечирависиз, бедихтиёр Сиз ҳам ўз ҳаётингиз давомида ҳамроҳ бўлаётган, ҳанузгача ўзингиз англамаган муқаддас ўз кўйингизни кашф этасиз. Қалбингиз уйғонади гўё.

Стейнбек маҳоратига сиз асарни ўқиётиб, албатта амин бўласиз. Бироқ, сўз бошида “Жавоҳир” қиссасидаги қўйидаги парчани келтирмай ўтмолмайман:

“Кино дағича олдида каловланиб туриб қолди. Доктор у мансуб халқ фарзанди эмас эди. Бу доктор қариёб тўрт асрдан бери Кинонинг қабиладошларини калтаклаш, очлиқда сақлаш, талаш билангина кифояланмай, яна улардан нафраланадиган, эшиги остонасига келганда худди ҳозиргидек довдираб қолиш даражасигача қўрқитган ирққа мансуб эди. Кино бу ирққа мансуб кишилар билан тўқнаш келганда ҳар гал бирдан ўзини ожиз ва кучсиз сезар, ногоҳ юрагида қўрқув билан бирга аллақандай ғазаб ҳам уйғонарди. Ғазаб ва қўрқув доимо ёнма-ён юарди. Кино учун доктор билан гаплашишдан кўра уни ўлдириш осонроқ эди. Чунки, докторнинг ирқдошлари унинг миллатдошларига тил-забонсиз ҳайвондек муносабатда бўлардилар. Кино ўнг қўлини даричанинг темир ҳалқасига чўзаётганида юрагида ғазаб жўшарди. Қулоқларида фаним мусиқаси жаранглаб, лаблари маҳкам жипслашган бўлса-да, аммо чап қўли беихтиёр шляпасига узалмоқда эди”.

Кинонинг кўнглидаги дард истибодд земонида яшаган минглаб миллатдошларимизга, жумладан менга ҳам фоят танишлиги, яқинлиги учун таржима қилгандирман балки бу қиссани...

Хўш асарнинг бугунги кундаги долзарблиги нимада?

Бугун биз истиқлол яратган имкониятлар натижасида пешона теримиз, ақл-идрокимиз билан истаганча бойлик орттириш ва уни ўз билганимизча сарфлаш имкониятига эга бўлдик. Кеча ҳадик ва қўрқув исканжасидан чиқсан барчамиз ҳам бойлик ва сарватни идора этиши эркини бир хилда истифода эта олаётганимиз йўқ. Кимдир жон чекиб эришган бойлигини ўйламай сарфлаб ундан осонгина жудо бўлаётган бўлса, бошқа айримлар

ҳаёт моҳиятини унугиб, бойлик билан умрни зийнатлаш ўрнига аслида бойликнинг қулига айланиб қолмоқда. Ҳар икки ҳолатда ҳам маърифат, маънавият инсон ақлнинг тарозуси бўлmas экан, йўлдан адашиш ҳеч гап эмас экан.

“Жавоҳир” қиссасининг бош қаҳрамони Кино дентиз остидан топиб олган дунёдаги энг катта, яъни энг қимматбаҳо марваридни нега қайта сувга улоқтириб юборгани ҳақидаги савол сизни узоқ вақт ўйлантиришига, эзгуликка даъват этишига аминман, азиз китобхон.

Таржимон